



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**
**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

“ТАСДИҚЛАНДИ”

Ўқув ва тарбиявий ишлар
бўйича директор ўринбосари

_____ А.Расулов

2018 йил “_____” август

“Касбий таълим методикаси”

фанидан

Маъруза матни

5350400 – Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими

Фан ишчи дастури Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети кенгаши томонидан тасдиқланган фан дастури асосида тайёрланган. № 816. 11.10.2016 й.

Фан ишчи укув дастури филиал Кенгашида 2018 йил « ____ » _____ даги сонли баёни билан тасдиқланган.

Тузувчи:

Х.Х.Ражабова – ТАТУ Фарғона филиали «Ахборот таълим технологиялари» кафедраси ассистенти

Тақризчи:

М. Джалилов. – ТАТУ Фарғона филиали “Компьютер тизимлари» кафедраси мудири

Ушбу фан ишчи дастури «Ахборот-таълим технологиялари» кафедрасининг 2018 «27» августдаги «1» - сонли йигилишида муҳокама қилинган.

“Ахборот таълим технологиялари ” кафедраси мудири:

2018 йил “ ____ ” _____ С.Абдурахмонов
(имзо)

Ушбу фан ишчи дастури Телекоммуникация технологиялари ва касбий таълим факультетининг 2018 йил «1» - сонли йигилишида муҳокама қилинган.

ТАТУ Фарғона филиали “ТТ ва КТ” факультети декани:

2018 йил “ ____ ” _____ О.Қўлдошев
(имзо)

«КЕЛИШИЛДИ»

Ўқув –услубий бўлим бошлиғи

2018 йил “ ____ ” _____ Ш.Умаров
(имзо)

1-маъруза

Тема: Кириш. Касбий таълим методикаси фанининг мақсади ва вазифалари Режа

1. Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
2. Касб-хунар таълим муассасаларида педагогик жараёни ташкил этиш
3. Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши

1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармон, асар ва нутқлари, вазирлар маҳкамаси ҳужжатлари, халқ таълими, олий ва ўрта-махсус касб-хунар таълими тизимининг қатор ҳужжатлари мазмуни бу борада амалга оширилаётган барча ишларнинг қонуний ва концептуал асослари бўлиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар муҳим роль ўйнайдилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

Бу янги ўқув масканларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бир томондан ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўқув юртини замонавий техника билан таъминланганлигига боғлиқ.

Касб-хунар коллежи муҳандис-педагог ходимлари олдига тайёрланадиган малакали ишчи кадрларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятни, жамоа олдига бурч хис туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўяди.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу мураккаб ва маъсулиятли вазифа ўқитувчи-педагоглар зиммасига юклатилади. Ўқитувчи – педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади ва у ўқитиш шаклларида фойдаланиладиган ўқитиш қонуниятлари, принципларини ижодий қўллашда, илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишдек муҳим вазифани бажаради.

Бу вазифаларни бажариш ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдалана оладиган юқори малакали ишчиларни етиштириш демакдир. Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал қилишда муҳандис-педагогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини тадбиқ эта олишлари катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги касб-хунар таълими дидактикасида қандай ўқитиш жараёни қонуниятлари мавжуд?

- ўқув жараёнига системали ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда унинг ўзаро боғланган икки тизими амал қилади.

Биринчидан, ўқув жараёни ўзининг ўқитиш мақсади, ўқитиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган.

Иккинчидан, ўқув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг таг тизимидир. Бу таг тизим ўқитиш, таълим бериш ва тарбия жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизимда салмоқли тизим сифатида касб-хунар таълим тизими ўқув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизими ҳам мавжуд.

Шундай қилиб ўқув жараёнининг муҳим ташқи ва ички боғлиқлигини фарқлаш лозим. Шу асосда таълим қонунлари таснифланади. Дидактиканинг ўз қонуниятлари сифатида ўқув жараёни компонентлари орасидаги зарурий, такрорланувчи ва муҳим боғланишларни кўрсатиш мумкин.

Касб-хунар таълим муассасаларида педагогик жараённи ташкил этиш ва педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Касб-хунар таълим тизимида ўқитиш жараёнининг ўзига хос хусусиятли томонлари мавжуд бўлиб, самарали натижани кафолатлаш асосан педагогик технологиялар асосида амалга ошади.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмидан мустаҳкам ўрин эгаллади

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди..

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блуи, Ж.Королл, П.Я.Гальперин, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Занков

технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактик олимларга тааллуқлидир.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълим деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

“Педагогик технология- бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муаян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир” (Н.Саидахмедов, О.Очилов).

“Педагогик технология – педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий – сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса” (Б.Зиёмуҳаммедов).

“Педагогик технология – педагогик жараённи бошқариш омили сифатида қуйидаги мазмунга эга: ПТ - таълим жараёнини лойиҳалаш асосида ташкиллаштириш, унинг самарали натижасини кафолатловчи хусусиятларга, (педагогик маҳорат, педагогик такт, педагогик стил, педагогик аниқлик) педагог фаолиятининг инновацион хусусиятларига (ижодкорлик – креативлик, юксак профессионализм – акмеология, таҳлилий ва танқидий ёндошув - рефлексия) таянган ҳолда таълимнинг янги шакл ва усуллари яратиш ва амалиётга жорий этишни бутунлигича аниқловчи тизимли категориядир” (С.Йўлдошева).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиш деган хулосага келиш мумкин.

Касб-хунар таълим тизимида педагогик жараённи ташкил этишда талабанинг ва ўқитувчининг муносабатига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу муносабатни қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Авторитар технологиялар. Ўқитувчи асосий субъект бошқарувчи, талаб қилувчи, етакловчи сифатида майдонга чиқади. Талаба шахси эса тобе булиб, барча талабларни бажариши керак. Бунда талабанинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари таълимни ташкил этиш жараёнида эътиборга олинмайди. У бажарувчи сифатида майдонга чиқади.

2. Дидактик марказлашган технология. Бу технология марказида таълим жараёни туради ва таълим жараёни тарбиядан устун қўйилади. Айнан дидактик

восита ёрдамида шахсни шакллантириш, унда касбий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўқитувчи етакловчи (амалиётчи) сифатида майдонга чиқади. Икки томон ҳам (ўқитувчи ва талаба) бир хил позицияни эгаллайди. Асосий мақсад таълим олиш ва томонлар ҳамкорликда иш олиб борадилар.

3. Шахсга йўналтирилган технологиялар. Таълим тизимининг марказида талаба шахси туради. Талабанинг ривожланишига соғлом психологик муҳитни ташкил қилиш, низо ва инқирозлардан асраш, табиий имкониятларини ривожлантириш, қобилиятини ўстиришга қаратилган. Бу йўналишни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

а) Инсоний технологиялар. Бу технология ўзининг инсонийлиги билан, психотерапевтик йўналиши билан ажралиб туради. Ушбу технологиянинг мазмуни талаба шахсини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва талабани ижодий қобилиятларини ривожлантиришдир. Талабага нисбатан ҳурмат ва меҳр билан қараш ва мажбурийликдан воз кечишдан иборатдир.

б) Ҳамкорлик технологияси. Бу технология демократия, ҳамкорлик, тенглик каби ғоялар асосида қурилган. Ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабатлар субъект - субъект сифатида қаралади. Биргаликда таълим жараёни ташкил этилади ва биргаликда ижод этилади.

в) Эркин тарбия технологияси. Талабага танлаш, мустақиллик эркинлиги берилади. Талаба ўзи танлаган восита ва мазмунни тўлиқ қабул қилади ҳамда бу фаолиятни хоҳиш билан бажаради. Ички эҳтиёж билан уйғунлик ҳосил бўлади.

г) Эзотерик технология. Эзотерик билимлар (онгдан ташқари) қонуниятларни ўрганиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш назарда тутилади.

Методика – метод ва усулларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, қандайдир ҳаракатни амалда бажарилишидир. Ўқитиш методикасида у ёки бу фанни ўрганиш ҳақида тушунилади. Адабиётларда шундай сўз талқини учрайди «Ўқитиш методикаси», «Ўргатиш методикаси».

Лекин бу икки тушунча ҳам амалда тенг ҳуқуқлидир. Чунки ўқитиш – бу ўргатилганни фаолияти, ўргатиш эса – уларни биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитиш методикасининг методологик асослари билим назарияси бўлиб, умумий қонуниятларни, инсон атрофида содир бўлаётган, уни ураб турган дунё шакли ва методларни ўрганади.

Ўқитиш методикаси ўқув предмети сифатида бўлғуси муҳандис-педагогга куйидагини тушунитириши керак. Қандай ва нимага ўқитиш, қандай кетма-кетликда ва нимага энди шундай ўқитилади, бошқача эмас. У нафақат методларнинг билим таълим мазмунини, ўқитилаётган фанлар мажмуасини ўз ичига олади.

Ўқитиш методикаси фани махсус ва ишлаб чиқариш таълими фанларни касб-ҳунар мактаблари ва коллежларда ўқитиладиган предметларни бир бутун гуруҳлар сифатида бирлаштиради.

2-маъруза

Тема: Педагогик ва ахборот технологияларига оид билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Режа:

- 1.Таълим тизимида янги ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш
- 2.Ахборотлаштириш замонавий дунё тараққиётининг энг мухим йўналишларидан бири
- 3.Хозирги замон фан-техника тараққиёти ахборотлар оқими

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари, "Таълим тўғрисида" ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилиши идоравий мажбурияти ва мулкчилик шаклларида қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча турдаги таълим муассасалари учун мажбурийдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим, фан ва маориф соҳасига тегишли асарларини, республика ҳукумати ва халқ таълими вазирлигининг шу соҳадаги қарор, фармойиш, буйруқ ва меъёрий ҳужжатларини, "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларни, "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастури"ни, кимё фани бўйича Давлат таълим стандартлари (ДЦ)нинг янги таҳрирдаги вариантини, умумий ўрта таълим муассасалари ҳақидаги Низомни, ўқув дастурларини билиши;

Курс тингловчилари:

- таълим тизимида янги ахборот-коммуникация технологияларининг кириб келиши ва истиқболлари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- янги ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан хабардор бўлиши ва машғулотларда улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;
- ахборот тушунчаси, уларнинг турлари, хоссалари ва ўлчов бирликларини билиши, ахборотнинг компьютерда тасвирланиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши;
- ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши ҳамда мазкур жараёнларни автоматлаштириш ижтимоий зарурият эканини тушунтира билиши;
- замонавий компьютерлар таркибий қисмлари ва қўшимча қурилмаларининг вазибалари тўғрисида маълумотга эга бўлиши;
- компьютер тармоқлари ҳақида маълумотга эга бўлиши, Интернет тармоғи, электрон почта ва ундан фойдаланиш йўл-йўриқларини эгаллаши;
- матн муҳаррири (Word), жадвал процессори (Эксел), тақдимот дастури (Power Point) ёрдамида дарс ишланмаларини яратиш технологиясини ўзлаштириши;

- таълим тизими учун жорий этилган электрон дарсликлардан фойдаланиш асосларини билиши, уларни дарс жараёнида самарали қўллаш олиш малакасига эга бўлиши керак.

Ҳозирги даврда бир объектив муаммо мавжуддир. Умумий ўрта таълимнинг ДТСларини ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этилди. Фан ўқитувчиларимиз бирмунча мураккаблаштирилган, юқори савияга эга, жаҳон талабларига мос фанлар стандартларини амалга оширишга тайёрми? Мана шу қарама-қаршиликларни ечиш қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимидаги муаммодир. Таълим тизимидаги ислохотларнинг тақдирини ДТС ишлаб чиқилди, янги дарсликлар яратилди, дастур ва методик қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқилди ана энди ишлайверинг ўқитувчилар дегани эмас. Чунки ўқитувчи фаолияти янгиланмаса таълимда самардорликка эришиб бўлмайди. Педагогик фаолият туғма талант эмас, наслдан-наслга ўтувчи хусусия эмас балки унинг асосида изланиш, ижодий меҳнат ётади. Таълим тарбия жараёнидаги инновациялар, илғор педагогик технологиялар, янгиликлар, дарс ўтишнинг интерфаол усуллари ўз-ўзидан таълимга кириб келмайди. Маълум доирадаги муаммоларни йечиш учун янгиликни киритишга йўналтирилган ҳаракатлар, ҳар қандай вазиятда муаммоларни йечиш учун мотивацион тайёргарлик Инновацион фаолиятдир. У қуйидаги асосий хусусиятларга эга;

- ижодий фаолият технологиясини эгаллаш;
- эгалланган билим ва кўникмаларни янги вазиятга кўчира олиш;
- муаммоларни ажрата олиш;
- объектнинг янги функцияларини кўра билиш;
- муқобил йечимлар топа олиш;
- ўз-ўзини ва ўз фаолиятини таснифлай олиш билим ва кўникмалари.

Ахборотлаштириш замонавий дунё тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, жаҳон фан техникасининг Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Ахборотлар технологияси иқтисодий масалаларни ҳал қилишда қуйидаги асосий жараённи ўз ичига олади:

1. Ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш.
2. Уни қайта ишлаш, жойига узатиш.
3. Маълумотларни кодлаштириш.
4. Маълумотларни сақлаш ва излаш.
5. Иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш.
6. Ахборотни чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш.
7. Қарор қабул қилиш ва бошқарув таъсирини ишлаб чиқиш.

Маълумки, иқтисодий ахборот ҳамма жараёнларнинг юзага келишида иштирок этади, лекин қатор ҳолатларда баъзи жараёнлар иштирок этмайди. Уларнинг амалга оширилиши ҳар хил бўлади. Шу ўринда баъзи жараёнлар қайтарилиши мумкин.

Жараён таркиби, уларнинг шаклланиши ва муҳим хусусияти кўп жиҳатдан иқтисодий объектга боғлиқ. Ахборотнинг шаклланишидаги асосий жараёнларнинг бажарилиш хусусиятларини кўриб чиқамиз:

1. Ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш; ахборотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш ҳар хил иқтисодий объектларда ҳар хил кечади. Бу жараён бошқариш жараёнлари автоматлаштирилган халқ хўжалиги объекти фаолиятини ақс этган бошланғич иқтисодий ҳисоботни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш, амалга ошириладиган ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ва бошқаларда анча мураккабдир.

Шу ўринда бошланғич маълумотнинг ишончли, тўлиқ ва замонавий бўлишига катта эътибор берилади. Корхонада ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш ҳар хил хўжалик операцияларини бажариш вақтида содир бўлади. (Масалан: тайёр маҳсулотларни қабул қилиш, материалларни қабул қилиш, юбориш ва бошқалар). Аввал ахборот йиғилади, кейин мустаҳкамланади. Келтирилган ҳисоботлар, мисол учун, иш жойларининг ўзида ишлаб чиқарилган деталлар, брак деталларнинг сони ва бошқалар ҳисоблаш натижасида келиб чиқади. Ҳақиқатдан ахборотни йиғиш учун ўлчаш ишлари, ҳисоб-китоб, материал объектларини таққослаш, алоҳида бажарувчиларнинг вақтинчалик ва сонли характердаги ишларини ҳисоб-китоб қилиш кабилар амалга оширилади.

Ахборотни йиғиш уни рўйхатдан ўтказиш билан бирга олиб борилади. Бошланғич ҳужжатларга ёзиш асосан қўлда бажарилади, шунинг учун йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнлари ҳозирча меҳнат талаб этадиган ишлигича қолмоқда. Корхонани бошқаришнинг автоматлаштирилган шароитида асосий эътибор ахборотларни рўйхатдан ўтказишнинг техник асосидан фойдаланишга қаратилади. Ахборотларни рўйхатдан ўтказишнинг техник асоси ўз ичига қуйидагиларни олади: сонли ўлчов операцияларини рўйхатдан ўтказиш, ЭХМ алоқа каналлари орқали ахборотларни йиғиш, узатиш ва бошқалар.

Иқтисодий ахборотларни узатиш ҳар хил иқтисодий объектларда турлича амалга оширилади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимида ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш кўпинча уни қайта ишлашдан ажратилган ҳолда олиб борилади. Маълумки, ахборотларни йиғиш ва узатиш иш жойларининг ўзида амалга оширилади, уни қайта ишлаш эса - ҳисоб-китоб марказида олиб борилади.

2. Ахборотларни узатиш. Ахборотларни узатиш турли усуллар билан амалга оширилади, почта орқали юбориш, транспорт воситалари билан етказиш, узоқ масофаларга алоқа каналлари орқали узатиш ва бошқалар.

Узоқ масофага ахборотни алоқа каналлари орқали узатиш вақтни ва харажатни қисқартиради. Уни амалга ошириш учун эса турли махсус техник воситалар керак бўлади. Баъзи ахборотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказишнинг техник воситалари иш жойларига ўрнатилган датчиклардан олинаётган ахборотларни йиғиб, ЭХМга узатади. Бошланғич ахборот пайдо бўлган жойидан узатилгани каби натижавий ахборот ҳам тескари йўналишда узоқ масофага (дистанцион) узатилиши мумкин. Бу ҳолда натижавий маълумот ҳар хил асбобларда ақс этади.

Ахборотларнинг қайта ишлаш марказига алоқа тармоқлари орқали етиб келиши асосан икки усулда амалга оширилади: 1) машина ташувчиларда 2) бевосита ЭХМда махсус дастурли ва аппаратли воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ахборотни узок масофага узатиш усули доим ўсиб, ривожланиб бормоқда. Бу усул кўп қиррали тармоқлараро тизимда катта ахамиятга эга. Чунки дистанцион узатиш бир бошқарув босқичидан иккинчисига ахборотнинг ўтишини тезлаштиради ва маълумотларни қайта ишлашга кетадиган умумий вақтни тежайди.

3. Машинали кодлаштириш. Машинали кодлаштириш - бу машина ташувчиларига ахборотни ЭХМда қабул қилинган кодларда ёзиш жараёнидир.

Бундай ахборотларни кодлаштириш берилган бошланғич хужжатларни магнит дискларга ўтказиш йўли билан амалга оширилади, сўнгра ЭХМга қайта ишлаш учун киритилади.

4. Иқтисодий ахборотларни сақлаш ва йиғиш. Иқтисодий ахборотларни сақлаш ва йиғиш - ахборотлардан кўп марта фойдаланиш, ахборотларни доимий қўллаш, бошланғич маълумотларни қайта ишлашгача уларни тўплаш каби заруриятларидан келиб чиқади.

Ахборотларни сақлаш ахборот массивлари кўринишида машина ташувчилари орқали амалга оширилади.

5. Берилган маълумотларни излаш; бу сақланаётган ахборотлардан керакли маълумотни танлашдир. Ахборотни излаш жараёни керакли ахборотга тузилган сўров (савол) асосида амалга оширилади. Иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш, чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш; ЭХМда иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш марказлашган ҳолатда олиб борилади, мини ва макро ЭХМларда эса, бошланғич ахборот ҳосил қилган жойнинг ўзида (яъни у ёки бу бошқарув хизмати мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) нинг ўзида) амалга оширилади

Ахборот, компьютерлаштириш, ҳисоблаш техникаси, ахборот технологияси, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий компьютерлар, дастур билан таъминлаш ва бошқа шу каби илмий тушунчалар жамиятни ахборотлаштиришнинг энг муҳим хусусиятларини ифода этади.

Ахборот - ижтимоий, табиий фанларнинг, тафаккур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалари мажмуи демак. Инсон ахборот оқими ичра яшар экан, турли-туман воқеа, ходисалар ва жараёнларнинг бир - бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини таҳлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўриш, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари ўндай амал ўйлаётганлигини англаб этиш мақсадида кўпдан кўп сизларга, далил ва рақамларга мурожаат қилади. Ахборот туфайли назарият амалиёт билан бирлашади.

Ахборот технологияси бу усуллар тизими ва ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш, узатиш йўлидир. У информатиканинг предмети ҳисобланади ҳамда бошқарув амалиётини ўтказишни, ишлаб чиқаришни бошқаришни, илмий изланишлар ва саноат миқёсида корхоналарнинг ташкил топишини, уларнинг техник ривожланиши натижасида халқ хўжалигининг янги тармоқларини юзага келтиради.

3-март

Тема: Илғор методлар, тажрибалар, шакл ва методлардан фойдаланиб талабаларда касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш

Режа:

1. Дарс ҳунар билим юртида ҳам таълимнинг ташкил этишнинг асосий шакли
2. Касб-ҳунар таълим тизимида қўлланиладиган интерфаол усуллар

Дарс деганда ўқитувчининг ўқув гуруҳига уюшган тайёргарлик даражаси бир хил, таркиби ўзгармас ўқувчилар билан машғулот ўтказиши тушунилади.

Дарс ҳунар билим юртида ҳам таълимнинг ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Ҳар бир дарс ўқув жарёнининг бир қисми ҳамда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг бир бутун мантикий яқунланган босқичидир.

Ҳар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Мақсад ва мазмуннинг аниқлиги; бу талаб дарснинг бутун ўқув материални ва унинг ҳар қайси қисмини тўғри танлаш билан амалга ошади.
2. Таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги; таълимнинг тарбиявий характери унинг объектив қонунияти ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчиларнинг касбий билимларини шакллантиришда ҳамма имкониятларидан фойдаланиши керак.
3. Дарснинг ҳар қандай босқичида таълимнинг энг керакли методларини танлаш; ўқитиш методини тўғри танлаш ўқитувчи меҳнатининг самарадорлигини ва ўқувчиларнинг энг юқори фаоллигини таъминлайди, ўқувчиларга чуқур ва пухта билимлар бериши, уларда билимларни амалга тадбиқ этиш малакаларини шакллантиради.
4. Дарсда ўқувчиларнинг жамоа ва яқка тартибдаги ишини тўғри қўшиб олиб бориш; ўқитувчи дарс давомида бутун гуруҳ билан ишлашдан ташқари ўқувчиларнинг яқка тартибдаги топшириқлар бўйича мустақил ишлашини ҳам кенг жорий қилиши лозим.
5. Дарсни самарали ташкил этиш; бу талаб дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланишни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсга яқши тайёрланишини, машғулотнинг яқши техник жиҳозлар билан таъминланишини, унинг барча элементлари, структураси пухта тузилишини тақозо этади.

Дидактик мақсадлар бўйича дарснинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Яқши билимларни ўрганиш дарси.
2. Умумий ёки аралаш дарс.
3. Билимларни мустаҳкамлаш дарси.
4. Синаш – текшириш дарси.
5. Муаммоли дарс.

Ўқитувчи томонидан ўз ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби технологик харита унга фанни,

предметни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндишишга, тушунишига, (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижани кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик харитани ўқувчи талабанинг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга олиб келади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Касб-хунар таълим тизимида қўлланиладиган интерфаол усуллар

Ушбу замонавий методлар ёки интерфаол усуллар, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглари ўқувчи талабаларда мантиқий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ушбу ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этилган технологик тренинглари худди шу тартибда, ўтказишлари шарт эмас, ҳар қайси ўқитувчи бу тренинглари умумий шаклни олган ҳолда ўзларининг дарс технологияларини яратишлари, берилган тренинглари тўлиқ ёки уларнинг баъзи бир босқичлари, элементларини ишлатишлари мумкин.

Биз қуйидаги ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглари (технологиялар)га тавсифнома бериб, баъзилари ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсиянома бериб ўтамыз.

“Тармоқлар” методи – ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

“3x4” методи – ўқувчи-талабалари эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

“Блиц ўйин” методи - ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

“Интервью” техникаси – ўқувчи-талаба савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

“Иерархия” техникаси - оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

“Бумеранг” техникаси – ўқувчи-талабалари дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи талабалари баҳолай олишга қаратилган.

“Талаба” тренинги – ўқувчи-талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўллари ўргатишга қаратилган.

“Ўқитувчи шахси” тренинги - ўқитувчи инновацион фаолиятини очиб берувчи “Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар” мавзусида мустақил фикрлашга, ижодий иншо ёзиш орқали баён қилишга қаратилган.

“Мулоқот” техникаси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

“Бошқарув” техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчи талабаларни иш жараёнида бошқарув усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

“Тармоқлар методи” (Кластер)

Фикрларнинг тармоқланиши - бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунча ва аниқ фикрларни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади.

Бу метод бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадваллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - фикрингизнинг баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) - кўрсатинг сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

(У) - фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс- мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач, қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи талабаларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Мақсад

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ўтказиш технологияси.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-тренинг тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-тренинг ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи яқка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради;

-машғулот давомида ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2-босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатинг сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3-босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, тренер уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-Тренер ҳар бир гуруҳга ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-Тренер кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4-босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-Гуруҳ аъзолари ФСМУ нинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар.

-Фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5-босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар:
Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш, яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6-босқич.

-Тренер машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради.

Қуйидаги саволлар билан тингловчиларга муружат қилади:

-Ушбу тренингдан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-Ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-Ушбу технологияни қўлланилиши талабаларда қандай хислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-Ушбу технологияни ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-Ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчи талабаларга нима беради ва нимага ўргатади?

-Ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-Ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат.

ИЗОҲ. Юқорида келтирилган саволлар ҳар бир тренингнинг мазмуни, мақсадидан келиб чиқиб тренер томонидан тингловчиларга ёки ўқувчи талабаларга берилиши мумкин.

4 – маъруза

Тема: Педагогика, дидактика, методика соҳасида мавжуд амалий ва назарий тушунчаларга асосланиб бўлажак мутахассисларни тайёрлаш.

Режа:

1. Таълим тизимида педагогик технологияни татбиқ этишнинг зарурати
2. Ўқув жараёнида педагогик технология асосида ташкил қилиш услублари

XX аср кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника риво - жининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнида назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмунини амалга оширишни таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида замин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва жисмоний куч сарфланган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Моддий ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш соҳалари (хусусан, қишлоқ хўжалиги саноат, транспорт маиший хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) да ёндашув анъанаси юзага келди. Ишлаб чиқариш жараё - нига технологик ёндашув ушбу жараённинг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади, яъни муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом ашёни танлаш (дастлабки босқич) дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъ - минлаш ва уларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида ташкил этилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технология - ларнинг қўлланиш шартларидан бири - малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйиш эканидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради.

Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқти -содий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида иқтисодий ўсиш аҳоли маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияни татбиқ этиш юқо - рида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш бора - сидаги ижтимоий буюртма моҳияти ўз-ўзидан таълим-тарбия тизимида таалуқли. Ушбу тизим доирасида фаолият кўрсатувчи таълим муассаса - ларининг фаолияти мазмуни тубдан ёки қисман ўзгаради. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълимий ислохотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртма моҳиятига кўра, 1997 йил 29 августда олий мажлисининг IX-сессиясида қабул қилинган янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида» ги қонун ва

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида узлуксиз таълим тизими яратилиб, аниқ вазифаларни бажарувчи босқичлар белгиланди. Шунингдек, янги турдаги таълим муассасалари фаолият юрита бошлади.

Узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши ўз-ўзидан кадрлар тайёр - лаш жараёнининг янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз таълим (шу жумладан, тарбия) жараёнининг янги мазмуни мазкур жараёнга илм фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ғоя, кашфиёт ва ютуқларнинг тадбиқ этилиши. Ушбу жараёнда демократик, инсонпарварлик тамойилларининг устувор ўрин тутиши, таълим ва тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш (яъни, таълим-тарбия жараёнининг асосий субъектларидан бири бўлган талаба - таълим оловчи шахснинг хурмат қилиниши. Унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати ва ҳуқуқлари дахлсизлигининг таъминланиши), таълим оловчи (талаба) нинг педагогик жараёндаги фаол иштирокини юзага келтириш учун муайян шарт шароитларни яратиш, уларнинг хоҳиш-истаклари билан ўртоқ -лашиш, шахсий ташаббусларни қўллаб қувватлаш, уларда мустақил фикр юритиш лаёқатини тарбиялаш, бу борада муайян кўникма ҳосил қилиш, ҳосил қилинган кўникманинг фаолият малакасига айланишга рағбат билдириш, ўқув (манбълари ва кўрсатмали воситалар) мазмунида юқорида қайд этилган ғояларнинг ўрин олишига эришиш, таълим оловчиларда билим олишга нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш, рағбатни юзага келтириш, шунингдек, онгли муносабатни қарор топтириш ва ҳоказолар асосида яратилади.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил қилиш услублари

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи - олдига маълум бир мақсад кўйиб, сўнг унга томон ҳаракат қилишидадир. Киши мақсади сари қиладиган ҳаракати (фаолияти) жараёнида муайян табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф этиш учун у бир қатор тадбир ва чоралардан фойда - ланади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбир ва чоралар мажмуини усул дейилади.

Мақсадга етишда бир неча, гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари маълум бир тизимда қўлланилади. Мақсадга етишда қўлланиладиган усуллар тизимини услуб (йўл) дейилади.

Усулларнинг маълум бир услубда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад кўрсаткичларига бўйсундирилади. Ундан ташқари, киши мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам тамойил сифатида амал қилади.

Киши мақсад сари қилган ҳаракатида унинг учун тамойил вазифасини бажарувчи мақсад кўрсаткичлари билан ҳаракати давомида амал қилиниши шарт бўлган қонуниятлар мажмуига методология дейилади. Ҳар бир шахсни, ижтимоий гуруҳни ва бутун жамиятни энг умумий ва хусусий мақсадлари бўлади, инчунин уларнинг энг умумий, умумий ва хусусий методологик асослари мавжуд.

Ҳар бир соҳада мавжуд мақсад кўрсаткичлари билан фақат шу соҳада ҳукм сурувчи қонуниятлар шу соҳада фаолият кўрсаткичлари учун умумий методологик асос ҳисобланади.

Ижтимоий эҳтиёжга кишининг ижтимоий тараққиёти натижасида вужудга келадиган фикр юритиш, фикр алмашиш, билим олиш, меҳнат қилиш, завқла - ниш, севиш ва севилиш каби эҳтиёжлар киради.

Эҳтиёжни қондириш устида маълум вақт фикр-мулоҳаза юритилгандан кейин эҳтиёж ё инкор қилиниб бостирилади, ёки унга етишиш мақсад қилиб қўйилади.

Мақсад ва унинг кўрсаткичлари аниқ бўлганидан кейин, унга етишиш усул - лари тизими излаб топилади ва ҳаракат бошланади. Шундан мақсад кўрсат - кичлари билан ҳаракат пайтида ўз мавжудлигини намоён қилувчи қонуниятлар йиғиндиси ушбу фаолиятнинг методологик асосини, яъни амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар мажмуини ташкил қилади.

Ҳар қандай жамиятнинг энг умумий мақсади бўлади. Уни миллий ғоя дейилади. Ўзбекистон Республикаси халқларининг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш ҳамда одил фуқаролик жамиятини шакллан - тиришдир.

Бундай давлат ва жамият сифатларини ифода этувчи кўрсаткичлар бўлади. Улар фалсафанинг энг умумий қонунлари билан биргаликда жамият аъзоларининг барча фаолиятига, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасидагиларга ҳам, энг уму - мий методологик асос вазифасини бажаради.

Педагогик жараёнининг умумий методологияси соҳа олдида қўйган мақсад кўрсаткичлари билан дидактиканинг умумий тамойилларидир. Педагогика соҳа - сининг эса умумий мақсади жамиятнинг энг умумий мақсади, яъни ғоясидан келиб чиқиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маъориф соҳасининг умумий мақсади ҳуқуқий демократик давлат ҳамда одил фуқаролик жамиятининг талабларига жавоб берувчи кишиларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эркин, маърифатли ва демократик давлат фуқаролари куйидаги иж - тимой сифатларга эга бўлиши керак:

- Ақлли - мустақил фикр юрита оладиган;
- Одобли - миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга;
- Меҳнатсевар - меҳнат кишининг ижтимоий эҳтиёжига айланганлиги;
- Билимли - диний, дунёвий ва фазовий билимларни кўп ва чуқур эгаллаб олиб, уларни ҳаётда қўллай олиши;
- Соғлом - жисмоний, рухий ва ижтимоий саломат;
- Миллий ғурурга эга - аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фахрланувчи ва уларни бойитишга хисса қўшувчи;
- Ватанпарвар - Ватан учун, халқ учун фидокорона меҳнат қилувчи, уларни муҳофаза қила олувчи ва зарур бўлса улар учун жонини қурбон қилувчи;
- Инсонпарвар - инсон зотида фақат яхшиликлар уловчи ва улар учун эзгу ишлар қилувчи;
- Жасур ва шижоатли - ҳар бир ишга мардона киришиб, уни шижоат билан охирига етказувчи.

Бу ўнта ижтимоий сифат жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан давлат буюртмаси бўлиб, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон улардан

умумий методологик асос сифатида фойдаланиши керак. Бу умумсоҳавий методологиянинг биринчи қисми ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг назарий асослари

Республикамизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидлаганидек, замонавий таълим-тарбия ишларини давлат стандарти даражасига кўтариш учун педагогик жараёнга илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш зарур (3.4 модда). [9]

1999 йил апрел ойида Тошкент шаҳрида ҳамда май ойида Андижонда ўтказилган Республика илмий-назарий семинар қарорларига мувофиқ барча илмий ва олий ўқув муассасаларига кадрларни тайёрлаш миллий моделига мос илғор педагогик технологияларнинг назарий асосларини ишлаб-чиқиш вазифаси юклатилди.

Бу вазифани тўлиқ бажариш мақсадида, энг аввало, олимлар мактабларда ва олийгоҳларда ишлаётган ўқитувчилар ҳамкорлигида бир неча муаммоларни ечиш керак, шу жумлада:

- янги педагогик технологиянинг моҳиятини аниқлаш ва унинг назарий асосларини яратиш;
- унинг принципларини ишлаб чиқиш;
- педагогик технологияни амалда қўллаш учун самарали йўллари танлаш ва ҳоказо.

Педагогик технология нима? Нега энди шунча йиллардан бери яраб келган таълим жараёнини эскича ташкил этишдан воз кечишимиз керак ва ўқув жараёнини лойihalаштиришга янгича ёндашиш зарур?

Бу йўналишлар:

- Таълим-тарбия мақсад, вазифа мазмуни, тизимини ислох қилиш;
- Таълим-тарбия бошқарувини ислох қилиш;
- Таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмни яратиш;
- Ота-она, ўқитувчи-талабанинг таълим жараёнига бўлган янги қарашларини шакллантириш;
- ва нихоят, бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи - янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Педагогик жараёнига ёндашиш турлари.

Янги педагогик технологиянинг моҳияти ва аҳамиятини чуқурроқ тушуниш учун, бизнинг фикримизча, педагогик жараёнга комплексли нуқ -таи назардан қараш керак, чунки педагогик жараён, таълим ва тарбия жараёндан иборат бўлиб, жуда мураккаб, кўпқиррали жараёндир. "Комплексли" дегани - мизда биз бу тушунчасига "тарихий", "тизимли", "психологик" тушунчаларни ҳам киритяпмиз. Энди ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

А. Таълим - тарбияга тарихий ёндашув. "Педагогика тарихи" фани дарсларида сизга таълим-тарбия саноатининг тарихий жабхаларида тутган ўрни ва таракқиётидаги аҳамияти маълум бўлди. Лекин буни аниқлаш керакки, тарбия ва ўқув жараёнининг моҳияти қадим замондан то бугунги кунгача ўзгармади.

Тарбиянинг моҳияти - ўсиб келаётган ёш авлодни мазкур муҳит, жа -мият талаблари асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат бўлиб - жамиятда ўз муҳим ўрнини тутди.

XX асрнинг бошларида Абдулла Авлоний "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё халокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир" бекорга демас эди, чунки тарбиянинг жамиятдаги роли, унинг ўтмиш ва ҳозирги замонда аҳамияти муҳим.

Таълим эса, тарбия жараёнининг муҳим элементи бўлиб, - бу талабаларда маълумот шакллантирадиган жараёндир.

Мактабдаги, асосан, бошланғич мактабдаги ўқитиш жараёнида таълим, тарбия ва маълумот ўзаро мустахкам боғлиқ равишда амалга оширилади.

Ҳаммамизга маълумки, жамиятимиз доимо тараққиёт этади. Бунинг учун эса янги билим бериш, ўзгариб борувчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ, танқидий ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим. Демак, тарбия ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тай - ёрлашда, у мавжуд жамият имкониятларини шакллантириш, янада ривож - лантириш мақсадида кекса авлод томонидан орттирилган тарихий тажрибани тўлдирилган, янада мукаммаллаштирилган ҳолда ёш авлодга сингдиради.

Таълим-тарбия моҳияти сақланаётган ҳолда ўқитувчи ўз иш фаолитида усуллар, воситалар ва шаклларни ўзгарган шароитларда янгилашга мажбур - дир, чунки янги давр унга доимо янги талаб қўяди.

В. Таълим-тарбия жараёнига психологик ёндашув. Инсоннинг фаолияти психолог нуқтаи назаридан унга турларидан иборат бўлиб (ўйин, ўқиш ва меҳнат), мулоқотда асосланади. Педагог ўз фаолияти ҳамда ўқитув - чилар фаолиятини фақат мулоқот орқали ташкил қилиши мумкин.

Педагогик мулоқот таълим-тарбиянинг психологик асоси бўлиб, уни самарали бошқариш учун мулоқот жараёнининг моҳияти ва механизмини аниқ бўлишини талаб қилади, чунки мулоқот бошқариш технологияси ўз хусусиятига эга бўлган жараёндир.

Янги технологияларни лойihalаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технология (ПТ) нинг ўзига хос жihatларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни ПТ прин - циплари, деб аташ мумкин.

Принцип – юнонча - "princip" сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойihalанган ўқув - тарбиявий жараёни амалга оширишга юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар, қоидалар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ходиса принцип бўлиши мумкин, қачонки уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Олиб борилган таҳлилий - синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ қилади ва ўзида му - ҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради.

Президентимиз Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, "...биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига

боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак". Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи - ижодий фаолият тажри - басы, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўн - даланг қилиб кўйилди. [8]

Ж.Г. Йўлдошевнинг фикрича, бу ғояни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, саноат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий ижтимоий ва табиий бойлик (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар). [12]

Шундай қилиб, янги педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари яратилиб бормоқда десак хато бўлмайди, хозирда бу иш давом этмоқда. Педагогик технологияни жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суи объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ, мақсадлар -га йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириқлари тузиш, уларни синаш малакалари шаклланади ва такомиллашади.

5 маъруза

Тема: Машғулотларни олиб боришда талабаларда касбий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш.

Режа

1. Кўникма ва малакаларни мустахкамлаш ҳамда такомиллаштириш.
2. Билим, куникма ва малакаларни текшириш методлари.

Укитувчи дарсни укувчилар урганилаётган материални равшан англабгина колмай, уни аниқ такрорлаб ҳам бера оладиган, билимларни келгуси укув ишларида ва амалда куллай оладиган йусинда ташкил этиши керак.

Билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштиришда укувчилар уларни дастлаб кандай узлаштирган булсалар, худди шундай айтиб беришлари, уларга аниқлик мукамаллик киритишлари лозим. Таълимий ишнинг ана шу боскичида янги укув материали билан илгари узлаштирилган материалларни узаро чамбарчас, укувчилар яккол тушунадиган йусинда боғлаш уларнинг фандан олган билим ва куникмаларини бойитади, кенгайтиради ва янада шакллантиради.

Укитиш даврига, урганилаётган материал мазмунига караб билим, куникма ва малакаларни мустахкамлаш ҳамда такомиллаштириш хар хил дидактик мақсадларга эга булиши мумкин. Укитишнинг дастлабки боскичларида, шунингдек, тасвирий материални урганишда билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш репродуктив характерга эга булиши мумкин. Бунда укувчилар топширикни укитувчи берган намуна асосида бажарадилар, билимларни дастлаб кандай идрок этган булсалар, ана шу холда татбиқ киладилар. Шундан кейин укувчилар топширикларга ижодий ёндошадилар ва узига хос йуллар билан бажарадилар, муаммоларни хал килишнинг янги усулларини топадилар. Лекин бундай билиш фаолияти уларда муайян билимлар ва уларни куллаш тажрибаси булишини, сабаб-натига боғланишларини чуқур тушунишни талаб килади. Укитувчиларнинг билим, куникма ва малакаларини мустахкамлаш ҳамда такомиллаштириш, асосан, уларнинг мустакил ишлари оркали амалга оширилади. Укувчилар мақсадга онгли ва фаол интиладилар, пайдо буладиган кийинчиликларни бирор кишининг ёрдамисиз енгадилар. Укитувчи мустакил ишлаш учун топшириклар тузади, уларни бажариш тартибини режалаштиради, вақти-вақти билан топширикларнинг мураккиблик ва кийинлик даражасини узгартириб туради, иш вақтида укувчиларни кузатиб, зарур холларда уларга ёрдам беради.

Билим куникма ва малакаларни мустахкамлаш ҳамда такомиллаштиришни тугри йулга куйиш укувчиларда меҳнат маданиятини, дарсга маъсулиятли муносабатни таркиб топтиради, фикрлашни, хусусан техник фикрлашни ривожлантиради.

Техник фикрлашнинг хусусиятлари укув ишининг методик усулларини, хусусан билим, куникма ва малакаларни мустахкамлаш ҳамда такомиллаштириш тизимини белгилайди.

Билим, куникма ва малакаларни мустахкамлаш ҳамда такомиллаштириш тизими хар хил машқларни бажариш, урганган материални укув

машгулотларида такрорлаш ва уйга берилган топширикларни бажаришдан иборатдир.

Билим, куникма ва малакаларни текшириш методлари.

Уқувчиларнинг билим, куникма ҳамда малакаларини текшириш огзаки, ёзма ва амалий булиши мумкин. Ёзма текшириш ва мустакил ишлар билимларни текширишнинг асосий шакллари ҳисобланади.

Ёзма текшириш уқувчиларнинг билимлари сифатини: тугрилиги, аниқлиги, англаб олингани, амалга тадбик этилиши тугрисида бир фикрга келиш ва қисқа вақт ичида гуруҳдаги барча уқувчилар билимини текшириб куришга имкон беради. Ёзма текшириш, асосан ёзма график ишларни бажартириш билан амалга оширилади. Ёзма текшириш ишлари икки хил булиши мумкин: мавзу буйича ва якуний текшириш ишлари гуруҳ мавзуни урганиб булгандан кейин, якуний текшириш бир неча мавзу утиб булингандан кейин утказилади.

Уқувчилардан якка тартибда ва фронтал сураш билимларни жорий, мавзу буйича, якуний текширишнинг кенг тарқалган шакллари дир. Савол ҳам уқувчиларга берилади.

Якка тартибда сураш чогида уқувчи доска олдида жавоб беради. Унинг жавобини бутун гуруҳ эшитиб туради. Уқувчилар йул куйилган хатоларни тугрилайдилар, кушимчалар ва изоҳларни киритадилар. Якка тартибда сурашда дарснинг ҳам куп вақти кетади. Бунда гуруҳдаги уқувчиларнинг билиш фаоллиги сусаяди. Аммо ундан бутунлай воз кечиш ярамайди, якка тартибда сурашнинг ахамияти уқувчиларнинг нутқини, хотирасини ва тафаккурини ривожлантиришда дир. Якка тартибда сураш вақтида барча уқувчиларнинг фаоллигини ошириш керак.

Якка тартибда сурашдан ташқари, огзаки текшириш ҳам уқувчининг гуруҳ билан суҳбати шаклида амалга оширилади. Бу холда уқувчининг саволларига қисқа жавоблар кайтарилиши лозим, шунда суҳбатда купрок уқувчи иштирок этади. Бундай сураш, якка тартибда деб аталади. У утилган материални такрорлаш билан узвий кушиб олиб борилади, натижада билимлар эсдан чиқиб қолишининг олди олинади ва улар мустаҳкамланади.

Уқувчиларнинг билим, куникма ва малакаларини амалда текшириш уқувчилар олган билимларини тегишли шароитда қандай тадбик эта билишларини аниқлаш мақсадида утказилади. Бундай текширишда уқувчилар уз билимларининг тугрилигига ва уларни мустаҳкамлашни давом эттириш зарурлигига ишонч ҳосил қиладилар.

Кейинги йилларда уқувчиларнинг билим, куникма ва малакаларини амалда текширишнинг методлари, шакллари ҳамда воситаларини такомиллаштириш буйича педагогика амалиётида анча ишлар қилинди. Бу борада янги тадбирларни излаш натижасида қатор уқув юртларида махсус назорат қилувчи қурилмалар ёрдамида сураш усули қуллана бошланди. Шулардан бири тест ёрдамида текшириш дир.

Уқувчилар билимини текширишдан мақсад – уларнинг узлаштириш даражасини аниқлашдир. Тестларнинг узлаштириш даражаси буйича таснифи 3-расмда берилган. Унда узлаштиришнинг даражаси, тестларнинг тури ва ҳар хил қурилишлари акс эттирилган.

1 даражали узлаштириш тестлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Аниқлаш тестлари. Уқувчиларга саволлар берилади. Улар “ХА” ёки “ЙУҚ” деб жавоб беришлари керак бўлса, альтернатив топшириқлардан фойдаланилади.

2. Фарқлаш тестлари. Бу тестда қўп танлаб олинadиган топшириқлардан бир неча жавоблардан битта танлаш таклиф этилади.

3. Ухшаш (солиштириш) тестлари. Бунда урганилаётган объектнинг умумийлигини ёки тафовутларини топиш керак бўлади, солиштириладиган хусусият ва параметрлар албатта топшириқда берилади.

Ухшатиш тестларини тузиш кийинчиликлар тугдирмайди ва машинага осон киритилади. Бунда жавоблар қўплиги учун уқувчилар уйлашга, фикрлашга мажбур бўладилар. Шу билан бирга, 1 даражали узлаштиришга жавобларни танлаш буйича тест-масалалар ҳам киритилади. Уларда жавоблар бир неча вариантда ҳарф ёки рақамлар билан берилади. Уқувчи масалани ечиб қайси жавоблар тугрилигини аниқлаши керак.



Тестларни бажаришда укувчи фаолиятининг характери буйича танлаш тестларини куйидаги гуруҳларга булиш мумкин:

1. Суз, харф ва сонлар билан белгиланган жавобларни танлаш.
2. График шаклда берилган жавобларни танлаш.
3. Кетма-кетликни танлаш.
4. Берилган улчамлардаги аник факторларнинг таъсири характерини танлаш.
5. Предметни танлаш.
6. Масалани ишлаш натижалари буйича сон ёки харфларни танлаш.

Тестлардаги топширларни хилма хил булишига карамай, уларни структураси жихатидан иккита асосий қисмга: танланадиган ва жавоби конструкцияланадиган топширларга бирлаштириш мумкин.

Тестли назорат билимларни аниклашда яхши натижа беради, лекин тафаккур жараёнини кузатишга монелик қилади, бунинг учун бошка усуллардан – ёзма иш, мунозаралар, ишлаб чиқариш вазиятларини тахлил қилиш ҳамда мулоқотлардан фойдаланиш керак. Лекин шу билан бирга билимларни тестли назорат қилиш таълим жараёнини бошқариш имконини кенгайтиради. Тестларин куллаш укувчиларнинг амалий қобилияти ва хотирасини ривожлантиради.

6 - маъруза

Тема: Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий таълим асослари

Режа:

1. Таълим тизимида ўқитиш методлари
2. Фан асосларини онгли эгаллашни ва талабаларнинг интеллектуал-маънавий ривожланишлари

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб одамлар у ёки бу шаклда ҳамда мазмунда фарзандлар тарбияси билан шугулланганлар ибтидоий жамоа даврида бу жараён бахзан онгли гоҳида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. Қандай бўлишлигидан қатхий назар тарбия усуллари мустақил давом этаверган. Улар даврлар ўтиши хаёт ва турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чуқурроқ ва кенг махно касб эта борган. Инсон асосан икки йўл билан тарбияланиши мумкин бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши шунингдек донолар фикрлари ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали; инсон ўзининг фикрлашиши ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиши энг қудратлиси тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин: бировларнинг бевосита таъсири яхши ўрганиши шунингдек доналар фикрлари, ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали, инсон ўзининг фикрлашиши одамлар хатти харакатидан қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиши, энг қудратлиси – тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин.

Алломагаримиз “Агар кишига хаётнинг ўзи беролмаса таълим, унга ўргата олмас хеч бир муаллим” дея насиҳат қиладилар, бу инсон ўзгарувчи тафаккури ёрдамида таълим-тарбия олиши одоб-ахлоқ нормаларини эгаллаши ўзи яшаётган

жамият, инсонгарчилик хулк-атвориға хос маънавий--ахлоқий кўникма ва малакаларни ўзида мужасамлаштирилиши лозимлигини тақозо этади.

Кўпчилик олиму фузалоларимиз тарбия деганда фақат болага тарбия беришни тушунадилар. Бизнингча бу анча тор тушунча. Чунки тарбияға фақат болалар эмас балки катталар ҳам мухтождирлар. Хозирги кунда эса айрим йигит-қизлар шунингдек ёши улардан ҳам улуғроқ одоб-ахлоқ ақидаларига зид иш тутадилар. Бунга далиллар кўплаб топилади. Тўққиз йилдан ошдики Ўзбекистон мамлакати парламент йўли билан мустақилликка эришди Мустақиллик мафкураси ва ғояси яратилмоқда. Таълим соҳасида оламшумул ўзгаришлар рўй бермоқда.

Келажаги буюк давлатни кўраётган кишиларнинг тафаккури ахлоқи янги иқтисодий муносабатларни тиклашға моддий нехматлар ишлаб чиқаришға астойдил киришиб доимо ёниб яшаш хисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижодий хислатларға бой инсонни тарбиялаш олий ўқув юртларининг асосий вазифаси хисобланади.

Мустақиллик шарофати ва Президентимиз И.А.Каримов бевосита ғамхўрлиги туфайли тарбияшуностлик фанининг миллийлиги ҳар соҳада устивор бўлмоқда. Шу ақидаларни ўзида мужасамлаштирган педагогика фанинг тармоқлари яхши таълим-тарбия билан шуғулланувчи фанлар тизими кенгайиб бормоқда. Педагогик кузатишлар шундан далолат бермоқдаки бўлажак ўқитувчилар тарбиячилар ижтимоий гуманитар ихтисослик билимларини қанчалик узлаштириб олсаларда олган билимларини ўқувчилар онгига етказиш янги педагогик технологияларни жорий қилиш таълимни оптимал усуллардан фойдаланишда бахзан педагогик маҳорат етишмайди.

Айни шу ҳаётий зарурат тақозаси билан педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчи, тарбиячиларға педагогик маҳорат педагогика фанлари тизимида алоҳида предмет сифатида ўқитиб келинаётир.

Ўзбекистон Республикасиздаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишға, уни ўзлигини англашда имкониятларни рўёбға чиқаришға ва маънавий- интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб беради.

Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий--илмий бойликларға, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди. Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир”. Бундай янгича ёндашишлар педагогика фанининг объекти ва предметини кенгайтди. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи фан эмас, комил инсон шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таъминот мақсадида шахсга кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида қаралади. Маълумки, касбий таълим фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожини, шахс камоли ва мутахассис шаклланишида таълим тизими ўз ичига олмайдиган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, руҳий-ҳиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суянади. Бундан ташқари касбий

таълим фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари қўйилди.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг йўналишини, ўқитиш жараёнининг қандай ташкил этилиши ва олиб борилишини ҳамда ўқитувчининг иш ҳаракатларини белгилайди. Бу методлар ўқитувчи томонидан ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун қўлланадиган усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга «усул» ва «восита» атамалари ҳам ишлатилади.

Усул – маълум ўқув материални ўтишда қўлланаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита – ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур булган ёрдамчи ўқув материаллари – асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир. Таълим методлари ўқитиш жараёнида ва педагогик тафаккурнинг кўп асрлик ривожланиши тарихида муҳим ўзгаришларга дуч келди.

Бизнингча, олий ўқув юртлари учун касбий таълим курсини ўқитишни куйидаги талаблар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Фан асосларини онгли эгаллашни ва талабаларнинг интеллектуал-маънавий ривожланишлари билан қўшиб олиб боришнинг педагогик асосларини очиб бериш.

2. Талабаларни инсоният эришган бой қадриятларга, миллий ғоя ва миллий мафкурага суянган ҳолда касбий таълим фанининг ўзига хос илмий-амалий асослари билан қуроллантириш.

3. Бола, ўқувчи, талаба тушунчаларини абстракт ҳолда эмас, балки асосий маънавий сифатларини таърифлаган ҳолда, бу сифатларни ёшга, философик, физиологик, психологик ва генетик асосларга боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш. Бу ишни ҳар бир фан ва фанлар гуруҳларининг тарбияловчи, ривожлантирувчи томонларини очиш орқали амалга ошириш.

4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун талабаларни фан ва ўқув фанлари қурилишининг умумпедагогик амалий асослари билан қуроллантириш. Талабаларда таълим, фан, ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш механизмлари, мазмуни ва усулларини шакллантириш мақсадида ўқитишни илмий тадқиқот билан қўшиб олиб бориш, фанлар бўйича ҳар бир тушунчани ўзлаштиришда амалий, амалий-назарий машғулотлар узвийлигининг педагогик негизларини шакллантириш лозим.

5. Олий ўқув юртларида ҳар бир ўқув фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожлантиришни педагогик тахминлаш учун талабаларни ижодий фикрлаш методлари, мутахассислик педагогикаси асослари билан қуроллантириш.

Олий ўқув юртини тугатувчи мутахассис келажакда фақат мактаб, олий мактаб ўқитувчиси ёки илмий ходимгина бўлиб қолмасдан, маънавий интеллектуал етук шахс бўлиб етишишини таъминлаш учун касбий таълим фани талаба кўз ўнгида мустақил фан сифатида шаклланадиган қилиб тузилган.

Мустақиллик туфайли юртимизда кадрлар сиёсати ярамас иллатлардан ҳоли бўлишиги, жамият равнақи йўлида фидойиллик кўрсатишга қобил, қалби виждони тоза бўлган, ташаббускор кадрларни тайёрлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун йўл очилди.

Мустақилликнинг маъсулияти жуда оғир. Бу махсулиятни чидамли, ўтмиши бақувват ҳалқигина, миллатгина эплайди. Бугунги мустақил мамлакатимизнинг кадрлар сиёсати аждодларимиз ўгити, маънавий- кадриятлар асосида яратилмоқда.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсатини кенг қўлдамда амалга оширишда ташланган катта қадам 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда «Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш» тўғрисидаги қабул қилган фармони бўлди.

Президент И.А. Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган махрузаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонунга асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу дастурни қабул қилишдан асосий мақсад, энг аввало, таълим соҳасини ислох қилиш асосий фуқаролар онгида сақланиб қолган эски собиқ империк мафкуравий қарашлар саркитларидан батамом ҳоли бўлиш, таълим тизимининг энг ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш асосида кадрларни маънавий- баркамол инсон, теран фикрловчи, кенг тафаккур қилувчи шахслар қилиб тарбиялашдан иборат. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, жуда улкан вазифалар хал этилиши кўзда тутилган бўлиб, мақсад ва вазифаларимизни босқичма- босқич рўёбга чиқариш белгиланди.

Биринчи босқич 1997- 2000, Иккинчи босқич 2001-2005, Учинчи босқич 2005 ундан кейинги йиллар. Ҳар бир босқичнинг олдида қўйган асосий вазифаси аниқ белгилаб берилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида миллий модель беш таркибий қисмдан: давлат, жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат деб белгиланди. Она шу таркибий қисмларнинг аниқ, йўналишлари, мақсадлари, вазифалар белгилаб берилган бўлиб, жамият тараққиётининг бугунги, эртанги куни тўлиқ ҳисобга олинган.

Миллий дастурда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Бу таълим турлари ўз ичичга олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб- ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртларидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим ижодкорлар, ижтимоий фаол, маънавий- бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун шарт-шароит яратади.

Мавзуга хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкин: Таълим тизимини ислох этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий сиёсий иқлим кескин

ўзгаради, одамлар онгида демократик кадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда узи белгилайди.

Президентимиз таъкидлаганларидек,- «жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, таракқиёт ва раванқ йўлидаги барча сайхаракатларимизни биз айнан мана шу тамойил асосида ташкил этишимиз керак».

АҚЛИЙ ҲУЖУМ

Ақлий ҳужум гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган, кўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган методдир. Бу ҳақиқатдан ҳам талабаларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизгин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Ўқитувчи мавзуни ёки саволни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўқув фаоллиги 5-10 дақиқа оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади.

Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланиши мумкин; масалан, қандайдир мавзуни муҳокама қилиш учун, янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир муаммони ҳал этиш учун.

Асосий қоидалар қуйидагилар:

1. Айтилаётган барча ғоялар бир бирига нисбатан муҳимликда тенгдир.
2. Киритилаётган ғояларга нисбатан танқид мавжуд эмас.
3. Ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.
4. Сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонент мавжуд эмас.

Методни ишлатишга киришмоқ...

1-метод гуруҳнинг барча иштирокчиларига бир мавзу ва бир савол қўйилади.

1. Ўқитувчи ўқув жараёнида ташаббусни ўз қўлига шундай тарзда олади: У аудиториядаги барча талабаларга савол беради ва қандайдир махсус мавзуга даҳлдор бўлган фикрларни айтишни сўрайди.

2. Барча, ҳатто, аҳмоқона ғояларни ҳам айтишга руҳсат берилади.

Айтилаётган фикрлар ичида биргина асосий мавзу сақланиб қолиши шарт.

3. Бирортасининг ҳам фикри шарҳланмайди, танқид қилинмайди, баҳоланмайди.

4. Асосий фикрларни ўқитувчи флипчат доскага ёзиб олади ёки экранда кўрсатади.

5. Ақлий ҳужум тугагач, барча ғоялар тўпланиши, гуруҳларга ажратилиши ёки категорияларга бўлиниши мумкин.

2-метод: барча мавзу ва саволлар умумий йўналиши сақланган ҳолда катта гуруҳ таркибидаги гуруҳчаларга тақдим этилади.

1. Ўқитувчи умумий мавзу бўйича бир неча, балки 4 - 6 та савол тайёрлаши мумкин.

2. Катта гуруҳ кичик гуруҳларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳчага ақлий ҳужум уюштирилади ёки алоҳида савол берилади.

3. Ҳар бир гуруҳча ақлий ҳужум маҳсулотини ёзиб олиш учун биттадан киши

ажратади, кейинчалик жараён тугаши билан уни гурухнинг барча аъоларига тақдим этади.

4. Ғоялар ҳар бир гурухча томонидан катта саҳифага маркердан фойдаланиб ёзиб олиниши мумкин. Шунда саҳифа - плакатнинг юқорисига тайёрланган саволлар ёзиб қўйилади. Саҳифа - плакат жараённинг охирида ҳар бир хоҳловчи нима ёзилган ва жамланганлигини кўриши учун осиб қўйилади.

5. Ақлий ҳужумнинг бу методи вақтнинг қисқача даврида бир саволнинг бир неча жиҳати ишлаб чиқилиши зарур бўлган жойда, айниқса, фойдалидир.

6. Ўқитувчи ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади ва бир гурухдан иккинчи гурухга ақлий ҳужум амалга ошириладиган пайтида ўтиб туради.

Муҳим ғоялар ақлий ҳужум пайтида ишлаб чиқилган бўлиши ва муаммоларда муҳокама этилган бўлиши керак.

Кўпгина муҳим ғояларни белгилаш ва улар ичидан энг яхшиларини танлаб олиш чоғида аудиторияга ёрдам бериш эҳтиёжи тез-тез юзага келиб туради. Яъни номигагина кичик корхона яратиш каби.

Яқиний ҳулосага келиш, айниқса, қийин. Бу табиий, чунки ҳар бир иштирок этувчига “ўзимнинг ғоям энг яхши” деган хусусият хосдир. Умумий позиция, ҳар қалай, тезда топилади ва бунда қуйидаги метод ёрдамга келиши мумкин.

7 маъруза.

Тема: Хозирги кунда замонавий маданият, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг ютуқлари.

Режа:

1. Ўқитишда кўрсатма қўлланмалар ва техника воситаларидан фойдаланиш

2. Уқув материалларини билдиришининг метод ва методик усулларини танлаш.

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим принципларидан бири – курсатмалилик принципдан фойдаланадилар.

Ўқитишнинг курсатмалилигига сабаб инсоннинг фикрлаш хусусиятидир. Бу хусусият асосан аниқдан абстрактга томон ривожланади. Тушунчалар ва абстракт қонун-қоидалар аниқ кузатишлар натижаларига асосланса ҳамда улар билан мустаҳкамланса, анча осон ва тез шаклланади. Кишиларда тафаккурнинг ривожланиши уларнинг ёшига, хаёт ва иш тажрибасига ва бошқаларга боғлиқ. Аммо бизнинг тафаккуримиз ривожланишнинг қайси босқичида булмасин ҳамда биз канчалик мураккаб масалаларни урганмайлик, аниқ фактлар ва тимсоллардан ажралиб қолмаслигимиз керак.

Курсатмалилик принципи ўқитувчининг хилма хил ўқув кулланмалари ва ўқитишнинг аудиовизуал (эшитиш, куриш) техника воситаларидан фойдаланишда уларнинг педагогика жиҳатидан маъқул тарзда ясалишида акс этади.

Курсатма кулланмалар – ўқувчиларни урганиладиган объектлар, ходисалар, жараёнлар тўғрисида яққол тасаввурлар хосил қилиш методида ўқитиш мақсадида ишлатиладиган воситалар. Узлаштириладиган билимлар характерида, ўқувчиларда мавжуд булган тасаввур, тушунча, хаёт ва иш

тажрибасига, дарснинг аниқ вазифаларига караб курсатма кулланмалар ўқитишда хар хил ролни бажаради. Улар билимлар манбаи сифатида, шунингдек ўқитувчи сузлаб бериш, тушунтириш, сухбат вақтида фойдаланадиган расм сифатида хизмат қилиш мумкин. Купинча, бу иккала вазифа комплекс тарзда келиши мумкин.

Объект, ходиса ва жараёнларни кузатиб ўрганиш педагогика нуктаи назаридан идеал ҳисобланади. Аммо урганилиши керак булганларнинг баъзиларидангина дарсда фойдаланиш мумкин ва маъкул. Шу сабабли, ўқув жараёнида тасвирий курсатма кулланмалардан кенг фойдаланилади. Улардан қуйидаги холларда фойдаланилади:

урганиладиган объектнинг асли жуда катта ёки жуда кичик булганда;

урганиладиган объект ёки ходисаларнинг аслини бевосита кузатиш мумкин булмаганда;

тушунчани график тарзда тасвирлаш талаб этилганда;

мураккаб объектларни оддийлаштириш ёки ишлаш жараёнини курсатиш зарур булганда.

Ўқувчиларга янги материални баён этишда курсатма кулланмалардан тўғри ва уз вақтида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Педагогика фани ва илгор тажриба дарсда курсатма кулланмалар намоиш қилишга оид методик талаблар ишлаб чикди, бу талабларга риоя қилиш уларнинг дидактик кимматини оширади.

Аввало шуни эсда тутиш зарурки, курсатма кулланмани намоиш қилиш – мақсад булмай, балки воситадир. Кулланмани курсатиш эмас, балки у билан ишлаш керак.

Урганилаётган материалнинг мазмуни ва дарсга ажратилган вақт такозо этган холлардагина курсатма кулланмани намоиш қилиш тавсия этилади. Дарсда намоиш қилинадиган кулланмалар сони ўқувчилар ва ўқув материални сифатли узлаштириши учун оптимал булиши лозим; дарсда кулланмалардан хаддан ташқари куп фойдаланиш ярамайди.

Намоиш қилинаётганларини идрок этиш жараёнида ўқувчилар сезги органларининг куриш, эшитиш, сезиш, зарур холларда эса там билиш ва хид билиш органларининг купини жалб этиш керак. Ўқитувчи сузи билан курсатмалиликнинг тўғри кушиб олиб борилиши катта аҳамиятга эга. Курсатма кулланмаларни идрок этишнинг асоси биринчи сигнал системадир, аммо иккинчи сигнал система унинг сигналларига тартибга солувчи таъсир этади. Хар қандай курсатма кулланмалар намоиш қилинганда ҳамма вақт изох бериб турилади. Ана шу изох ўқувчининг эътиборини кулланмадаги асосий ва муҳим томонларга каратишга, кузатилаётган мул объект ёки ходисалардан уларнинг мохиятини ташкил этувчиларни ажратиб олишга ёрдам беради.

Ўқитишнинг техника воситалари деганда, ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакаларни узлаштиришини осонлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ўқитувчининг ўқувчиларга билим, ўқув ва малакалар бериш, уларни мустаҳкамлаш ҳамда текшириб куриш борасидаги меҳнатни енгиллаштириш учун фойдаланиладиган меҳнаткавий курилмалар жамламмаси тушунилади.

Дарсларда янги материални баён этишда ўқитувчи гуё эшиттириб фикрлайди, бунда у ўқувчиларга билим берибгина колмасдан, уларга мантикан фикрлаш, фан муаммоларини ҳал қилишга ижодий ёндошиш ўқувларини сингдиради. Ўқитувчи ўқувчилар учун билимлар манбаи ва ўқув жараёнини раҳбаригина эмас, балки таклид қилиш учун намуна ҳамдир. Ўқитувчини ўқитишнинг техника воситалари билан алмаштириш ўқув жараёнида жуда муҳим нарсани – ўқувчига педагог шахснинг таъсирини чиқариб ташлайди, бу эса ўқув жараёнини жуда камбағаллаштириб юборади. Барча техника воситаларининг, шу жумладан, ўқитиш машиналарининг ҳам имкониятлари чекланган – улар фақат ўқитувчининг ўқувчиларга курсатадиган таъсирини оширадиган қуролдир.

Касб – ҳунар мактабларида Юқори малакали уста ва ўқитувчилар, бой техникавий имкониятлар, ўқувчиларнинг техникавий ижодиёти кенг ривожланганлиги туфайли ўқув хоналарини ўқитишнинг техника воситалари билан жихозлашга, бу воситаларни билим юртларида тайёрлашга, саноатда ишлаб чиқарилган техника воситаларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хоналарни ўқитишнинг техника воситалари билан жихозлаш ишида қуйидаги асосий техникавий-педагогик талабларга амал қилиш керак:

1. Ўқув кабинетларини ўқитишнинг техника воситалари билан жихозлашда ўқув жараёнида улардан комплекс тарзда фойдаланишини ҳисобга олиши зарур.
2. Ўқув хонасининг истаган жойида қуриш ва эшитиш учун яхши шароит таъминлаш лозим.
3. Ўқув хоналарида ўқитишнинг техника воситалари ишлатилганда шовкин манбаларини йукотиш керак.
4. Барча техникавий қурилмалар пухта ва бузилмай ишлаши даркор.
5. Техника воситаларининг тузилиши ва ишлатилиши оддий булиши керак.
6. Ўқитишнинг барча универсал ва махсус техника воситаларидан биргаликда оқилона фойдаланиш лозим.
7. Ишлатилиши иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ булиши зарур.

Ўқув киноси – ўқитишнинг энг қулай тарқалган техника воситаси бўлиб, объект ҳамда ходисаларни ҳаракатда ва ривожланишда намоёни қилишга, материални текшириш ва умумлаштиришга, шунингдек, аниқ идрок этишдан абстракт идрок этишга ўтишга имкон беради. Ўқув фильмидан ўқитувчи ўқув материални баён этишида иллюстрация сифатида, шунингдек, ўқувчилар уни мутақил ўрганиши учун фойдаланиши мумкин.

Фильм билан ишлашнинг сунгги босқичида ўқувчилар саволлар беришига имконият яратиш керак. Жавоб қайтаришга фильм материални яхши билиб олган ўқувчиларни жалб этиш лозим.

Диафильм ва диапозитивлар, ўқув киноси каби, курсатмалилик воситаси ҳамда ўқувчилар билимларининг дастлабки манбаи булиши мумкин. қупинча диафильмдан курсатмалилик воситаси сифатида фойдаланилади, бу ҳолда ясси курсатма кулланмаларга қандай талаблар қуйилса, диафильмларга ҳам шундай талаблар қуйилади. Диафильм ва диапозитивларга қуйиладиган узига хос талаблардан қуйидагиларни курсатиб ўтиш керакки, касб-ҳунар мактабларида уларни тайёрлашда бу талабларни ҳисобга олиш зарур.:

диафильм ва диапозитивларнинг мазмуни, аввало, тасвирлаш йул билан берилиши керак;

субтитрлар (баёнлар, тушунтириш ёзувлари) ўқувчилар кузини чарчатмаслиги лозим;

рангли диафильмлардан ранг дидактик масалаларни ҳал қилишга ёрдам бера олган такдирдагина фойдаланиш даркор; кора ок тасвирдаги диапозитивлар серияларини комплекшлашда уларга рангли диапозитивлар киритган маъкул.

Укув материалларини билдиришининг метод ва методик усулларини танлаш.

Укувчиларга укув материалларини билдириш уқитувчи фаолиятининг асосий элементлардан биридир. Укув жараёнининг бу звеносига укувчилар фаолиятининг куйидаги элементлари: билимларни идрок этиш, тушуниб олиш ва умумлаштириш тугри келади.

Аммо укувчиларга укув материални билдиришни уни тушуниб олиш ва умумлаштириш билан боғлаш уқитувчига узига тугри йул танлаши учун зарурдир.

Агар уқитувчи укув материални билдиришда асосий вазифа баён этилган маълумотларни укувчиларнинг идрок этишидан иборатдеб билса, бу хол уқитувчини укувчиларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиришга ёрдам берувчи форма, метод ва методик усулларни тадбик этишга рағбатлантирмайди, ва аксинча, мақсадли билимларни тушуниб олиш ва умумлаштиришга қаратиш уқитувчини укув материални баён этишининг энг самарали методларини, укувчиларнинг билимларини узлаштириш даражасини текширишнинг тегишли критериларини излаш ва тадбик этишга ундайди.

Янги укув материални билдириш уқитувчи ишидаги асосий масаладир.

Янги материални билдиришда, асосан, оғзаки методлардан: оғзаки баён этишдан (сузлаб бериш, тушунтириш, маъруза, сухбатдан) укувчиларнинг китоб билан ишлашидан ва курсатма кулланмалар, диафильмлар, кинофильмлар, тажрибалар курсатишдан фойдаланилади. Аммо янги материални билдириш ва бунинг натижасида укувчилар олинган билимларни идрок этиши, тушуниб олиши, дастлабки зарур умумлаштиришлар қилиши кераклиги анъанавий методларни бошқа методлар билан қушиб олиб боришни талаб этади.

Уқитувчи укув материални баён этганда, лаборатория амамлиий ишларни бажариш вақтида, машқлар жараёнида, мустикал қузатишлар вақтида ижодий характердаги ишларни бажариш натижасида укувчилар янги билимлар оладилар. Уқитувчининг вазифаси укувчилар фаолиятининг ҳамма турларини билимлар олиш ва уларни кенгайтириш манбайига айлантиришдан иборат.

Укув материални билдириш методини танлаш, урганилаётган материалнинг мазмуни, характери ва мураккаблигига, машгулотларнинг дидактик мақсадига, уқитиш воситалари бор – йуклигига, укувчиларнинг дастлабки билимлари ва шу қабиларга қуп жихатдан боғлиқ. Қасб-хунар мактабларидаги укув жараёнининг узига хос хусусияти шундан иборатки, укувчиларнинг назарий машгулотлари билан бир қаторда қатта ҳажмда ишлаб чиқариш таълими ҳам

утказилади. Бу хол уқитувчидан уқувчиларга уқув материални амалий режада билдиришни талаб қилади, бу эса уқувчиларнинг материални идрок этишига таъсир курсатади. Шунинг учун уқув материални билдириш методларини танлашда уқитувчи уқувчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаларини, уларнинг уқитилиш даврини, урганилаётган материалларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Уқув материални билдириш методларини танлаш бир катор субъектив факторларга, жумладан, бутун уқув гуруҳининг хусусиятларига, айрим уқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ.

Нихоят уқув материални билдириш методларини ва методик усулларини танлашга уқитувчининг педагогик тажрибаси, индивидуал сифатлари, иш услуби, яъни уқитувчининг педагогик маҳорати анча таъсир этади.

Уқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш.

Уқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш усуллари куп, бу усуллардан қай бирин куллаш лозимлиги урганиладиган материални мазмунига, унинг қанчалик муҳимлигига, уқувчиларнинг қанчалик тайёрланганлиги ва уқитувчининг тажрибасига боғлиқ. Уқувчиларни урганиладиган материал билан таништиришнинг энг куп тарқалган усулларида бири уқувчилар билан олган материаллар билан билиши керак бўлган материаллар орасига “қуприк солиш” мақсадида, илгари урганган материални асосий жойларини такрорлашдан иборат. Агар бундай боғланишлар аниқ булиб, уқувчиларнинг англаши осон булса, янги материални уқитувчининг узи қисқача эса тушириши мумкин. агар урганган материал билан янги материал орасидаги боғланишни чуқурроқ қуриб чиқиш лозим булса, уқитувчи уқувчилар билан суҳбат уткази. Иккала холда ҳам асосий эътибор такрорланадиган материалнинг фактларига асосланган томонигагина эмас, балки урганиш керак бўлган материал билан боғланиш урнатишга қаратиш лозим. Бунда айна фандан урганган материал билан боғланишларни очишагагина эмас, балки уқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимларига таяниш ҳам муҳимдир. Қасб хунари мактабларида техника фанлари билан умумтаълим фанларининг урганиладиган материалларни бир бирига боғлаш алоҳида аҳамиятга эга.

8 маъруза

Тема: Қасб-хунари таълимининг тарқиб топиши ҳақида қисқача маълумот

Режа:

1. Қасб-хунари таълимида педагогик технологиялар мазмуни.

2. Қасб-хунари таълим муассасаларида ўқитишнинг ижтимоий-педагогик қонуниятлари

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод таълим-тарбияси муайян мақсад асосида ташқил этилади. Таълим-тарбиянинг мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон

Республикасида ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Ислохотлар республиканинг ривожланиш ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш учун хизмат қилади. Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятни барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юклатилар экан, ўз ўрнида уларнинг таълим-тарбиясини мақсадли амалга оширишга бевосита жамият, оила ва таълим тизими бирдек маъсул. Шунингдек, таълим-тарбия билан боғлиқ касб эгалари педагоглар, уларнинг касбий салоҳияти, малака ва маҳорат даражалари, маънавий қиёфаси масалалари ҳам давлат сиёсатининг устувор масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармон, асар ва нутқлари, вазирлар маҳкамаси ҳужжатлари, халқ таълими, олий ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимининг қатор ҳужжатлари мазмуни бу борада амалга оширилаётган барча ишларнинг қонуний ва концептуал асослари бўлиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар муҳим роль ўйнайдилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

Касб-ҳунар таълимида педагогик технологиялар мазмуни.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ғояларини амалиётга татбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқдир. Зеро, касб-ҳунар таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўқитиш шакллариининг оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу мураккаб ва маъсулиятли вазифа ўқитувчи-педагоглар зиммасига юклатилади. Ўқитувчи – педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади ва у ўқитиш шаклларида фойдаланиладиган ўқитиш қонуниятлари, принципларини ижодий қўллашда, илмий билишга доир ғоялар,

назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишдек муҳим вазифани бажаради.

Ҳозирги касб-хунар таълими дидактикасида қандай ўқитиш жараёни қонуниятлари мавжуд?

- ўқув жараёнига системали ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда унинг ўзаро боғланган икки тизими амал қилади.

Биринчидан, ўқув жараёни ўзининг ўқитиш мақсади, ўқитиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган.

Иккинчидан, ўқув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг тағ тизимидир. Бу тағ тизим ўқитиш, таълим бериш ва тарбия жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизимда салмоқли тизим сифатида касб-хунар таълим тизими ўқув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизими ҳам мавжуд.

Шундай қилиб ўқув жараёнининг муҳим ташқи ва ички боғлиқлигини фарқлаш лозим. Шу асосда таълим қонунлари таснифланади. Дидактиканинг ўз қонуниятлари сифатида ўқув жараёни компонентлари орасидаги зарурий, такрорланувчи ва муҳим боғланишларни кўрсатиш мумкин.

Касб-хунар таълим тизимида педагогик жараённи ташкил этишда талабанинг ва ўқитувчининг муносабатига алоҳида эътибор қаратиш зарурати жараёнга янгича ёндошувни талаб этиб бормоқда. Янгича ёндошувнинг моҳияти - педагогик технология моҳияти билан мазмунан бирликни ташкил этади. Шунинг учун педагог-дидактикачилар томонидан

касб-хунар таълим муассасаларида ўқитишнинг ижтимоий-педагогик қонуниятлари ўрганилиб, асосли ёндошувни талаб этади. Касб-хунар таълим муассасаларида ўқитишнинг ижтимоий-педагогик қонуниятлари мазмуни қуйидагича белгиланган мақсадга мувофиқдир.

- Касб-хунар таълим муассасаларидаги таълим жараёни жамият ишлаб чиқариш тараққиётини акс эттиради;
- Касб-хунар таълим муассасаларидаги таълим жараёни тарбия жараёни ва талабалар ривожланиши билан қонуний боғланган;
- Касб-хунар таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ижтимоий шароитга ҳам қонуний боғлиқ;
- Касб-хунар таълим муассасаларидаги ўқитиш ва ўргатиш жараёнлари яхлит ўқитиш жараёни билан, муайян таълим мазмуни билан, икки томонлама қонуний алоқани ташкил этади;
- Талабани у ёки бу фаолиятга ўргатиш уни шу фаолиятга, мақсадга мувофиқ жалб қилиш орқали амалга оширилади;
- Ўқитиш мақсади ва олий ўқув юрти таълим мазмуни, ўқитиш методлари ва шакллари ўртасида қонуний боғлиқлик мавжуд;
- Ўқув жараёни талаба мақсадларининг ўқитувчи мақсадларига мувофиқ келган тақдирдагина давом этади. Бунда ўқитувчи фаолияти ўзлаштирилиши лозим бўлган мазмунга мос бўлиши шарт;

- Таълим мазмунининг ўзлаштирилиш суръати ва мустаҳкамлиги ўқитувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ўқув фаолиятига талабаларнинг билишга бўлган қизиқишини таъминлаш билан пропорционал;

- Ўқитиш ва ривожлантиришнинг муваффақиятлилиги ва тезлиги талабани у ўзлаштириши мумкин бўлган ўқув-билиш жараёнига жалб қилинишига боғлиқ;

- Англаб олинган ўқув материали мазмунининг мустаҳкамлиги ушбу мазмунни доимо тўлиқ ва қисман такрорлашдан, уни аввал ўзлаштирилган билимлар тизимига киритишдан кўра муҳимдир.

Ушбу қонуниятлар ва ўқитиш усуллари педагог, унинг педагогик фаолияти, касбий малака ва кўникмаси ҳамда касб-хунар коллеж, лицейларида ўқитишга янгича ёндошувнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

9 маъруза

Тема: Касб-хунар таълимини таҳлил қилиш ва ўрганиш сабаблари.

Режа:

1. Касб-хунар коллежларида ўқитиш жараёни
2. Ўқитишнинг ташкилий шакллари

Хар томонлама камол топган техникадан маълумоти булган ишчилар тайёрлаш масаласи, аввало, ўқитиш жараёнида ҳал қилинади.

Ўқитиш жараёни педогогнинг (ўқитувчи, устанинг) ва у раҳбарлик қилаётган ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакалар системаларини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришга қаратилган изчил ҳаракатлари мажмуидан иборат.

Касб-хунар мактабларидаги таълим ўқувчилар шахсини шакллантиришнинг, уларни ақлий ва жисмоний камол топтиришнинг умумий ҳамда махсус билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида ўқувчиларнинг билиш кучлари ривожлантирилади.

Таълим беришда унинг икки томони: ўқитиш ва ўқиш томонлари ҳамма вақт равшан ажралиб туради.

Ўқитиш- ўқитувчининг ўқувчиларга билим, ўқув ва малакалар системаси бериш, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолияти.

Ўқиш- ўқувчиларнинг ўқув фани материални ўзлаштириш борасида қиладиган системали ва онгли меҳнати.

Ўқитиш мазмуни ҳамма вақт тегишли ўқув фани программаси билан белгиланишини, ўқувчиларнинг ўқилиши эса ўқитувчи йулга солиб туришини назарда тутиб, мувофакиятли таълим беришнинг асосий шарти таълим бериш

мазмуни, укитиш ва укиш орасидаги чамбар-час узвий боғланиш деб ҳисобламоқ керак.

Мактабнинг, шу жумладан, касб-хунар мактабининг ҳам, асосий вазифаси ушиб келаётган авлодни укитиш ва тарбиялашдан иборат. Укитиш жараёнини урганиш объекти сифатида ажратиб курсатиш асло таълимни тарбияга қарши қуйиш бўлмайди. Укитувчи укувчиларга янги материални тушунтирар, уларнинг кузатишларини, мустикал ишларини ва фаолиятларини ташкил этар экан, уларда урганилаётган объектларга маълум даража ёндашиш қобилиятини, атрофдаги нарса ва ҳодисаларни мулоҳаза қилиш ҳислатларини шакллантиради, уларни меҳнатга онгли муносабатда бўладиган қилиб тарбиялайди, уларнинг иродаси ҳамда характерини чиниктиради. Бинобарин, укитувчилар укувчиларга таълим берар экан, уларни тарбиялайди ҳам. Таълим ҳамиша тарбияловчи характерда бўлади. тарбия билан таълим орасидаги чамбарчас боғлиқлик, бошқача айтганда, таълимнинг тарбияловчи характери укитиш жараёнининг асосий объектив қонуниятларидан биридир. Таълим, бу масалага укитувчи қандай қарашидан қатъий назар, доимо укувчиларни тарбиялайди. Тарбияловчи таъсир таълимнинг ажралмас йулдошидир. Агар укув жараёнида укувчиларнинг билиш қучларини ривожлантириш, уларда диалектик-материалистик дунёқараш ҳосил қилиш учун яхши шароит яратилса, таълимнинг тарбияловчи таъсири бирмунча ортади.

Укитиш жараёнида тарбиялаш дастурида, дарсликларда, укитувчининг иш материалида гоёвий аҳамиятли укув материали танлаш, укувчилар активлигини қузгатадиган ва уларнинг ақлий ҳамда жисмоний меҳнатда мустикал бўлишни таъминлайдиган укув методларини қуллаш, укитиш ва меҳнатни ҳар қайси укувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаташқил этиш йули билан таъминланади. Касб-хунар мактаблари шароитида укувчиларнинг тарбиялашнинг муҳим омили уларнинг доимо унумли меҳнатда иштирок этишидир. таълим бериш жараёни тарифланар экан, укитувчи укитишнинг ички механизмларини билгандагина, укув жараёни вақтида идрок этилганларнинг ҳаммаси укувчи онгида акс этиши ва узгариши қандай содир бўлишини тушингандагина укитиш самарали бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб утиш лозим. Ана шунинг учун ҳам укитувчилар педогогик психология билимларини чуқур эгаллаши зарур.

Укувчиларни билимларни узлаштириб, объектив дунёни билиб оладилар. Шу нуқтаи-назардан олганда, билимларнинг узлаштирилиши билиш турларидан биридир. Билишнинг умумий қонуниятлари укувчиларнинг билиш фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Билимларни узлаштириш укувчилар ақлий фаолиятининг илгари силжишига ва унда янги сифат хусусиятлари пайдо бўлишига, яъни унинг чинакам қамол топишига ҳамма вақт ҳам ва бирданига олиб келавермайди. Шу муносабат билан укув жараёнининг қаракатлантирувчи қучини ва укитишда содир бўладиган барча мураккаб ҳодисаларни тушиниш муҳимдир.

Укув жараёнига ҳам муайян объектив қарама-қаршиликлар ҳос бўлиб, улар орасидаги нисбат таълим беришдаги зиддиятларни ташкил этади. уларнинг энг муҳимлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- укитиш мақсадларининг зиддиятлари (масалан, укувчиларнинг ҳар томонлама умумий камол топиши ва уларнинг муҳсуз кизиқиш ҳамда қобилиятларининг чуқурроқ ривожланиши; тайёргарликнинг политехник йуналганлиг ва қонкрет ихтисосликнинг эгалланиши);
- укув жараёни моҳиятининг зиддиятлари (чунончи, укитиш ва уқиш);
- урганиладиган укув материали мазмунидаги зиддиятлар (масалан, илмий информациянинг ушиб борувчи оқими ва укув дастурининг чекланганлиги; илм ва техниканинг мутассил тараккий этиб бориши ва укув хужжатларининг вақти-вақти билан янгилаиб бориши);
- айни босқичда укувчилар олдида турган билиш вазибалари билан укувчиларнинг билим, укув ва малақалари даражаси орасидаги зиддиятлар;
- укитиш методларидаги зиддиятлар (жумладан, укутувчининг раҳбарлик роли ва укувчиларда мустикалликнинг ривожланиши);
- укитишнинг ташкилий формалардаги зиддиятлар (чунончи, укитишнинг фронтал усули ва билимлар олишнинг индивидуал характери).

Укитиш, яъни укутувчи фаолияти нуқтаи назардан, укув жараёнларинингграёни қуйидаги булимларни уз ичига олади:

- укувчиларга укув материалини баён этиш ёки уларнинг билимларини мустикал узлаштиришидаги фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- укувчилар билимини пухталаш ва такомиллаштиришга раҳбарлик қилиш;
- укувчиларнинг уз билимларини амалда тадбик этишдаги фаолиятига раҳбарлик қилиш, укувчиларда укув ҳамда малақалар ҳосил қилиш;
- укувчилар қулга қиритган ютуқларни анализ қилиш, уларнинг билим, укув ҳамда малақаларини текшириб, баҳо қуйиш.

Укитишнинг ташкилий шакллари.

Укитишнинг ташкилий шакллари деганда, укутувчи ва укувчиларнинг маҳсуз ташкил этилган, белгиланган тартибда ва муайян режимда утадиган фаолияти тушинилади. Укитишнинг у ёки бу ташкилий формаси қоллектив ва индивидуал укитишнинг ҳар хил қуринишда қушиб олиб борилиши, укитишда укувчилар мустикаллигини турли даражаси, укувчиларнинг уқишига укутувчи раҳбарлигининг ҳар хил усуллари билан характерланади. Укитишни ташкил этиш формаларини танлаш таълим-тарбиявий вазибалар билан белгиланади ва укув ишининг мазмуни ҳамда методларига боғлиқ булади.

Қасб-хунар қоллежларида укитиш синф-дарс системаси деб аталадиган системасида олиб борилади. Қасб-хунар қоллежларида тадбикан олганда, синф-дарс системасида укувчиларни уларнинг тайёргарлик даражасига, урганиладиган қасбига, баъзи қасблар учун эса- жинси ва ёшига мувофиқ гуруҳларга ажратиш қузда тутилади. Ҳар бир укув гуруҳининг тарқибни укитишнинг бошидан охиригача узгармайди. Машгулотлар қатъий жадвал асосида укутувчи раҳбарлигида олиб борилади. Урганиладиган материал қисмларга-ҳар бири муайян мақсадни қузда тутган дарсларга тақсимланади.

Синф-дарс системасида укув ишини ташкил этишнинг асосий формаси дарсдир. Дарс деганда маълум вақт ажратилган ва узгармас таркибли ҳамда тайёргарлик даражаси бир хил булган укувчилар гуруҳи билан уқитувчи утказадиган укув жараёнининг бир қисми тушинилади.

Хар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши керакки, бу талабларга риоя қилиш бутун таълимнинг самарадорлигини оширади

Мақсад ва мазмуннинг аниқлиги. Бу талаб дарснинг бутун укув материаллини ва унинг хар қайси қисмини тугри танлаш йули билан таъминланади. Дарсда урганиладиган (мустақкамланадиган, такрорланадиган) материал нисбатан тугал, мустақил булиши, дарслар системасида муайян урин тутиши ва уз дидактик йуналишига эга булиши, яъни укувчиларга янги материални баён этиши, билимларини мустақкамлаши ва системага солиши, бу билимларни тадбиқ этиш укуви хосил қилиш лозим ва хоказо.

Таълим ва тарбиявий вазифаларнинг ажралмаслиги. Юқорида таъкидлаб утилганидек, таълимнинг тарбияловчи характери унинг объектив қонуниятини саналади. Аммо, шунга карамай, уқитувчи хамиша укувчиларнини тафакқури, хотираси, диққат-эътибори, иродаси ва бошқа хислатларини, билиш фаолиятини, ижодини, ишда мустақиллиги ва шу қаби фазилатларини ривожлантириш учун дарсда хар қандай имқониятдан фойдаланишга мажбур.

Дарснинг хар қайси босқичида уқитишнинг энг мухим маъқул методларини танлаш. Уқитиш методларини танлаш қупгина факторга: укув материаллининг мазмунига, дарсдан қузда тутилган мақсадга мақсадга, дарснинг укув материаллари билан таъминланганлик даражасига, укувчиларнинг тайёргарлик савиясига, уқитувчи тажрибасига ва шу қабиларга боғлиқ. Уқитиш методини танлаш уқитувчининг юқори меҳнат унумдорлигини ва укувчиларнинг максимал активлигини таъминлаши керак, бу эса укувчиларга чуқур ҳамда пухта билимлар беради, олинган билимларни амалда тадбиқ этиш укувларини хосил қилади.

Ташкил этишнинг аниқлиги. Бу талабнинг бажарилиши дарсга ажратилган ҳамма вақтдан укувчилар билан ишлаш учун энг самарали фойдаланишга имқон беради. бунга уқитувчи ва укувчиларнинг дарсга яхшилаб тайёрланиши, дарсни жуда яхши моддий-техникавий таъминлаш, унинг барча элементлари структурасини пухта тузиш ва дарсни аниқ ташкил этиш орқали эришилади.

Юқорида қелтирилган талаблар дарс тугрисидаги тушинчани чекламайди ва тула очиб бера олмайди. Дарслар бир-биридан мазмуни, мақсади, структураси, ташкил этилиши, утказилиш методлари ва бошқа жихатидан фарқ қилади, уқитувчиларнинг шахсий фазилатларига боғлиқ булган субъектив аломатлар тугрисида гапирмаса ҳам булади. Шунинг учун дарсларни классификациялаш тугрисидаги масала мухимдир.

Дарсларни классификациялашнинг бошқа бир аломати уларни утказиш усуллари дидир. Утказиш усуллари, деганда, уқитувчининг маълум мақсадга қаратилган фаолиятида, дарсни утказиш услубида ифодаланган ташкилий ва бошқа моментлар мажмуи тушунилади. Шу нуқтаи назардан дарсларнинг қуйидаги типлари булади: лекция дарси, суҳбат дарси, экскурсия дарси, кинодарс, укувчиларнинг мустақил ишлари дарси, лаборатория иши, амалий иш, аралаш

дарс. Бу классификацияни семинар дарслари, назорат ишлар, синовлар, мунозара дарслари, демонстрация дарслари ва шу кабиларни кушиб кенгайтириш мумкин.

Бундай классификацияни ҳам асосий классификация сифатида қабул қилиб бўлмади. Бунга сабаб шуки, биринчидан, у барқарор бўла олмайди, чунки илгор педагогик тажриба дарсларни утказишнинг янги, оригинал усулларини илгари суряпти, иккинчидан, иш тажрибасида бундай дарслар «соф» ҳолда жуда кам учрайди, уларнинг купчилиги, гарчи айрим ҳолларда лекция дарси, экскурсия дарси, семинар дарси, синов дарси ва шу кабилар таълимнинг муайян босқичларида анчагина урин олиш мумкин бўлса-да, аралаш дарслардир.

Дарсларнинг асосий дидактик мақсад бўйича классификациясини энг маъқул деб ҳисобламоқ керак. Бу классификация, бошқа ҳамма нарсадан ташқари, дарснинг укув жараёнидаги урнини ҳисобга олади. Бу аломатга қура дарсларнинг қуйидаги типлари мавжуд: янги материалларни баён этиш дарслари; билимларни пухталаш ва татбиқ этиш дарслари; такрорлаш-умумлаштириш дарслари; укувчиларнинг билим, укув ҳамда малакаларини текшириш (контрол-текшириш) дарслари; аралаш дарслар.

Дарснинг ташкилий тузилиши унинг структураси билан белгиланади. Умумтехника ва махсус фанларга татбиқан, дарснинг қуйидаги структура элементларини ажратиб курсатиш мумкин: ташкилий қисм; уй топшириқларининг бажарилишини текшириш; уқитувчининг янги материални баён этиш; укувчиларнинг янги материални урганишга оид укув, техника ёки справочник адабиёт билан мустақил ишлашлари; янги материални такрорлаш ва пухталаш; илгари урганилган материални такрорлаш; пухталаш ва системага солиш; укувчиларнинг билим, укув ҳамда малакаларини тешириш, ҳисобга олиш ва баҳолаш; уй топшириқлари бериш. Дарснинг типига яъни машгулотдан қузланган асосий дидактик мақсадга қура, бирор структура элементлари ёки уларнинг типавий комбинациялари устун туради.

Асосий дидактик мақсадга биноан классификацияланувчи дарсларнинг типларини уларнинг структурасига боғлиқ ҳолда қискача қуриб чиқамиз.

Янги материалларни баён этиш дарслари. Бу дарслар, одатда, мавзунини баён этиш ва дарсдан қузланган мақсадни очиқ беришни, янги материални навбати билан баён этиш ёки укувчиларнинг укув адабиёти, техника адабиёти (журналлар, бюллетенлар, альбомлар, чизмалар, схемалар, технологик жараён карталари ва шу кабилар) ёки справочник адабиёт билан мустақил ишлашни ташкил этишни, укувчиларнинг саволларига жавоб қайтаришни, укувчиларнинг янги материални узлаштириш сифатини текшириш, қушимча тушунтиришларни, уйга вазифалар беришни уз ичига олади. Билимларни пухталаш ва татбиқ этиш дарслари. Бундай дарсларда теманинг бундан олдин урганилган материални юзасидан укувчилар билан фронтал суҳбатлар, лаборатория-амалий ишлар утказилади, ҳар хил масалалар ечилади, технологик жараёнлар ишлаб чиқиш машқлари, ёзма график ишлар, илгари урганилган материални мустаҳкамлаш ва системага солиш юзасидан турли мустақил ишлар (схемалар тузиш вауларни уқиш, жадваллар тузиш, техникавий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва шу кабилар) утказилади, кинофильмлар қурилади, укувчилар доклад ҳамда рефератлар билан чиқадилар ва ҳоказо. Бу иш давомида билимлар эсга солинади, етарли фактлар, тушунчалар,

конуниятлар укувчилар онги вахотирасида пухталанади. Бунинг натижасида билимлар анча пухта булади.

Укувчиларнинг иш турлари нихоятда хил-хиллигига карамай, бу типдаги дарсларнинг структураси тахминан бир хил. Бу структура дарс мавзуси ва максadini аниклашни, илгари урганилган ҳамда навбатдаги ишларни бажариш учун зарур маълумотларни эсга туширишни, укувчиларнинг ишни бажаришини (ёки утказилиши кузда тутилган бошка фаолият турлари) ва якун ясашни уз ичига олади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарслари. Бу дарслардан кузланган мақсад-урганилган материал юзасидан олинган билимларни эсга тушириш васистемага олиш, бу эса билимлардаги камчиликларни тулдиришга, мавзунинг, булимнинг ва бутун фаннинг асосий гоёларини, масалаларини янада чуқур очиб беришга ёрдам килади. Бу типдаги дарслар программа мавзусини ёки булимни урганиш сунггида ва укув йилининг охирида утказилади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарслари икки хил булади: уқитувчи мавзунинг, булим ёки қуснинг урганилган материали юзасидан умумлаштирувчи обзор лекция утказиши ёки укувчилар билан кенгайтирилган суҳбат ташкил килади. Суҳбат вақтида укувчилар уқитувчи раҳбарлигида умумлаштирувчи машқлар, ёзма ишлар ва бошка топшириқлар бажарадилар.

Укувчиларнинг билими, укуви ҳамда малакаларини текшириш дарслари. Бу дарсларда мавзу, булим ёки бутун курс юзасидан батафсил оғзаки савол-жавоб, ёзма ёки график контрол ишлар утказилади, контрол қилувчи қурилмалар, қарточка-топшириқлар, обзор-такрорлаш жаadwalлари ёрдамида укувчилар билими текширилади, амалий характердаги топшириқлар бажарилади ва хоказо. Бундай дарслардан кузланган мақсад ҳар бир укувчининг тайёргарлик даражасини асосли баҳолаш учун маълумотлар олиш, билимларнинг қанчалик онгли ва чуқур узлаштирилганлигини, олинган укув ҳамда малакаларнинг қанчалик пухта эканлигини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, бундай дарсларни утказишда уқитувчи укувчилар билими ҳамда укувидаги камчиликларни тулдиради ва уларни янада ривожлантиради.

Аралаш дарслар. Бу дарсларда ҳар хил дидактик масалалар комплекси ҳал қилинади. Улар барча ёки қисқичлик структура элементларини ҳар хил комбинацияда уз ичига олади. Аралаш дарслар умумтехника ва махсус фанларни урганишда дарсларнинг энг қуқ тарқалган типидир. Сунгги вақтларда структурасининг эскирган ва бир хиллиги, дарсда укувчиларнинг муқтақиллик ҳамда активлик даражасининг паствлиги, билим беришнинг уларни пухталашдан узилиб қолганлиги, утказиш методларининг бир хиллиги туфайли аралаш дарс танқидга учрамоқда. Бу танқид укув жараёнининг ташқил этилиши ва методикасигагина таалуқли булиб, дарснинг типига муқтақо алоқадор эмас. Қуқгина камчиликларнинг сабаби аралаш дарс утказилишида эмас, балки дарс структураси сийқаси қикиб қетганлигида, дарс элементлари қатъий тартибда қелишида, аксари уқитувчилар бу дарснинг бой педагогик имқониятларидан фойдалана билмаганлигидадир.

Аралаш дарснинг афзаллиги шундаки, у укув жараёнининг бир бирига энг яқин звеноларини уз ичига олади, бу эса укувчиларнинг билимларини пухта ва

онгли равишда узлаштиришини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Бу типдаги дарсларнинг аралаш характери машгулотлар структурасини кенг чегарада узгартиришга имкон беради. Масалан, бир дарсда укувчиларга янги билимлар берилади, бу билимлар пухталанади, илгари утилган материал такрорланади, укувчиларнинг билимлари текширилади ва хоказо, иккинчи дарсда бу элементлардан баъзилари булмайдиган ёки бир бирига кушилиб кетади (янги материални урганиш вақтида у пухталаниши, билимларни текшириш эса тушириб қолдирилиши мумкин), ҳар хил дарсларда бир хил элементларнинг кетма кетлиги узгариши ҳам мумкин (уй топшириқларининг қандай бажарилганлиги янги материалларни баён этишдан олдин ҳам, кейин ҳам текширилиши мумкин, укувчиларнинг мустақил ишларини дарс бошида утказган маъқул).

Дарслар типларини куриб чиқиш дарснинг қотиб қолган схема эмаслигини кўрсатади. Укув ишининг ташкилий формаси булган дарс максимал натижаларга эришиш учун типлар ҳамда структура бўйича узгариб туриши мумкин ва лозим.

10 маъруза

Тема: Мутафаккир олимларнинг касб-хунар таълими ҳақидаги фикрлари

Режа:

1. Ибтидоий жамиятда дехқончилик турли касб-хунарлар пайдо бўлиши.
2. Замонавий тарбия ҳақида тушунчалар

Энг қадимги VII асргача бўлган даврда ўқитувчи, устоз, тарбиячи фаолияти, маҳорати, уларнинг жамиятдаги ўрни, ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ибтидоий жамоа даврида жамиятдаги кишилар ёш жиҳатдан 3 гуруҳга бўлинар эди.

1. Болалар ва ўсмирлар.
2. Хаёт меҳнатининг тўла қимматли ва тўла ҳуқуқли иштирокчилари.
3. Кексалар.

Янги туғилган болани жамоадаги кекса кишилар боқиб ўстирадидилар. Бола тегишли биологик ёшга тўлиб, меҳнат қилишни ўрганиб, ҳаётий билим ва малакаларни эгаллагандан сўнг тўла меҳнатчилар гуруҳига ўтган. Ибтидоий бола ўзининг хаёт фаолияти жараёнида катталарнинг ишларида қатнашиб, улар билан кундалик муомалада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди. Ўғил болалар катта ёшдаги эркеклар билан, қизлар эса аёлларнинг ишларида қатнашардилар. Кейинчалик ўғил болалар учун алоҳида, қизлар учун алоҳида тарбия муассасалари – ёшлар уйлари пайдо бўлди. Бу ерда улуғ оқсоқоллар раҳбарлигида яшаш, меҳнат бўйича ўтказиладиган синовларга тайёрланар эдилар.

Ибтидоий жамиятда дехқончилик турли **касб-хунарлар** пайдо бўлди. Шу билан боғлиқ равишда тарбия ҳам мураккаблашиб, кўп томонлама ва режали бўла борди. Болалар тарбияси тажрибали кишиларга топшириладиган бўлди. Улар болаларга меҳнат кўникма ва малакаларини ўргатиш билан бир қаторда, пайдо бўлиб келаётган диний урф одатларнинг қоидалари, нақллари билан болаларни таништирар, ёзишга ўргатар эдилар.

Шарқнинг барча гуманистлари Рудакий, Фирдавсий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Низомий, Хофиз, Шайх Саодий, Умар Хайём, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кишиларни маонавий гўзаллигини, тенгсизлигини куйладилар, инсонпарварлик ғояларини олға сурдилар.

Улар яшаб ўтган давр ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар авд олган, ташки душманлар ҳукуми тез-тез такрорланиб турган, идеологик ҳаётда соъта таръибот илдиз отган, халқ эркисиз кашшоқ холда яшаган, китоб ва ёзма манбаалар фақат кўлда кўчириб ёзилган давр эди. Ана шундай-зиддиятли замонла яшаб ўз мақсади, ҳаётини олға сурган, вазифаларни бажаришга киришган алломалар фан, маданият, тарих, илмий билимлар соъасида муносиб ўрин эгалладилар.

Мутафаккирлар мустақил дунёқараш, сабр-матонат билан ўтмиш авлодлар билимларини чуқур ўрганиб, ўзлари ҳам меҳнат қилиб турли фанларда янги тушунча ва хулосалар чиқара олдилар. Инсоният тарихи, маданият фани ўзаро алоқадорлигида ўсиб, ривожланиб, бойиб боришини исботладилар. Айниқса педагогика, психология, этика фанларининг мустақиллигига кенг йул очдилар. Таълим-тарбия, мулокат, одоб-ахлоқ, гуманизм, эстетика тушунчаларини бойитдилар.

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларнинг ижодий меросларида ўқитувчи-тарбиячи маҳорати, устоз-шогирдлик шартларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Абу Наср Фаробий – X аср шарқ фалсафий фикрларининг энг йирик намоёндаларидан бўлиб, ҳаёт, инсон ҳақидаги таълимотни дастлаб яратувчилардан бири саналади. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққий парвар ижтимоий, фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи билан боғлиқ бўлган. Фаробий ўз замонаси илмини барча соҳасини мукамал эгаллаган. Унинг асарларида одам шахсининг энг яхши ва олийжаноб хусусиятлари, кишилар ҳаётида адолат ўрнатилиши, яхшилик, ақлий камолатига эришувчи инсон ҳақида фалсафий фикрлар ифода этилган.

Абу Наср Фаробий устоз ўқитувчига шундай талаб қўяди:

«Устоз шогирдларига катта зулм ҳам хаддан ташқари кўнгилчанглик ҳам қилмаслик лозим».

Чунки ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади-ю, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса шогирд уни менсимамай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У ўқувчига болаларнинг феъл атворига қараб тарбия жараёнида «қаттиқ» ёки «юмшоқ» усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради. **Унинг фикрича:**

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга таълим тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.
2. Тарбияланувчилар ўзбошимча итоатсиз бўлсалар, каттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

Буюк аллома Ибн Сино болага билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурча эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича болалар билан муомалада

босиқ ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эотибор бериш кабилар муҳимдир.

Ибн Сино ҳақиқий олим бўлганлиги сабабли тилга доир кўпгина асарларни юзага келтирди. Абу Али Ибн Сино фаннинг қайси бир соҳасига қўл урмасин, унга фалсафий тус берди. Унинг шоир ва адиб сифатида ёзган асарлари ҳам ўзининг фалсафий жиҳатдан чуқур ғоялари асосида суғорилганлиги билан кўзга ташланиб туради.

Абу Али ибн Синонинг ижодий фаолияти жуда ҳилма-хил ва рангбарангдир. Унинг асарларида фалсафа, тарих филология, этика, педагогика, психология, шеорият, табобат, терапия, хирургия, диагностика, гигиена ва табиатшунослик фанларнинг ҳар қайсисига доир мустақил фикрлар ва хулосалар бор. Ибн Сино буюк олим. У инсон ақлининг ҳар томонлама ривожланишига табиат сирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган. Ишотлаб мисоллар келтирган. У ўзининг илм-фан соҳасидаги катта фазилатлари билан жаъон маорифати ва маданиятининг намоёндаси сифатида танилди.

Ибн Синонинг таълим ва тарбия соҳаларидаги бой мерос ўз даврида жаъолатга қарши курашда жуда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Улу зотнинг талай асарларидаги ғояларини олимларимиз, педагогларимиз ҳамон ўрганмоқдалар, амалий ғаётга тадбиқ этмоқдалар.

Буюк аллома Ибн Сино болага билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурча эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эотибор бериш кабилар муҳимдир.

Ибн Сино ҳақиқий олим бўлганлиги сабабли тилга доир кўпгина асарларни юзага келтирди. Абу Али Ибн Сино фаннинг қайси бир соҳасига қўл урмасин, унга фалсафий тус берди. Унинг шоир ва адиб сифатида ёзган асарлари ҳам ўзининг фалсафий жиҳатдан чуқур ғоялари асосида суъорилганлиги билан кўзга ташланиб туради.

Муаллим – устозга нисбатан хурматда бўлишининг ифодаси шуки, шогирд муаллимдан олдин юрмаслик унинг ўрнига бориб ўтирмалик лозим. Машъулотлар давомида ўқувчилар муаллимдан узоқ бўлмасинлар, улар ораси ўқ-ёй оралиғида бўлсин, мана шунда илмга интилувчиларни ўз устозларига хурмати маолум бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз ҳукумронлиги даврида илм ахллари, муаллимларга хурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожида уларнинг ўрни муъим деб билади. Кўплаб мадрасалар очади, уларга муаллим ва муддарислар тайин этади. Ўзининг устозларини ҳам жуда қадралайди.

Алишер Навоий ўзбек халкининг улкан шоири ва мутафаккири, улуь олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг сиймоларидан бири. Шоир бутун хаёти ва фаолиятида инсоннинг бахт-саодати учун курашган. Навоий ўзининг ҳамма асарларида инсоннинг ер юзидаги ҳақиқий инсон деган номини юқори даражага қўяди, инсон ҳуқуқи билан яшашни, инсон шахсининг озодлигини ёқлайди.

Замонавий тарбия мазмунида қўйиладиган ғоялар ётади:

1. Тарбия мақсадининг аниқлиги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Республикада амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинади, Ўзбекистон республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади – эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлиш комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу, шахсда умумий маданият унсурларини таркиб топтиришдир, яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ўқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялаш тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратади.

2. Болалар ва катталарнинг биргаликда фаолияти. Ўқитувчининг болалар билан маънавий маданияти энг яхши намунасини излаши, шу асосда тарбиячи ишининг ҳаётий меъёр ва қадриятларини ишлаб чиқиши ўқувчининг тарбия жараёнида фаоллигини таминлашга олиб келади. Дунёқараши ўали чала тўқис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари ҳамда уларнинг шахсий намуналари катта тарбиявий таъсирга эга

3. Ўз -ўзини англаш. Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири - бу инсоннинг ҳаётий ўз-ўзини англаш инсоннинг ўз шахсий ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади. Инсон камолатида фуқаролик, педагогик ва ахлоқий ўз-ўзини англаш жиўатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Тарбиянинг шахсий йўналтирувчанлиги. Мазкур ғоя мактаб (таълим муассасалари амалиётининг марказий нуктасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлари «нақл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи турганлигини англантишга хизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, ўзига хос характери ўз кадр-қийматини англаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.

Ихтиёрийлик. Тарбияланувчиларнинг ирода эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи (талаба), ҳам ўқитувчи маънавиятининг бойитилишига хизмат қилади. Агар тарбиячи (ўқитувчи) ўқувчининг қизиқиши, фаолияти, уртоқлик ва фуқаролик бурчини англаш мустақилликка интилиш туйғуларини кўра ва англай олсагина унинг иродали эканлиги юзага келади. Тарбияланувчининг иродали эканлиги таъминланган шароитда унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолиятда самарага эришилади.

Шарқ мутафаккирларининг таълим методлари ҳақидаги фикрлари.

Шарқ мутафаккирларининг дидактик қарашларида ҳам таълим методлари масаласига жиддий эътибор қаратилган. Буни Ал – Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Ал – Беруний, Абу Али Ибн Синоларнинг турли таълим методлари ҳақидаги фикрлари, қарашлари, амал қилган таълим йўналишларида яққол сезиш мумкин.

Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий ўзигача бўлган таълим методларини синтезлаштиришга ҳаракат қилган. Барча мутафаккирлар каби у ҳам кўрғазма – тажриба методлари, савол – жавоб методлари, малака ва кўникмаларни шакллантириш методлари, билимларни синаш методларидан кенг фойдаланилган.

У “Ал – Жабр ва вал муқобола”, “Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб”, “Синус Зижлари”, “Китоб суратард”, “Ер сатҳини ўлчаш”, “Қуёш соати тўғрисида”, “Яҳудийлар тарихи ва уларнинг байрамларини белгилаш”, “Васиятлар китоби” каби асарларни яратган.

Ал – Хоразмий математика фанининг амалий аҳамиятини юксак чўққиларга кўтара олган. Унинг буюк ихтироларидан бири – “О” (ноль) сонини яратиши ва бу орқали унинг фанга киритган буюк кашфиёти **унли позицион санок системасининг** истеъмолга киритилишидир. Булардан ташқари у олимлар дунёси фаолиятини ҳам 3 хил йўналишларга ажратади ва уни илмий жиҳатдан асослаб берадилар.

Биринчи йўналиш. Ўзларигача бўлган илмий натижаларни ўрганувчи ва улар орасидаги мавжуд узилишларни улаб уларни келажак авлодга етказувчи олимлар.

Иккинчи йўналиш. Ўзларигача бўлган илмий йўналишларни ўрганиш ва муайян йўналишни асл ҳолига нисбатан анчагина олдинга юксалтириш бўйича фаолият кўрсатган олимлар.

Учинчи йўналиш. Фанга бутунлай янги йўналишларни киритувчи, кашфиётлар қилувчи, таълимотлар яратувчи олимлар.

Абу Наср Фаробий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий – ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб – ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади, деб ўқтиради. Булар тарбиячилар ва мураббийлар томонидан турли методлар ёрдамида амалга оширилади.

Фаробий таълим – тарбия ишларини назарий йўл билан амалга оширишга кўпроқ эътибор беради. Шунинг билан бирга у таълим – тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш ва вақти келганда мажбур этиш методларидан фойдаланиш ғояларини ҳам илгари сурган.

У математика, мантиқ, тиббиёт, илми нужум, мусиқа, ҳуқуқ, тилшунослик, поэтика каби соҳалар билан шуғулланган, турли тилларни ўрганган. Манбаларда ёзилишича у 70 дан ортиқ тилни билган.

Фаробийнинг бизгача қуйидаги асарлари етиб келган: “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт – саодатга эришув тўғрисида”, “Ижо ал - улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида”, “Фалсафа манбалари”, “Субстанция ҳақида”, “Логикага кириш”, “Масалалар манбаи”, “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш керак” ва бошқалар. Буюк мутафаккирнинг инсон камолотига оид асарларида жамият талабларига тўла – тўқис жавоб бера оладиган ва уни тинчлик ҳамда фаровонликда сақлаб туришга хизмат қиладиган баркамол шахсни тарбиялаш хусусида фикр юритилади.

Бугунги кундаги баркамол авлод тарбиясида олим ижодидан кенг кўламда фойдаланиш лозим.

Абу Райҳон ал – Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Унинг фикрича таълим олувчиларга таълим беришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- таълим олувчиларни зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик керак – бу дарс жадвалига қўйилган талаблардан бири;
- узвийлик ва изчиллик;
- таҳлил қилиш ва таққослаш;
- такрорлаш;
- материални кўргазмали баён этиш ва шу кабилар.

Берунийнинг қуйидаги машҳур асарлари мавжуд: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Тиббиётда доришунослик”, “Юлдузшуносликда бошланғич маълумотларни англаш”, “Қонуни Маъсудий” ва бошқалар. Олим томонидан 152 та китоб ёзилгани ҳақидаги маълумотлар бор. Шундан бизгача 31 таси етиб келган.

Беруний таълим бериш давомида дарс жадвалидаги фанларни навбатма – навбат жойлаштиришни қуйидагича ифодалайди: таълим олувчилар бир фандан иккинчисига ўтишда улар бир боғдан иккинчи бир янги боғга ўтгандай бўлсин. Унда таълим самарали олиб борилади.

Абу Али Ибн Сино таълим олувчиларни жамоа қилиб ўқитишни таъкидлайди. У таълим олувчиларни ўқитишда уларни бирданига китоб билан банд қилиб қўймаслик керак деб ўқтиради. Шунингдек, олимнинг фикрича олиб бориладиган ўқув машғулотларнинг мазмун – моҳияти таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларига ҳам мос келишлиги ва унда турли хил таълим методлари ва шаклларидан фойдаланиш зарур. Бу орқали таълим олувчиларининг зерикишлари олди олинади.

Ибн Сино таълимоти бўйича билишда қайси методлардан фойдаланилмасин – у оғзаки ифодалаш, билимларни тушунтириш, турли кўринишдаги суҳбатни ташкил этиш, тажрибаларни уюштириш бўладими барибир, таълим олувчида ҳақиқий билим ҳосил қилиш, мустақил, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Олимнинг қуйидаги асарлари бизга маълум: “Тиб қонунлари”, “Аш шифо”, “Ал - Қонун”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Рисолат ат - тайр”, “Рисолат фил - ишқ”, “Номознинг моҳияти ҳақида рисола”, “Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида”, “Ан - Нажот”, “Донишнома”, “Китоб аш - ишорат”, “Рисолат ал - қадр”.

Олим ахлоқдаги ўзгаришларни уларнинг организмдаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтиради. Масалан, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради, ғазаб кучли киздиради, қайғу кучли оздиради, хулқнинг мўтадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соғлом бўлади, деб ўқтиради.

Турли ёш гуруҳларида таълим методларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таълим методи психологик асосга эга. Боланинг ўқув материални ўзлаштиришдаги ёш имониятлари ва унинг етуклик даражаси ўқитиш ва ўқиш усулларига жуда катта таъсир кўрсатади. Таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва шахсий хусусиятларини яхши билиш ўқитишнинг самаралироқ усулларини топиш имкониятини беради.

Таълим методлари ўсаётган организмнинг анатомик – физиологик, биологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ёшига хос биологик ўсишни ҳисобга олиш керак. Бунга сабаб таълимнинг кўпгина жиҳатлари таълим берувчи ва таълим олувчининг иш қобилияти, чарчаши, ижодий кайфияти, жисмоний соғлиғи, мактабдаги гигиена шароитлари ва шу кабиларга боғлиқдир [5].

Таълим методларини фаоллаштириш йўллари. Мустақил иш ва улар турлари.

Мутахассислар тайёрлашнинг шахсий фаолияти концепцияси бўйича таълим жараёнида индивидуал таълим жараёнини индивидуал – ижодий шахсни шакллантириш жараёни сифатида қарашга, шунингдек, ўқитишни нафақат ўқитиладиган фан мантиқига, балки шахснинг ривожланиши мантиқига мувофиқ ҳолда ташкил этишга имкон беради, деб қаралади.

Таълим олувчининг яратувчилик (ижодий потентцион) қобилияти, унинг мулоқот қила олиш қобилиятини, таълим олиш маданиятини, таълим жараёнининг барча босқичларида самарадорлик ва сифатни оширишда ахборотлашган жамият куриш орқали ижтимоий жамият буюртмасини бажариш (ахборот технологиялари соҳаси, ахборот таълим ҳужжатлари, фойдаланувчилари)ни ва шу каби жараёнларни ривожлантиришдаги оптимал вариантларни танлашда истиқболли натижаларни кўлга киритишни кафолатлайди. Бунинг учун таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга тўғри келади ва унинг натижасида фаол таълим жараёнини амалга ошириш мумкин бўлади.

Фаол таълим – бу таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчининг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини таъминловчи тизимий – педагогик жараёндан иборат.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан қуйидаги таълим методларидан фойдаланилади: баҳс – мунозара; фикрлашга жалб қилиш; доскада мустаҳкамлаш; турли таълимий – касбий ўйинларни амалиётга жорий этиш ва ҳ.к.

Таълим олувчиларда фаол ўрганиш қобилияти, яъни таълим олувчиларнинг тадқиқ қилиш (ижод) ва ўрганишга қизиқишини (интилишини) юзага чиқарувчи фаолиятли ёндашув таълим методларини фаоллаштиришга асосий дидактик асос бўла олади.

Таълим методларини фаоллаштириш қуйидаги таълим қонунларига эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

• **Таълимда интеллектуал соҳани ривожлантириш қонуни.** Бу қонун бўйича таълим олувчининг фикрлашини (билишини, ижодини), хотирасини, диққатини, ақл сифатларини (теранлик, эгулувчанлик, тежамкорлик,

мустақиллик), фикрлаш кўникмаларини (ажратиш, кўшиш, таҳлил қилиш ва ҳ.к.), билишини (таълим олувчиларни қарама – қаршилиқ муаммоларни қуриш, саволлар қўйган фаразларни илгари суриш ва ҳ.к.), ўрганишини билишини ривожлантириш, предметга оид билим, ўқув ва кўникмаларни ташқиллантиришнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқилади ва улардан амалиётда фойдаланиш шакллари яратилади;

• **Таълимда ирода соҳасини ривожлантириш қонуни.** Бу қонун бўйича таълим олувчидаги мақсадга интилишни шакллантириш жараёни эътиборга олинади. Унда асосан асаб ва мускулларнинг зўриқишини енга олиш, ташаббускорлик, ўз кучига ишониш, ўзини бошқара олишни ривожлантириш, билимларни ўқитиш (қандай фаолият кўрсатиш), фаолиятни ривожлантириш, уни қандай амалга ошириш ва назоратни ташқи кўникмасиз олиб бориш каби қобилиятлар ҳисобга олинади [3];

• **Таълимда эмацион соҳани ривожлантириш қонуни.** Бу қонун таълим олувчига ўз ҳиссиётини ва руҳий ҳолатини бошқариш бўйича зарурий кўникмаларини шакллантириш жараёнидан иборат бўлиб, унда ортиқча ҳавотирни енгиш ва ўзини ҳолисона баҳолаш кўникмасига эга бўлишлиқни тарбиялаш муҳим ҳисобланади;[3].

• **Таълимни ахборотлаштириш қонуни.** Бу қонун бўйича ахборотлаштирилган жамият шароитида таълим олувчиларнинг жамоатчилик ва касбий фаолиятида тўлақонлироқ самарали қатнашишига тайёрлаш мақсадида таълим тизимининг барча компонентлари компьютерли ва ахборотли технологиялар ёрдамида яхшиланади.

Таълимни ахборотлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув – услубий ишларни қайта ташкил этиш;
- таълим берувчи ва унинг ролини ўзгартиришга қўйилган талаблар орттирилади;

- таълим олувчи шахснинг ва уни индивидуаллаштириш хусусияти ролининг ортиши;

- таълим муассасаси ролининг замонавийлашуви, ўзгариши ва унинг таълим олувчилар таркиби жойлашган жойларга таъсирини эътиборга олиш;

- ахборот ресурсларининг мумкин бўлган ҳажмининг тўсатдан ортишини ҳисобга олиш;

- замонавий ахборот хизмати кўрсатишга бўлган талабнинг мунтазам равишда ортиб бориши асосидаги ахборотлаштиришнинг аҳамияти ўсиши, айниқса башоратли, таълимий ва илмий ҳарактердаги йўналишнинг ривожланишини ҳисобга олиш;

- бешта муҳим масалаларни ҳал қилишни кафолатлаш. Улар: таълим сифатини ошириш; таълим жараёнини қулай ҳолга келтириш асосида таълим олишни енгиллаштириш; аҳоли саводхонлиги ошишини таъминлаш; мамлакатнинг иқтисодий потенциали (қуввати) ўсишини таъминлаш; миллий таълимнинг жаҳон талими тизимида интеграциялашувини таъминлаш;

- **Таълимда мустақиллик қонуни.** Бу қонун бўйича таълим олувчиларнинг билимларини ҳаётга қўллаш олиш учун таълим бериш жараёнини **фаол фикрлаш**

жараёнига айлантириш асосида уларда ижодий ташаббускорлик ва **мустақил** тафаккур, нутқ, маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқодни таркиб топтиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқилади.

Юқорида қайд этилган таълим методларини фаоллаштиришга имкон берувчи таълим қонунлари мустақил ва намунали таълимдан амалиётда фойдаланишга кенг имконият яратади. Бу айниқса таълим олувчилар билан уюштириладиган мустақил таълимда яққол сезилади.

Профессорлар Р.Х.Джураев ва С.Т. Турғуновларнинг қайд этишича **мустақил таълим** – бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида аждодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис – туйғулари, **мустақил фикрлаш** қобилияти асосий рол ўйнайди [2].

Мустақил фикрлашга ўргатиш. Ҳар қандай ўқув фани бўйича дарсликларнинг асосий дидактик ашёси матнлар, савол – топшириқлар, машқлар ёки мисол – масалалар ҳисобланади.

Таълим олувчини мустақил фикрлашга ўргатишда дарслик, ўқув қўлланмалар ва таълим берувчининг алоҳида – алоҳида аҳамиятини таъкидлаш шарт эмас, балки уни мавзудаги илғор фикрлар, илмий хулосалар, амалий ҳақиқатлар, воқеа – ҳодиса ёки инсон шахсига ўз муносабатини билдиришга йўналтириш керак бўлади.

Демак, **мустақил таълим** – бу олинган билим кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материалларни мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли.

11 маъруза

Тема: Касбий тайёргарлик жараёнида таҳсил олувчиларнинг маънавий, ақлий ва жисмоний ривожлантиришнинг бирлиги ҳақида фалсафий-педагогик қарашлар.

РЕЖА:

1. Абу Носир Фаробий ўқитувчи вазифаси ҳақида.
2. Ибн Синонинг ўқитувчи лаёқатиборасидаги фикрлари.
3. Ўқитувчи ҳақида Насриддин Тусийнинг психологик қарашлари.

4. Тарбиядаги таъсир усуллар Умар Хайём талқинида.

Ўқитувчи мутахассисларини тайёрлаш ва ўқитувчи қандай фазилатларга эга бўлиши бақидаги муаммо қадим замонлардан бошлаб мутафаккирларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда. Жумладан, Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Носир Фаробий (873-950) бу масалага тўхталиб, бундай деган эди: «Ўқитувчининг вазифаси доно давлат раъбари вазифасига ўхшаб кетади. Шу сабабли ўқитувчи ҳам кўрган ва эшитганларининг барчасини яхшилаб эса сақлаб қолишни билмоғи, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлмоғи ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур. Ўқитувчи фақат фан билангина шуъулланиб қолмай, балки ўз билимларини ўз ўқувчиларига ҳам бериши, бунда машаққатли меҳнатдан чарчаш нималигини билмаслиги лозим. Ўқитувчи май (спирт) ичимликларни истеомол қилишдан ўзини тийиши, бақиқатчи бўлиб ёльонни ва ёльон айтганни ёмон кўриши, бурурли бўлиши ва ўз ор-номусини қадрлаши, ўзининг ўқувчиларга нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишда қатойилик кўрсата билиши лозим».

«Бундай одам, - деган эди Фаробий, инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади... Бу эса баър қандай хатти-баъаракатдан хабардор бўлган ва баъаракатлар туфайли бахтга эриша олидиган одамдир».

(132.53)

Ўрта Осиёлик атоқли олим Абу Али ибн Сино)980-1037_ фикрича ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва болани тарбиялаш методларини ҳамда ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи оламини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира билмоғи лозим.

Абу Али ибн Сино фикрича ўқувчига қаратилган баър бир сўзни ўқитувчи имо-ишоралар билан тўлдириб бормоғи лозим. Абу Али ибн Синонинг таълим жараёнида турли метод ва усулларни қўллаш тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шундай шароитдагина ўқитувчи баър бир ўқувчининг қобилият ва лаёқатини аниқлаб, унинг келгусида ўз касбини танлаб олишига ёрдам бера олади.

Мутафаккирнинг фикрича ўқитувчи бу доноликдир. У ҳисоб-китоб ва яхшилик қилиш бўйича қандайдир яхши ва фойдали ишдир.

«ҳисоб-китоб бўйича нимадир қилинади, нимадир олинади: олинган нарса ҳамма вақт кўзга кўринавермайди, чунки у яхши ном, хурсандлик, оддийлик, ёки умуман хоълаган биронта нарса бўлиши мумкин. Қаерда алмашиниш мавжуд экан, дарбақиқат ўша жойда ҳисоб-китоб ҳам мавжуддир. Оддий халқ тилида ҳисоб-китоб деганда ўртоқлар ўртасидаги ўзаро фикр ва нарса алмашини тушунилади. Мақташ, раъбатлантириш, алмашиниш предметига кирмайди. Лекин ақл-фаросатли одам ёққан баър қандай нарсани фойдали деб билади. Яхшилик эса мукофот ўрнини босолмаганидек, биронта хулқ-атвор ҳам бўла олмайди, балки бу яхшилик қандайдир беъаразликдан келиб чиқади. демак, ўқитувчининг барча баъаракатлари фақат яхшиликдир». (9.792) жуда юқори баъологанлар. Ўқитувчи олий инсоний ҳислатларга эга бўлиши зарур эканлигини Шарқ

мутафаккирларидан Насриддин Туси (1201-1274) ҳам «Ўқувчиларни тарбиялаш ҳақида» номли трактатида таъкидлаб ўтган.

Насриддин Туси фикрлари ҳақда катта қизиқиш уйғотди. У ўқитувчи олдида шундай талабларни қўяди. Ўқитувчи мунозараларни олиб боришни, ўз фикрининг тўғрилигига ишониш, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи соф виждонли, ростгўй, шошмасдан, ишончли қилиб қатой гапирадиган бўлиши лозим. «Ўқитувчи нутқи, - деб таъкидлайди Туси, - ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заъаръандалди, қўпол бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин. Ўқитувчи ўз нутқида ҳаётий далилларни, мақолаларни, ота-боболаримиз, қадимги аждодларимиз фикридан мисолларни келтириши лозим. Бу эса ҳар қандай ҳолатда фойдалидир». (132.55).

Шунингдек, Умар Ҳайём (1048-1123) асарларида ўқувчиларнинг билимларни тўла, чуқур ва онгли равишда ўзлаштиришлари, кўникма ва малакаларни эгаллашлари ҳамда уларни мустақил билим ўзлаштиришга тайёрлаш йўллари тўғрисида кўпдан-кўп фикрларни берган. Умар Ҳайём таъкидлаб ўтадики, ўқувчилар билимларни фақат ўқитувчининг берган маълумотлари ва китоб ўқиш билангина эмас, балки ҳаётий ҳодисаларни бевосита ўрганиш жараёнида, кўникма ва малакаларни эса амалиётда, айнан битта ҳаракат ва амалларни кўп марта қайта-қайта такрорлаш, турли операциялар ва шу қабилар натижасида ҳам эгаллаб оладилар. Хулоса қилиб айтганда, таълимни амалиёт билан бирга олиб бориш зарурлиги кўрсатилади. Талабалар билимларини мустақил ўзлаштириши кераклиги айтилади. Умар Ҳайём билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга ҳудди шундай ёндошишни ҳамма вақт эслатиб, ўқитувчилар ўқувчиларни фикр юритишга қандай раъбатлантирар эди. Шунинг учун ҳам у «Сен осонгина ўйлаясан», «Кўп ўйлаб мақсадга эришиш мумкин», «Бир оз ўйлагандан кейин сен тушуниб оласан», деб таъкидларди ва бу билан ўқувчилар руҳига таъсир қилиб уларни мустақил фикр-мулоҳаза юритишга ундар эди.

Ўқитувчи махсус қобилият, истеододга ҳам эга бўлиши керак. Истеододсиз шоирлар ўз даврида улуъ шоир А.Навоий (1441-1501) томонидан танқид қилинган эди.

А.Навоий ўзининг «Мажолисун - нафоис» (1491йил) 400 дан ортиқ шоирларнинг ижодиётини адабий томондан танқидий таълил қилади. Алишер Навоийнинг бу асари XV асрдаги ўзбек шоирларининг танқид қилиб, адабий қобилиятни ривожлантиришда классик шоирларнинг, замондош шоирларнинг ижодиётдаги тажрибаларини, шу билан бирга уларнинг ҳарактерини, ирода кучини ва бошқаларни ўрганиш муҳим рол ўйнади, деб таъкидлайди.

Демак, бўлажак ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари буюк шоирлар, ёзувчилар ҳаётини, ижодини чуқур, ҳар томонлама ўрганишлари зарур.

Ильор ўзбек демократик шоирларидан З.Фурқат, М.А. Муқимий, Аваз Ўтар ўғли, У Завқий каби машҳур адиблар ҳам ўз асарлари билан халқ руҳига кириб бориб, улар қалбидаги ички дардларни очиб ташлаб халқни маорифатга чорлади. Маорифатпарвар одамгина ёшларни камол топишига, халқни тўғри йўлга бошлашга уетакчилик қила олади, деган ильор прогрессив фикрларни илгари суриб устозлик вазифасини бажардилар. Бу шоирлар ўша давр домлаларини яони

ўқитувчиларини таълим-тарбия бериш жараёнини танқид қилиб, уларнинг ўта қаттиққўл, жохиллик, таомагирлик сифатларини қоралайди. Бу маорифатпарвар шоирлар ўз асарларида ўқитувчи шахси болаларни севиши, уларни тушуниши, хушмуомала, тўғри сўз, меънатсевар, билимдон бўлиши зарурлигини уқтиради.

Жумладан, ўзбек совет ёзувчиси Боту ҳам ёшларни камол топишига алоҳида эътибор бериб, ўзининг қатор психологик педагогик асарлари «Бола нима деганини тингла», «Бола билан тўғри сўзлашинг», «Бола билан қўпол гапиришманг», «Болалар ёльони» гарчанд болалар ғаётидан олиб ёзилган бўлсада, аслида улар ота-она ва ўқитувчиларга қаратилган.

У болалар дунёсини, руhini ва характерини теран билган ва бошқа ўқитувчиларни ҳам шунга чақирган.

Ўзбекистонда ўзининг прогрессив ғоялари билан кўзга кўринган А.Авлоний ўз даврида мактабда қўлланиб келинаётган таълим системаси эскирганлигини ўзбек муаллимлари ичида биринчи бўлиб яхши англади. У «Болаларга ғарфларни овозлар ила танитмоқ, ўқильон сўзларни ёздириб, маоносини билдирмоқ...» мушкул китобларнинг бадалига имло, иншо, ғусни хат, илму-ғол, хисоб, тарих, жўрофия каби дунёвий илмларни ғар кимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўқитиб билдирмоқдан иборат.

ғудди шунингдек, тил ғақида Юсуф Хос ғожиб «Кутаду билиг» асарида «Тил ва ақл билимнинг таржимонидир» (143.160) дейди.

Улуб мутафаккир Аьмад Донишнинг фикрича, адабиёт фани ғар бир кишининг самимийлиги ёки мунофиқлигини ва инсон шахси табиатининг олижаноблиги ёки разиллигини аниқлар экан. У шундай дейди: «қайси бир ғунар-касбни танламоқ бўлсанглар ундан кутилган мақсад халқ учун фойда уеткашиш бўлсин». (50).

Биринчи ўзбек педагоги, исёнкор шоир ғ.ғ.Ниёзий чинакам муаллим бўлиш учун ўқитувчи бу касбни чин дилдан севиши, ўз ўқувчиларини ғурмат қилиши лозимлигини таокидлайди. У ўқитувчи хислатлари ғақида бундай ёзади: «ғар жойда болаларнинг шўхлиги оддий бир ишдир, лекин талабалар» (шўхлик қилувчилар) муаллим ғазратлари тарафиндин айтилиб, покиза ахлоқ ва асосли одатларгина тарбия этилиб, муьаббат ва диққатни жалб этувчи ишлари ва усулларин ўргатиб изоғлар этганда эди... йилдан – йилга талабалар минглаб эмас, балки миллионлаб кўпаяр, юзимиз ёруь, тилимиз узун... бўлар эди». (117).

Демак, яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари ва ўзбек демократик шоирларининг бой илмий-бадий меросини ўрганишимиз ва ўқитувчи, унинг касб сифатлари ғақидаги фикрларни таълил қилишимиз жараёнида биз шундай хулосага келдик: ўқитувчи шахси асрлар давомида инсон томонидан улуьланиб ва доно маслағатчи деб қаралган, унинг вазифасини доно давлат раьбари вазифасига киёслаган, бу мутафаккирлар ўқитувчининг қуйидаги касб сифатлари бўлиши мухим эакнлигини белгиладилар.

Ўқитувчи кучли хотира, ирода ва тафаккурга, ақл-ғаросатга, чиройли нутқга эга бўлиши, кўзлаган мақсади йўлида қатойлик кўрсата олиши, болаларни ички дунёсига кира билиш, виждонли, ахлоқли бўлиш зарурлигини таъкидлашади.

12 маъруза

Касбий педагогик фаолият ва ўқитувчи шахси

Режа:

1. Ўқитувчининг педагогик тайёргарлиги ва педагогик маҳоратининг таълим-тарбия ривожига алоҳида ўрни борасидаги қарашлари.
2. Ҳозирги замон педагогикасида илмий педагогик технология унинг моҳияти ва тизими ҳақида.

Мутафаккирлар мустақил дунёқараш, сабр-матонат билан ўтмиш авлодлар билимларини чуқур ўрганиб, ўзлари ҳам меҳнат қилиб турли фанларда янги тушунча ва хулосалар чиқара олдилар. Инсоният тарихи, маданият фани ўзаро алоқадорлигида ўсиб, ривожланиб, бойиб боришини исботладилар. Айниқса педагогика, психология, этика фанларининг мустақиллигига кенг йул очдилар. Таълим-тарбия, мулоқот, одоб-ахлоқ, гуманизм, эстетика тушунчаларини бойитдилар.

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларнинг ижодий меросларида ўқитувчи-тарбиячи маҳорати, устоз-шогирдлик шартларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Абу Наср Фаробий – X аср шарқ фалсафий фикрларининг энг йирик намоёндаларидан бўлиб, ҳаёт, инсон ҳақидаги таълимотни дастлаб яратувчилардан бири саналади. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққиёпарвар ижтимоий, фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи билан боғлиқ бўлган. Фаробий ўз замонаси илмини барча соҳасини мукамал эгаллаган. Унинг асарларида одам шахсининг энг яхши ва олийжаноб хусусиятлари, кишилар ҳаётида адолат ўрнатилиши, яхшилик, ақлий камолатга эришувчи инсон ҳақида фалсафий фикрлар ифода этилган.

Мутафаккирларнинг фикрларига эътибор беринг

XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Хожиб ҳам ўз ижодида илм аҳилларини, устозларини улуғлайди. «Қутадғу билиг» асарида илм аҳли улуғланади. **Унинг ёзишича:**

Тағин бир тоифа донишманд доно,
Улар илми элга машоал доимо,
Эъозла уларни то бор имконинг,
Билимларин ўрган токи бор онинг.
Булардир ҳақиқат таянч тиргагинг.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашлари прогрессив мазмун касб этади. Мутафаккирнинг гуманист қарашларида ростгуйлик билан адолат химмага эга бўлган сифатлардир. Олим хулқларни яхши ва ёмон хулқлар деб 2 қутбга бўлиб кўрсатади. Унинг фикрича яхши хулқлар-ростгуйлик, адолат, мардлик, ботирлик, химмат ва шу кабилардир. Бу ҳақида у шундай дейди: ҳамманинг табиатида адолат бевосита севимли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби ростгуйлик ҳам шундай, лекин ростгуйликнинг ширинлигини татимаган ёки ширинлигини билса ҳам, тотишни истамайдиган киши уни севмайди.

Умар Хайём – ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, нодир поэтик асарлари-рубойлари билан оламга машхур бўлди. Шоир ўз рубоиларида олам сирлари ҳақида фикр юритди, зўравонликни, жаҳолатни, риёкорликни фош этди, шахс эркинлигини куйлади. Умар Хайём инсонни улуғлади, дунёдаги энг олий мавжудот сифатида қўллади.

Умар Хайём кишиларни аҳиллик ва дўстликка, иттифоқликка чақиради, ҳар қандай мушкул ишни ҳал қилишда иттифоқлик, дўстлик жуда катта куч эканини қайта-қайта таъкидлайди.

Шарқ мумтоз маданиятининг бутун дунёга машхур намоёндаларидан бири Саъдий Шерозий таълим-тарбияда муаллимнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қаттиққўллик бўлишининг тарафдори бўлган.

«Гулистон» да устоз шогирд муносабатига оид ҳикоят келтирилади. «Бир одам кураш саноатида зўр маҳорат қозонди, у 300 хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб курашар эди. Шогирдларидан бирига 299 хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатмади. Устознинг ҳурмати билмаган шогирд устоздан ҳам устунлигини айтиб мақтанади. Бу сўз подшога ёқмайди. Улар кураш тушмоқларини буюради. Устоз охириги хийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз ҳурмати билмаган шогирд эса халойиқ ва подшоҳнинг нафратига учрайди».

Муаллим – устозга нисбатан ҳурматда бўлишининг ифодаси шуки, шогирд муаллимдан олдин юрмаслик унинг ўрнига бориб ўтирмаслик лозим. Машғулотлар давомида ўқувчилар муаллимдан узоқ бўлмасинлар, улар ораси ўқ-ёй оралиғида бўлсин, мана шунда илмга интилувчиларни ўз устозларига ҳурмати маълум бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз ҳуқумронлиги даврида илм аҳллари, муаллимларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига уларнинг ўрни муҳим деб билади. Кўплаб мадрасалар очади, уларга муаллим ва муддарислар тайин этади. Ўзининг устозларини ҳам жуда қадрлайди.

Алишер Навоий ижодида ҳам устоз масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар, муддарислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон мутассиб жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маолумоти ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Масалан: «Махбуб ул қулуб» асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларни ўта қаттиққўл жоҳил ва таъмагирликларини қоралайди. Дарҳақиқат жоҳил муаллимлар гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларнинг азоблашга, калтаклашга ўрганган. Ғазабли, қоши чимирилган, гуноҳсизлар билан аччиқланишга одатланган. Уларнинг кўпчилигида кўнгил каттиқ қўллиги ва таъб хасталиги ошкор. Шу жиҳатдан олганда болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллик қилса арзийди, шунинг учун ҳам Алишер Навоий ёзади.

Ҳақ йулида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганч ила.

Хусайн Воиз Кошифий ўз асарларида усто-шогирд муносабатларига кенг тўхталади: «Агар шогирдликнинг биниси нимани устига қурилади деб сурасалар ирода устига деб жавоб берган. Агар ирода нима деб сурасалар самоо ва тоқатдир деб айтгин. Агар самоо ва тоат нима деб сурасалар нимани устоз айтса уни жон қулоғи билан эшитиш, чини билан қабул қилиш ва вужуд аозолари орқали амалда адо этишидир деб айт». У шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатади:

1. Биринчи бўлиб салом бериш.
2. Устознинг олдида оз гапириш.
3. Бошни олдинга эгиб туриш.
4. Кўзни ҳар томонга югуртирмаслик.
5. Гап сўрамоқчи бўлса олдин устоздан ижозат олиш.
6. Устоз жавобига эътироз билдирмаслик.
7. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.
8. Ўтириб туришда ҳурмат сақлаш.

Кошифий устозлик шартларини ҳам кўрсатади. «Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса ул ишни асоси мустаҳкам бўлмагай».

Машҳур алломанинг фикрларидан шу нарса кўриниб турибдики, ўқитувчилик ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб деб ҳисобланган ва унга жуда катта аҳамият берилган. Шундай экан бугунги кунда ҳам ўқитувчига ҳурмат билан қараш лозимлигини талаб қилинади. Албатта бунда ўқитувчининг ўзи ҳам жамиятда қандай муҳим вазифани бажараётганлигини тушуниб олиши ва ўз қадр қимматини яхши билиб ишлаши зарур. Ўқитувчи соф виждонлиги, ишчан, саботли, ўқувчиларга ўзи сингдириш лозим бўлган фазилатларга жонли намунаси, кенг маълумотли ва меҳнатсевар киши бўлиши лозим. У ўз ишини беҳад севиши, ўқувчиларга бамисли оталардек муомала қилиши, уларда билимга ҳавас туғдириши зарур. Ўзи намуна кўрсатиб ўқувчиларни ўзига эргаштириш ўқитувчининг энг биринчи вазифасидир.

ДОЛЗАРБ
МУАММОЛИ САВОЛ

Инсоният тинимсиз ривожланиб бормокда. Ана шу ривожланишга ҳамоҳанг бўлиш, тараққий этган давлатлардан ортда қолиб кетмаслик бугунги куннинг долзарб масаласидир. Янги техника ва технологияларни кимлар бошқаради?

Ана шу бошқарадиганларни кимлар тарбиялайди. Ким билим ва кўникма беради?

КУТИЛАДИГАН ЖАВОБ

Бу саволларга жавоб эса битта бўлади – **Ўқитувчи, устоз, муаллим**. Ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ниҳоятда муҳим. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз билимларини болаларга ўргатиш учун тайёрланиши, ўқимишли киши бўлишининг ўзигина кифоя қилмайди. У аввало болаларни севиши, ўзини болаларнинг отасидек ҳис қилиши ҳамда уларнинг тарбияси ва ўсишига оид бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзининг вазифаси деб билиши керак. Чунки бола ўз табиати билан фаол кучга эга. Ўқувчиларга бу кучларни машқ қилдириш учун зарур бўлган материални бериш ўқитувчининг вазифасидир.

Ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнагандагина болаларда ташаббускорликларни ўстириши ва уларни билимлар билан қуроллантириши мумкин. Ўқувчиларни ўқитиш жараёнида пухта ишланган ўқув режаси ва яхши дарслик таълим мазмунини такомиллаштиришнинг асосини ташкил этади.

Дарҳақиқат, таълимнинг муваффақиятли бўлиши дарслик, ўқитиш методлари ўқитувчига боғлиқ. Яхши ўқитувчи ўз фанини мукамал эгаллаб олган бўлиши, касбини ва болаларни севиши керак.

Ўқитувчи тарбия ишида болалар мураббийсидир. Ўқитувчи иши бошқа ишларга қараганда кўпроқ доимо ҳайратланиш ва завқланишни талаб қилади. Ташқаридан қараганда ўқитувчининг роли оддий ва содда, бироқ у ўз меҳнатининг юксак ижтимоий аҳамиятини тушуниши лозим. Ўқитувчиларга доимо зўр ҳурмат ва ғамхўрлик билан қарашга ҳамиша эътибор бериш зарур. Чунки ўқитувчи бирор фандан дарс берибгина қолмай, балки тарбиячи ҳамдир. У ўз касбини севиши, тарбия ишига зўр маъсулият билан қарашли, маълумотли бўлиб педагогика билан психологияни билиши, педагогик маҳоратга, педагогик одобига эга бўлиши лозим.

1. Йўналтирувчи савол:

Таълим-тарбия берувчиларни қандай ном билан атаيمиз?

Устоз

Таълим-тарбия олувчиларни қандай ном билан атаимиз?

Шогирд

Педагог
Муаллим
Ўқитувчи
Мураббий
Тарбиячи
Домла
Отин ойи
Пир

Ўқувчи
Тарбияланувчи
Сабоқ олувчи
Тингловчи
Мурид

Савол:

Уларнинг – **фаолияти**
-махорати
-жамиятдаги ўрни

Жавоб:

фаолияти

↓
Ўқувчи ва ўқитувчининг
дарс ва дарсдан ташқари
вақтида олиб борган
таълим-тарбиявий
иши.

Махорати:

↓
Тажриба, етуклик
Сифат.

Жамиятдаги ўрни:

Кекса авлодлар тажрибаларини ёш авлодга етказишда, жамиятга ҳар томонлама етук инсонларни етиштириб беришда асосий шахслар ҳисобланади.

Хулоса: Ўқитувчилик касби ниҳоятда машаққатли, сердиққат ва ўз навбатида мароқли ва шарафли касбдир.

Ўқитувчи болани етаклаб, тарбиялаб шахсга айлантиришдек мураккаб ва машаққатли вазифани бажаради.

Мустақил Ўзбекистонни келажаги равнақи йўлидаги ишларда ўқитувчи педагог энг фаол кишидир.

Бош қотирма

Ўқитувчи	Кузатувчан адолатли меҳрибон теран ақлли ростгўй	бўлиши керак
----------	---	-----------------

МУЛОҲАЗА
УЧУН САВОЛ

интилувчан
назокатли.

1. Вақт ўтган сари зарурий деб олинган ўқитувчи сифатлари ўзгарадими ёки ўзгаришсиз сақланиб қоладими?
2. Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги нимага боғлиқ?

ЎҚИТУВЧИ ХУЛОСАСИ

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўллари, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга таяниб, ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўқув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади.

Хотирангизни чарҳланг:

1. Кимга қандай насиҳат қилсанг, .. (давомини топинг)

2. .. аввало ўзи ҳар томонлама баркамол бўлмоғи шарт.
(бошланишини топинг)

Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон

аввало, ўзинг шунга амал қил

Фикрларни тўлдириб муаллифни аниқланг.

═══════════════════════➔ И.Каримов

═══════════════════════➔ Ибн Сино.

13 маъруза

Тема: Касб-хунар ўқув юртларида махсус фан ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти

Режа:

1. Илмий тажрибани ўрганиш бўйича технологиялар

2. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги субардинация қандай бўлиши керак

Педагогик жараёни ташкил этишда талаба ва ўқитувчининг муносабати ҳам турлича бўлиши мумкин.

Илмий тажрибани ўрганиш бўйича: Гештальт технология, Бихеивиористик ривожлантирувчи каби технологияларни ажратиш мумкин. Бихеивиористик технология – (Э. Торондайк, Д. Уотсон, В.С. Диннер ва бошқалар) бу назариянинг умумий кўриниши қуйидагича: Стимул-реакция-мустаҳкамлаш. Стимул – кўзгатувчи, реакция – фаолият, мустаҳкамлаш – баҳолаш ва рағбатлантириш. Улар ўзлаштириш механизми мана шу кўринишда вужудга келади деган фикрни олдинга ташлайди. Бунда талабанинг муносабати ва ҳиссиётлари ҳисобга олинмайди ва талабанинг онглилик масаласига кам эътибор қаратилади.

Гештальт технология – (М. Ветмеймер, Г. Мюллер, В.Келер) талабанинг қабул қилишига, идрок қилиш рефлексини ўрганишга асосланган, янги мавзунини ўзлаштириш ёрқин фрагментлардан ва якуний фикрлардан ташкил топиш назарда тутилади. Идрок ва диққатга қаратилган технологиялардир. Талабанинг қабул қилиш хусусиятларини ва диққатнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш зарур эканлигини таъкидлайди ва шу асосда ўзлаштириш технологияларини яратади.

Ривожлантирувчи технология. В.В. Давидов, Д. Б. Эльконин ғояси.

Асосий мазмуни - назариянинг амалиётдан устунлиги ва мазмуний умумлаштиришлардан фойдаланиш, мантиқий боғлиқликлар ва гуруҳлаш системалаштиришдир. Умумийдан яккага қараб ҳаракатланиш. Мавжуд билимлардан янги билимларга қараб ҳаракат қилиш, яъни бор бўлган ассоциациялар асосида янги ассоциацияларни вужудга келтиришни назарда тутди. Талабанинг тушуниши осон бўлган билимлардан узоқроқ ва мураккаб билимларга қараб ҳаракатланишни тавсия этадилар (область ближайшего развития). Соддадан мураккабга қараб изчил ривожланиш ўзаро боғлиқликларга амал қилиш талаб этилади.

Суггестив технология. Эмоционал, ёрқин таасурот, ишонтириш, қизиқтиришга йуналтирилган. Талаффуз, мимика, гипноз, авторитетдан фойдаланиш кабиларга асосланади. Ҳис–туйғуларни уйғотишга қаратилган. Ўзлаштириш жараёнида инсоннинг нафақат онги, балки ҳис-туйғулари ҳам иштирок этишини ва ўзлаштириш жараёнида ҳиссиётларни уйғотиш билимларнинг фақат онг билан эмас, балки қалб билан ҳам англаб етишига ёрдам беришини таъкидлайдилар. Фақат онг билан қабул қилинган билимлар қуруқ ва юзаки бўлади деган фикрлар асосида ўзларининг ўзлаштириш технологияларини яратадилар. Улар ҳар бир янги мавзунини ўзлаштиришда образлардан фойдаланиш, ҳиссиётларни уйғотиш ва ҳар бир талаба ана шу ҳисларни сезишини таъминлашга эътибор берадилар.

ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги субардинация қандай бўлиши керак?

Педагогдан ўз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш маҳорат тақозо этади. Сўзлашишда мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориши лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сўзлашишни билиши, суҳбат, лекция, хикоя

қилиш каби усулларидадан фойдаланиши, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан мулоқотни йулга қўя олиши лозим.

Мулоқот – юнонча сўз, сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва фикр олишув, оғзаки нутқ шакли икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўзлашувидир.

Педагог билан ўқувчи ўртасидаги мулоқот бўлиши учун педагогда етарли даражада қобилиятга эга бўлиши керак ҳамда ўз - ўзига доимо қуйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга ҳаракат қилиши керак:

Нимага ўргатиш, кимни ўргатиш, қандай ўргатиш.

Нимага ўргатиш:

а) илм – фандаги янгиликларни англаш, янги фан тушунчаси тушуниш, ўқув предметини тўлиқ узлаштириш;

б) малака, куникма ва қобилиятни шакллантириш;

в) ўқув предметлари уртасидаги боғлиқликни амалга ошириш;

г) ўқув мазмунини тушунарли тизим асосида куриш.

Кимни ўргатиш:

а). ўқувчиларни баҳзи психик хусусиятларини (эслаб қолиш, нутқи, фикрлаш...) ҳамда уларни қай даражада уқимишли, тарбияли эканликларини аниқлаш;

б). ўқувчиларнинг бир даражадан иккинчисига утишдаги кийинчиликларини олдиндан аниқлаш;

в). ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқувчиларнинг далиллари, фикрларини ҳисобга олиш;

г). ўқувчилардаги турли психик узгаришлар ва ривожланишни ҳисобга олиб, ўз педагогик меҳнатини ташкил этиш;

д). иқтидорли ўқувчилар билан ҳам ишлаш, яққа холдаги ишни ташкил этиш.

Қандай ўргатиш:

а). Иш жараёнида ишлатиладиган куч ва кетадиган вақтни ҳисобга олган холда ўқитиш ва тарбиялашнинг турли усуллари мажмуини ишлатиш.

Педагогик таъсир курсатишнинг асосий усуллари, бу талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик.

Рағбатлантириш ва жазолаш-ўқувчиларни хулқ-атворида тузатиш киритишни, яъни фойдали хатти-ҳаракатларни қушимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номаҳқул хатти-ҳаракатларини тухтатишни таҳминлайди.

Жамоатчилик фикри – тарбияланувчиларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини гоят ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таҳминлайди.

Талаб-педагогик таъсир курсатишнинг бошланғич усули булиб, тарбияланувчиларда ўзига нисбатан маъсулият ва талабчанликни рағбатлантиришда алоҳида вазифани бажаради.

Ўзаро фикр алмашиш билан таъсир курсатиш воситалари: ишонтириш, таъсир қилиш, узаро фикр алмашиш билан таъсир курсатиш.

Ишонтириш педагогик таъсир курсатиш усули сифатида дарсларда ўқув ахбороти, ижодий суҳбатлар, мунозаралар шаклида қулланилади. Тарбиявий ишда

гурухий ва якка суҳбатлар, мунозаралар, сийсий ахборотлар шаклида кулланилади.

Таъсир қилдириш киши психикасига назоратсиз кириб, унинг фаолиятида хатти-ҳаракатлар, сабаблар, интилишлар билан амалга оширилади. Таъсир қилиш-шундай бир психик таъсир кўрсатишки, киши уни онгининг етарли назоратсиз идрок этади.

а). Педагогик вазиятларни таққослаш ва умумлаштириш, усулларни куйиш;

б). Ўқувчиларга якка индивидуал холда муносабатда булиш, уларни мустакил ишларини ташкил этиш.

Педагог ўқувчилар билан буладиган мулоқотида куйидаги малакаларни эгаллаган бўлиши лозим: ташқи қиёфани назорат қилиш нутқни эгаллаш, педагогик муносабат маданиятини эгаллаш, ташкилотчилик маҳорати, ўқув тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаш.

Муносабатларни бошқариш услублари:

1. Авторитар услуб.
2. Демократик услуб.
3. Либерал услуб.

1. Авторитар услуб.

- Узи якка холда гуруҳ фаолиятини йуналишини белгилайди.
- Узи курсатма-буйрук беради.
- Жавобгарликни уз буйнига олади.
- Сўзсиз буйсунишни даҳво этади.
- Каттик интизомни талаб этади.
- Айтилган нарсани тўлиқ бажарилишини талаб этади.
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: буйрук, кўрсатма бериш, кўлланма билан ишлаш, хайфсан эҳлон қилиш.
- Муомалага кўпол, дагал, дўқ-пуписали мажбур этиш, кўрқитиш, чўчитиш орқали киришади.
- Авторитар услубнинг ижобий томони фавкулодда вазиятлар ишлатилиши (ёнгинда, сув тошқинида)

2. Демократик услуб.

- Жамоа фикрига таяниб иш олиб боради.
- Жамоа фикрини, ташаббусини маҳқуллайди, ривожлантиради, бошқалар фикрига хурмат билан қарайди.
- Бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади.

3. Либерал услуб.

- Ташаббуссиз жамоа ишига аралашмайди, ҳамма масалаларни юзаки караб чикади. Узининг фикри йук, жавобгарликдан узини четлатади. Иш натижаси билан кизикмайди.

- Ўқувчиларга эътиборсизлик билан, бегам қарайди.
- Ўз ишига совуққонлик билан қарайди.
- Қўрқув орқали муносабат - диалог ва монолог

Инсон ўзини қуршаб олган олам билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати, одамлар ўртасидаги ижтимоий ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида топадиган муносабатлар тизимида юз беради. Кишилар иш жараёнида табиат билангина эмас, балки бир-бирларига ҳам ўзаро таъсир кўрсатадилар.

Педагогик маҳоратга педагогик билимлар билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малака ҳам киради. Улар тарбияга озроқ куч сарфлаб, кўпқатталиқ натижаларга эришиш имконини беради. Ҳар бир мохир педагог шахсни шакллантириш билан боғлиқ бўлган, мазкур масалаларни ҳал қилиши лозим. Педагогдан куч - ғайратни, қатъиятни, тиришқоқликни, тадқиқотлар олиб боришга интилишини, янги вазиятга, янги жамоага кириш қобилиятини, самимиятни, тўғрилиқ ва ҳалолликни, ўтқир ақл-идрокни, бир воситани бошқаси билан текшириб куриш малакасини талаб қилинади. Педагогик маҳорат ўзига ўқувчилар ҳақидаги, таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни камраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади. Педагог бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт чинакам уста бўла олмайди. Замонавий педагогга биргина умумий маданиятининг узи кифоя қилмайди. У ўқувчиларни қузатиш, уларнинг устидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган, асосий ижтимоий гоялар билан таккослаш, уларни ривожлантириш йуллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар тарбиявий таъсир қуратиш усулларининг ўзаро бир-бирига утиши диалектикасини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир системага солиш малакаларига эга бўлади.

14 маъруза

Тема: Педагогик фаолият тизим сифатида. Педагогик фаолиятнинг таркибий қисмлари

РЕЖА:

1. Педагогик фаолият драматургияси ва режиссураси.
2. Актёрлик психо-техникасининг амалий усулларини эгаллашнинг зарурлиги.
3. Хотира, диққат ва ҳаёлни машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми.

Тарбиявий жараён ижодкорликдан иборатдир, лекин у педагогик вазиятни таҳлил қилиш маҳоратида ҳам, болалар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилишда ҳам намоён бўлади. Тарбиячи ижодкорлигининг ўзига хослиги шундан иборатки, у ижодий фикрини ўз шахси орқали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда,

педагогикада ижодкорнинг шахси билан ижодкорлик қуроли (воситаси) бир-бирига мос келади бунда тарбиячининг ўз-ўзини намоён қилиши жуда катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан ўқитувчи нинг фаолияти бир қатор хусусиятлари бўйича актёр, режиссёрнинг бадиий-ижодий фаолиятига яқиндир.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, театр ижодкорлигида ва педагогик таъсир кўрсатишда, яъни педагог билан болаларнинг бевосита ўзаро ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳисси ўзаро фикр алмашиш соҳасида кўпгина умумий томонлар бор. Тарбиячи пировард натижада педагогик таъсир кўрсатиш драматургиясини ишлаб чиқади, уни ривожлантириш соҳаларни белгилайди, тарбиявий таъсирлар режасини тузиб чиқади, бу режа у ёки бу тарбиявий сюжетни режиссиорона кўришни назарда тутаяди, ниҳоят, педагогнинг ўзи тарбиявий ғоялар ва йўл-йўриқларнинг фаол "узатувчиси" бўлиб майдонга чиқади. Бу иккала ижодий жараённи муомала ва ўзаро фақат бир-бирига яқинлаштиради. Улар ҳам театр ижодкорлиги ҳам, педагогик ижодкорликнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Шу билан бирга киши шуни аниқ билиши керакки, бу фаолият турларидаги ўхшаш қисмлар чуқур ўзига хос қисмлар сифатида намоён бўлади, бунга сабаб аввало шуки, бу ижодий жараёнларнинг ўзи, тузилиши ва вазифаларига кўра айнан ўхшашдир. Гап театр ижодкорлиги назариясидан, хусусан К.С.Станиславский системасидан педагогик таъсир кўрсатиш маҳоратини оширишда фойдаланаш имкониятлари ҳақида бормоқда. Масалан, жараённинг ҳиссий соҳасини таҳлил қилиш борасида театр педагогикаси томонидан тўпланган бир мунча тажриба асосида ўзаро фикр алмашиш амалга оширилади ва бу тажриба педагогнинг ижодий меҳнатига ўхшаш жараёнларни тушуниш фойдалидир, бу эса тарбиявий маҳоратни самарали эгаллашга ёрдам беради.

Театр фаолияти ва педагогик фаолияти мақсаднинг ўхшашлиги ҳам яқинлаштиради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мақсад кишига таъсир кўрсатиши ва кишида муайян кечинмалар вужудга келтириш сифатида белгиланиши мумкин. Театр ва педагогик фаолият бир хилда эканлигининг учинчи кўрсаткичи таъсир кўрсатиш қуролининг умумийлигидир. Ҳар иккала ҳолда ҳам педагог билан актёрнинг ўз психофизик табиати ана шундай қурол вазифасини бажаради.

Педагогик фаолиятда педагогик йўналиш ҳосил қиладиган ва бир-бирига таъсир кўрсатадиган қобилиятларнинг алоҳида бир таркиби вужудга келади. Бу жиҳатдан А.С. Макаренконинг шахси диққатга сазовордир. Бу шахс ўзида педагогик, адабий, актёрлик, мусиқий ва тасвирий қобилиятларнинг ўзаро таъсирини гавдалантиради. Мазкур қобилиятлар умуман Макаренко шахсининг педагогик йўналиши оқимида амалга оширилади. Антон Семеновичнинг беқиёс қобилиятга эгаллигини кўп кишилар кўрсатиб ўтадилар, хусусан, уни овозни, ифодали, имо-ишорани эгаллаш маҳоратини, ўзини идора қилиш маҳоратини таъкидлайдилар.

Театр фаолияти билан педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқаларига доир масалалар А.С.Макаренконинг ўзини ҳамиша қизиқтириб келган. Булар ҳақида педагогнинг машҳур фикр-мулоҳазалари бўйича ҳам, камроқ машҳур бўлган мемоар материаллар бўйича ҳам хулоса чиқариш мумкин. Масалан, ўз вақтида Харьков рус драма театрнинг бош режиссеёри бўлган ва А.С.Макаренконинг дўсти

Н.В.Петров унинг ҳақидаги кўпгина эсдаликларида, бизнинг суҳбатларимизда театр ва педагогик муаммолар доимо бирлашиб кетарди, деб таъкидлайди.

А.С.Макаренконинг бадиий-театр зиёлилари билан яқиндан танишуви унинг педагогик фаолиятнинг ҳиссий-ижодий табиати моҳиятини тушуниб этишга ҳам тегишли таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасдир. Шуниси диққатга сазоворки, Макаренко бошловчи педагоглар билан этюд ишлари олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирган ва бундай ишни ўз коммунасида ўтказган эди. Макаренконинг этюд ўтказиш амалиётларини таҳлил қилиб, К.С.Станиславскийнинг театр мактаби таъсирини беихтиёр ҳис қиласиз. Икки буюк педагог ижодкорнинг ижодий табиатини ривожлантиришни ўз мақсадлари деб билдилар, шунинг учун ҳам режиссёр Н.В.Петров ўз вақтида К.С.Станиславский билан А.С.Макаренконинг педагогик концепцияларини таққослаб кўрсатган эди.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, А.С.Макаренко актёрлик ва педагогик қобилиятларининг ўзаро сингувчанлигини бир неча бор кўрсатиб ўтар экан, табиийки, бу икки мустақил ижобий жараёни айни бир хил нарса демаган, Лекин ижодкорликнинг мазкур турларида ижодкор шахсига оид талабларда мавжуд бўлган умумийликни пайкаган эди. У тарбиячининг педагогик маҳоратини шакллантириш ҳақида гапириб ва жараённинг ҳиссий-ижодий жиҳатлари аҳамиятини таъкидлаб: "Бунда ўқув нимадан иборат эди? Аввало педагогнинг феъл-атворини ташкил этишдан, унинг ҳулқ- атворини тарбиялашдан, кейин эса унинг махсус билимлари ва маҳоратини ташкил этишдан иборат эдики, бўларсиз бирортаси тарбиячи яхши тарбиячи бўла олмайди, ишлай олмайди. Чунки унинг овози яхши йўлга қўйилган эмас ...Юз ҳаракатларини яхши эгалламаган, ўз юзига зарур маъноларни бера олмайдиган ёки ўз кайфиятини ушлаб туролмайдиган киши яхши тарбиячи бўлиши мумкин эмас... Мен шунга аминманки, келгусида педагогика олий ўқув юртларида овознинг қуйилиши ҳам, гавданинг тутиши ҳам, ўз аъзоларини бошқариш ҳам ўз юзини эгаллаш ҳам ўқитилади бўларсиз мен тарбиячининг ишини тасавур қила олмайман" -деган эди.

Шу билан А.С.Макаренко: мен актёрлик ва педагогик фаолиятни асло айни бир хил нарсанинг шунчаки ҳар хил кўринишлари деб тушунмайман, деб таъкидлайди. У актёр меҳнатининг ўзига хослигини, эстетик йўналишини чуқур англаб қуйидагича ёзади: "Агар биз театрға бориб яхши ўйнайдиган актёрлардан завқлансак, у ҳолда бу опера бизнинг эстетик завқимизга айланади, бу ерда эса тарбияланувчи ўз олдида худди шундай тирик жонни, ўйнамайдиган, балки тарбиялайдиган инсонни кўриб туради."

Шундай қилиб театр ва педагогик фаолият мазмун (ўзаро фикр алмашиш) ва восита белгилари жиҳатдан (ижодкорни шахси ва унинг психофизик табиати таъсир кўрсатиш воситаси сифатида) бир бирига яқин бўлиб, бир қатор умумий жараён хусусиятларига эгадир, бу хусусиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- театр ва педагогик ижодкорлик жараёни у бевосита иштирокида оммавий сўзга чиқиш вазиятида амалга оширилади;

- театр ва педагогик фаолият ўзига хос хусусиятларига кўра ўзи таъсир кўрсатадиган объектни айни вақтда ижод субъектига, шерик ижодкорга айлантиради, унинг фаол иштирокисиз ижодкорлик ишининг ўзи бўлмайди;

- кўпгина фаолият турларидан фарқи ўлароқ, актёрлик ва педагогик ижодкорлик асосида бунинг учун ажратилган муайян вақт давомидаги ижодкорлик этади, у ижодкордан (ўқитувчи, тарбиячидан) ўз руҳий ҳолатини бошқаришда тезкорликни ва ижодий кайфиятни айна дақиқада кўзгатишни талаб қилади;

- театр ва педагогик ижодкорлик натижалари жўшқин бўлиб, ривожланиб, ўзгариб боради, бошқача қилиб айтганда, ҳамиша жараёндан иборат бўлади;

- театр ва педагогик ижодкорлик жамоа тусда бўлади. Тарбиявий жараён пировард натижада иккита йирик босқичдан: тарбиявий мақсад ва уни амалга ошириш жараёнидан ташкил топади. Шунинг учун биринчи босқичда ҳам, иккинчи босқичда ҳам айнан ўқитувчи нинг театр-таъсирчанлик қобилиятлари муҳим рол уйнайди. Хўш, бу нарса нималарда намоён бўлади?

Тарбиявий жараён фаолиятдир, мана шунинг учун ҳам буни режалаштиришда кишининг ўзаро ҳамкорлиги қонунлари ҳисобга олиниши лозим. Фаолиятга ўқувчиларни кўшиш йўлини тутиш керак. Шундай қилиб тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштириш босқичидаёқ, педагогик драматургия амалга оширилиши мумкин. У педагогик ҳаракатнинг ўзига диалектиклик, жиддийлик бағишлашга ёрдам беради. Педагог дарс ва ҳар қандай тадбир системасида тарбиявий таъсир кўрсатишни режалаштирар экан, уни аниқ одамларга йўналтиради. Демак, умуман жамоага, хусусан ҳар бир жамоага нисбатан бўлажак педагогик фаолият учун зарур тарбиявий-сюжетли вазият яратади. Маълум маънода дарс-бу ўзига хос педагогик пьеса бўлиб, унда ўқитувчи сценарий муаллифи сифатида, муносабатлар драматургиясини барпо этадиган ва уни бошқарадиган киши сифатида намоён бўлади. Тарбиявий жараён ҳар бир катнашчисининг фаолиятдаги ўрнини белгилаб беради, аниқ илмий-педагогик мақсад асосида вужудга келган пьеса қийин кечиши лозим бўлган янгидан-янги педагогик вазиятларни вужудга келтириб туради.

Шундай қилиб педагогик фаолият-бу тарбиячининг педагогик жиҳатдан тан олинган, режалаштирилган ёки тайёргарлик кўрилган ҳатти-ҳаракати бўлиб, у вазиятни ёки бола шахсини ўзгартиришга олиб келади. Педагогик фаолият аниқ мақсадга қаратилганлиги ва айна вақтда полионизм (кўп овозлиги), вазият ва тарбияланувчи шахсининг ўхшашлиги билан фарқ қилиши, жўшқин, самарали, ўзгаришлар киришга лаёқатли бўлиши, шахслараро муносабатлар системасига мувофиқ келиши керак.

2. Бўлажак педагогнинг актёрлик психотехникасининг амалий усулларини ўрганиш. Ўқитувчи фаолиятининг тузулиши бўлажак педагогнинг ташкилотчилик-бошқарув кўникмалари ва малакаларига маълум талаблар қўяди, шу муносабат билан уни актёрлик ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмлирига ўргатиб бориш зарурати ортади.

Ҳаракат, диққат, органика, мушаклар эркинлиги, хаёл, муомала, қилиш, тўппа-тўғри ҳаракат бўлар буюк театр педагоги К.С.Станиславский системасининг асосий тушунчалари бўлиб уларни бўлажак ўқитувчи ҳам ўзлаштириб олиши фойдалидир.

К.С.Станиславский режессурасининг насиҳатларидан бири "ишлаб чиқаришга доир ҳаракат ҳар қандай мажбурийликни ташаббусга айлантиришдир". Бу усул ўқитувчи нинг ўзининг жиддий ҳиссий фаолиятига ва ўқувчиларга нисбатан

жаҳлдорликдан, асабийликдан, салбий ҳиссиётлардан қутқаради. Бироқ ижодий руҳланишни жазавадан иборат қўпол ҳазил билан чегараланувчи ортикча ҳиссиётга берилишдан фарқ қилиши керак, ўқитувчи нинг бундай "ёниши" бекорга кетади, у ўқувчиларни ёндирмайди, чунки "томошабиннинг идрок этиши" оширилган танусга ва ҳиссиётларнинг "қизишига" нисбатан тескари мутаносиблик қонунига эгадир. "Ибтидоий-бебош нарсаларни эмас, балки доимо босиқ, дипломатик темпераментига яқин бўлган нарсаларни афзал кўрамиз",- деб ёзган эди театр педагоги ва режиссёри Ю.Мочалов.

Е.Вахтанговнинг маслаҳат беришига кўра, масалан, актёр билан режиссёр, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида "ишқий муносабатлар бошланиши учун ўқитувчи дарсни энг қизғин сахналалардан бошлаш кераклигини" билгани фойдалидир. Фазовий ҳис билан бир қаторда вақтни ҳис қилиш режиссёрнинг асосий касбкор фазилати бўлиб, у педагог учун ҳам муҳимдир. Гордон Крег айтган театр режиссураси шиори ўқитувчи нинг синфдаги тежамли ва бетараддуд хулқ-атворини ҳаммадан яхшироқ тушунтириш учун калит бўлиб ҳисобланади.

Соф ён томонни тадбиқ этиш имконияти чекланган, чунки у аудиторияни кўздан кечириш нуқтаи назардан жуда ҳам яроқсиздир, лекин муозанат вазифаларини ҳал қилиш учун яроқли (худди шунингдек бурилишида ярим эгилиб тўхташ каби), масалан, қотиб тургандай кўриниш, шунингдек, субъект ниятларининг яширинлиги сезгисини билдириш учун яроқлидир.

Жисмоний ҳаракатлар усули К.С.Станиславский системасининг асосий қисми ҳисобланади. У опера-драма студиясидаги ўз шогирдларига қуйидагиларни айтганлиги (1935 йил ноябрдаги суҳбатнинг стенограммаси) бежиз эмас: "Кимда-ким кичик жисмоний ҳаракатларини бажарса, у системанинг ярмини билган бўлади".

Жисмоний ҳаракатларини бажаришни "ҳаракатга созлаш"дан ва "мускул сиқилишларига барҳам бериш" усулидан бошлаш зарур.

"Созлаш" га қуйидагилар киради: талабанинг ички ихчамлиги, уюшқоқлиги, шеригини тирсагини ҳис қилиб туриши, ўқув ва ижодий иш жараёнига фаол киришишга ҳозирланади.

"Ҳаракатга созлаш" учун материалга бўлиб, ўқув жараёнининг ўзи хизмат қилади: педагогик пайдо бўлганда у билан тик туриб саломлашиш керак, лекин шовқин солмай, уюшқоқлик билан жўшқин тез айни вақтда осон ва ёқимли саломлашиш керак. Сўнгра талабаларга бир жойдан иккинчи жойга шовқинсиз ўтиш, мебелни қайта қуйиш, ярим доира бўлиб икки қаторга ўтириш, ўз стуллари билан бирга жойларини алмаштириш ва ниҳоят, бўларнинг ҳаммасини кўзни юмиб амалга ошириш таклиф қилинади.

Бу хилдаги машқлар талабаларни интизомли қилади, шовқин солмаслик ва жисмоний ҳаракатларини кўзни юмиб бажариш, дарснинг расмий-ички вазиятини эмас, балки бир қадар сирли ғайритабиийликни вужудга келтиради. Сўнгра "созлаш" мураккаблашади: ҳаммани ҳам бир вақтда ўрнидан туриб, тўғри доира ҳосил қилиши, бир вақтда ўтириши, барча ишни жимгина бажариши, кейин ҳамма нарсани мусиқа овозлари жўрлигида турли суръатда ва ҳаракатлар хусусиятини ўзгартириш билан амалга ошириш керак.

Сўнгра ўқувчи гуруҳининг ҳар бир аъзосига "жисмоний ҳаракатларини бажаришга созлаш" сифатида ўз ҳоҳиши бўйича қўшиқ айтиш таклиф этилади. Бу ҳол талабаларни "ёрқин қилади". Топшириқлар мураккаблаштирилади, бундан мақсад топшириқларни бажаришга доир турли анализаторларни (кўриш, эшитиш анализаторлари, уларнинг қўшилишлари ва "жилолари"ни) машқ қилдириш ва созлашдир. Масалан, битта сигнал бўйича овоз чиқариб қўшиқ айтиш иккинчи сигнал бўйича қўшиқни ичида куйлашни давом эттириш, сўнгра хор бўлиб куйлаш, битта сигнал бўйича фикран, иккинчи сигнал бўйича айрим товушларни алоҳида ажратиб қўйлаш керак. Ўзаро ҳаракат қилишга ва диққатни ушлаб тура олишга қаратилган созлаш машқ қилинади.

Баъзан ана шу мақсадларда талабаларга у ёки бу рақамлар қўйилади ва педагогни қарсақ чалиши билан "босма машинка" ишлай бошлайди ёки дам олади.

Асаб жараёнларнинг тезлиги учун мусобақа тариқасида талабалар сигнал бўйича муайян ҳаракатлар мажмуини бажариб кўришлари керак.

Сўнгра мускулларни бўш қўйиш машқларда "нол ҳолат", яъни зўриқишни бўшаштиришдан ажратиб турадиган ҳолат изланади. "Нол ҳолат" ни топиш учун талабалар мускул зўриқиши юқоридан пастга, мускулдан мускулга қараб "кузатиш" машқини бажариб кўрадилар. Уларнинг ҳолатига баҳо бериб, бетараф (холис) сезгиларни излайдилар. Даставвал "нол ҳолат" юздан қидирилади: юз мускулларини "ҳаракатга келтириш", уларни буриштириш, зўриқишига ва бўшашига баҳо берадиган ва нол кайфият изланади.

Кўпгина ўқувчиларда қадам ташлаш (юриш) ва пантамимика бурчаксимон бўлиб, мускулларнинг сиқилиши уларни эркин нафас олишларига ҳалақит беради, улар, айтиш мумкин, худди "хода ютгандек" кеккайиб юришади. Бу ҳолатларга барҳам бериш учун гавда мускулларга ишлов берадиган, нафис қадам ташлаш тавсия этилади.

Қўл мускулларни бўшатиш учун иродани зўриқтириш машқни ҳам бошлаш, кейин бармоқ мускулларни бўшатиш керак бўлади. Бунинг учун олдинига бармоқни зўриқтириш (таранг қилиш), уни мушт қилиб қисиш, кейин елка олди ва елка мускуллари билан ишлаш, сўнгра қўлда оғирликни ва бўшашни ҳис қилишга эришиш зўр, шунда қўл новдадай осилиб туради. Агар қўл мускулларида зўриқиш бўлмаса, у ҳақиқатдан ҳам бўшашган бўлса машқ бажарилган ҳисобланади. Иккинчи қўл билан ҳам, кейин ҳар иккала қўл билан ҳам биргаликда шундай қилиб кўрилади.

Навбатдаги машқ зўриқишни ва бўшашишни алоҳида-алоҳида сезиш машқидир. Масалан, ўнг қўл билан чап оёқ мускулларини бўшатиб, чап қўлни ва ўнг оёқни зўриқтириш мумкин. Талаблар ҳаракатни буриш ва қайтаришни машқ қиладилар, худди мускул қувватини қўл бўйлаб елкадан бармоқ учларига етказгандай бўладилар, сўнгра "у ёққа қара", "йўқол бу ердан" ифодали ҳаракатларини қиладилар. Машқлар онгли ҳаракатларини психологик жиҳатдан "оқлаш" билан етказилади: қўл панжасининг пастдан юқорига кенг ташланиши саломлашиш имо-ишораси, юқоридан пастга ташланиши-бармоққа ёпишган хамирни силкитиш, бармоқларни букиш ва очиш билан бирга қўл панжасини юқорига ва пастга ҳаракат қилдириш-хамирни аралаштириш, бармоқларни шиддат билан олдинга ташлаш-гимнастик қўл ҳаракатлари ва шу кабилардир.

Мускулларни бўшаши "оқлаш" дан ташқари фикрий тасаввур қилиш ва онгли равишда ўз-ўзига таъсир қилиш билан бирга бориши мумкин.

3. Хотира, диққат ва хаёлни машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг уч асосий қисми. Хотирани машқ қилдириш актёрлик психотехникасининг машқ қилдиришнинг машҳур қоидалари ва усуллари асосида амалга оширилади. Маълумки, диққат-психик фаолиятни шундай ташкил этишдан иборатки, унда муайян идроклар, тасаввурлар, фикр ёки ҳис-туйғулар иккинчи планга ўтиб кетган ёки бутунлай англаб бўлмайдиган бошқа идроклар, тасаввурлар, фикрлар ёки ҳис-туйғуларга қараганда аниқроқ идрок этилади. К.С.Станиславский умумий психология тушунчаларига тўла қўшилган ҳолда диққат онгинг муайян объектидаги йўналиши ва жамланиши билан намоён бўлади, деб ҳисоблаган эди. Актёрлик психотехникасини машқ қилдириш таркибий қисмларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Атоқли актёр Михил Чехов "Актёрнинг техникаси тўғрисида" номли китобида диққатни машқ қилдиришга доир қуйидаги машқларни маслаҳат берган эди: "... 1-машқ: Оддий буюмни танглаб олинг. Уни кўздан кечириб чиқинг. Буюмга "қараш" дан қочингда, ўзингиз учун уни ташқи кўринишини тасвирланг. Диққат жараёнини ташкил этувчи ҳамма ҳаракатни ичдан (руҳий)-қилиб кўринг: буюмни қўлга олиб, уни ўзингизга тортинг, унга интилинг, у билан бирга қўшилиб кетишга ҳаракат қилгандай ичига кириг. Бу ҳаракатларини ҳар бирини дастлаб алоҳида-алоҳида, кейин биргаликда қилинг, иккитадан, учтадан ва ҳоказо қилиб бирлаштиринг. Машқни давом этиринг, шуни кузатиб борингки, сизнинг сезиш аъзоларингиз ҳам, гавда мускулларингиз ҳам ортиқча зўриқмасин. Диққатингиз объектини қуйидаги тартибда алмаштиринг: 1-оддий кўринадиган буюм, 2-товуш, 3-одам нутқи, 4-эсга тушган оддий буюм, 5-эсга тушган товуш, 6-эсга тушган одам нутқи (сўз ёки битта ибора), 7-сиз яхши билган, эсга тушган киши образи, 8-пьеса ёки адабиётдан олинган образ, 9-хаёлий мавжудот, манзара, меъморий шакл ва шу кабиларнинг сиз ўзингиз яратган образи. Диққат ва унинг тўртта ҳаракати сиз учун бажариладиган, ягона, маънавий ишга айлангунча машқни давом эттиринг..." Айниқса, бошланишида ўзингизни чарчайдиган даражага олиб борманг. Машқларнинг онда-сонда бажаришдан кўра, уларнинг мунтазамлиги (бир кунда икки уч марта) муҳимроқдир. Вақти-вақти билан дастлабки анча оддий машқларга қайта мурожаат қилиб кўринг".

Ишни диққатга доир вазифалардан бошлаш тавсия этилади. Ўқув хонасида бор бўлган ҳар қандай объектга (қалам, сиёҳдон, кўзгу) эътиборни қаратиш мумкин, зарурий шарт "сахна" га (ёзув тахтаси енидаги шартли жойга) чиқишдир.

"Сахна"га чиқиш ўз-ўзидан бутунлай соғлом талабаларда "сахна саросимаси" ёки ҳаяжонланишнинг бошқа шакллари билан бирга бўлади, талабалар ўзларини йўқотиб қуйиб, объектда диққатларини бир жойга жамлаб ола олмайдилар. Ишчанлик қобилиятлари пастроқ бўлган ўқувчилар билан ишлаш яна ҳам мураккабдир.

Шундай қилиб ўқувчи бир-икки дақиқа ичида бутун гуруҳ олдида "сахна"да турган буюмга (масалан, стулга) кўз югуртириб чиқади ва педагогнинг "бўлди" деган командаси билан ўзи кузатиб бўлган нарсаларни, буюмни ўзи сезган фазилатларини гапириб беради. Ўқитувчи ҳар гал "сахна" га чиққанида аста-

секин, лекин ҳар ҳолда режали, осойишта ва диққат билан ишлай бошлайди: у энди буюмнинг тафсилотларини пайқаб олади ва ҳатто уларни туркумларга ажратади-буюмнинг рангини, шаклини ва у қандай материалдан ясалганлигини, унинг таркибий қисмларини, қаерда туриши ва шу қабиларни айтади. У талабанинг кўриш диққатидан ташқари, эшитиш диққатини ҳам машқ қилдиради: нимани эшитяпсиз, қандай товушлар келяпти, улар қаердан эшитиляпти, уларнинг таркибий қисмлари, турган жойи қандай?

Ташқи буюмларни кўришдан ташқари ички диққатни-уни бирор фикрга ёки муаммога қаратишни машқ қилдириш тавсия этилади, бундан мақсад-уни ҳар томонлама қараб чиқишдир.

Машқларнинг навбатдаги гуруҳи диққатнинг ҳаракатчанлиги ва кўчувчанлигини машқ қилишга қаратилган. Талабалар аудиториясига бирорта объектга (масалан, ўқув аудиториясидаги эшик, деразага) диққатини қаратиш таклиф этилади, сўнгра бошқа объект (масалан, билакузук, талабанинг соатидаги сиферблат) тилга олинади ва диққат қаратилгач, ўқитувчи навбат билан команда беради: "дераза", "соат", "дераза", "соат" ва ҳоказо.

Талабалар олдида қўйиладиган асосий вазифа-жисмоний ҳаракатлар орқали, "мускул қувончи" орқали ички маънавий шодлик ҳолатини топишдан иборат бўлиб, у юксак ишчанлик қобилиятига, тўла куч билан ишлаш истагини пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, жуда юксак мақсад "ўта вазифа" ўзни ҳуди тажрибали педагог сифатида тутиш вазифаси қўйилади. Бу тасаввур ҳулқ-атвордаги жисмоний машқ орқали ўзини бахтиёр ва меҳнатсевар ҳис қилишда ёрдам беради.

Шундай қилиб жисмоний ҳаракатларининг ташқи томони орқали психологик томонни машқ қилдириш содир бўлади, у сенсомотор кўникмалар, хаёл, ҳиссий реакцияларни чуқурлаштиришга қаратилгандир. Жисмоний ҳаракатлар усули айрим ўзаро фикр алмашиш кўникмаларини машқ қилдириш учун ҳам қўлланилади. Баҳамжиҳат бўлиб ишлаш-ўзаро боғланган жамоа фаолият-гуруҳ аъзоларини жипслаштиришга, уларнинг биринчи навбатда психофизиологик жиҳатдан мувофиқ қилишига ёрдам беради.

15 – маъруза

Тема: Махсус фан ўқитувчисининг коммуникатив қобилияти

Режа:

1. Педагогик коммуникативликни аждодларимизни тарбияшунослик санъатидаги роли.

2. Касбий таълим методикаси фанини назарий асосларини эгаллаш ва педагогик маҳоратни ўзида шакллантириш

Педагогик меҳнати – бу бебаҳо изланиш, машаққат, азоб-уқубатли кечинмалар, қувонч, қаноат ҳосил қилишдир.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, олдимишга турган энг долзарб вазифалардан бири – эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш

масаласидир. «Бошқача, айтганда дейди. И.Каримов биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига англаган, атрофда содир бўлаётган воқеа ва ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашган, айти замонда шахсий мафаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйқун ҳолда қурадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак. Шу кунда баркамол устоздан баркамол шогирдни вояга етказишда тарбияланувчилик санъати-маҳоратни дастлаб ота-она ва турли соҳадаги устозлардан эгалламоқи лозим.

Узлуксиз таълимни амалга оширишда педагог, ўқитувчи ва тарбиячилар кадрлар билан ишлаш маҳоратига эга бўлмоқлари лозим. Педагогик маҳорат борасида жуда кўп илмий изланишларда қуйидаги муносабат мавжуд.

К.С Станиславский актёр маҳорати ва санъати ҳақида шундай ёзган эди: «Актёрлик системали равишда ўз устида ишлашдан бошқа нарса эмас бу нарса кейин санъатнинг буюк инъоми деб аталади».

И.Н Илин «Муомала санъати» асарида жиддий меҳнатсиз гўзаллик яралмайди деган эди.

А.С Макаренко педагогик-санъат ва маҳоратни бир кўриниши Педагогик умидбахшлик ҳатто энг қаровсиз бола ҳам ўзида кўпинча ижобий нарсаларга эгадир деган эди ишончга асосланган эди.

Касбий таълим методикаси дарслиги бўлажак ўқитувчиларга касбий фаолиятга хизмат қилишга қаратилганлиги сабабли биз қуйидагиларга эътиборимизни қаратдик:

_ Хар бир масалани илмий назарий асосларини эътиборга олдик.

-- Матнларни характерга кўра ахборот технология ва интерфаол методларини қўлладик.

Турли вазиятдаги ҳаёти муаммоларни асослаб бериш ва ечимини талаблар диққатига ҳавола қилди.

Касбий таълим методикаси дарслиги Олий таълим бакалаврият талабалари, КХК-ўқувчилари ҳам мактабгача таълим муассасалари ва ўрта мактаб ўқитувчи ва тарбиячиларига атаб яратилди.

Педагогика тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати, тарбия ҳақидаги фан.

Олий ўқув юртларида касбий фаолиятда тайёрлашда ўз соҳасини амалга оширишни илмий асосланган билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш давр талабидир.

Айниқса баркамол авлод тарбиясида ўқитувчи-тарбиячини маҳорат эгаси бўлиши муҳимдир.

Маҳорат – ва унинг ўзига хос хусусият ва талаблари борасида И.А Зязюна, П.Е Решетников, Н. Саидахметов, Х.А Тўрақулов, Е.И Ильин, Ш.А Амокашвили каби олимлар ёзган ўқув-қўлланма ва тадқиқотларида ўқитувчи маҳоратини турли йўналишларини излаганлар.

Маҳорат – санъат, Маҳорат изланиш, Маҳорат – педагогик технологияларни қўллай билиш, маҳорат - ўқитувчининг ўз фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ва ўз-ўзини тарбиялашдир.

Ўқитувчининг кўп қиррали фаолияти ва уни қобилияти, зўр санъаткор фидоий бўлиши шогирдларни баркамол қилиб тарбиялаш масаласи алоҳида долзарб давлат сиёсати даражасидаги масалалардан биридир. Шу сабабли бўлажак мутахассис педагогик маҳоратни эгаллаш лозим.

В.А Сухомлинский ўзининг «Чин инсонни қандай тарбиялаш керак» деган асарида «Ўқитувчининг меҳнатини бирор нарса билан қиёслаб ҳам, таққослаб ҳам бўлмайди». Тўқувчи бир соатдан кейинроқ ўз ишининг ҳосилини кўради, пўлат эритувчи бир неча соатдан сўнг оловдаги метал оқимидан шодланади. Бу унинг орзусини юксак чўққиси; ер ҳайдовчи, дон сепувчи қаллакор бир неча ойдан кейин далада ўстирган бошоқлари ва бир сиқим донидан завқланади. Ўқитувчи эса ўз ижодининг маҳсулини кўриш учун йиллаб меҳнат қилиши керак. Ўқитувчи ҳар бир минут, ҳар бир дақиқада ўзининг ўттизта ёки қирқта тарбияланувчисидан ҳар бирини кўриб туриши, у шу дақиқада нималар ўйлаётганлигини, қандай Қам-аламлар уни ташвишлантираётганлигини билиши керак-деган фикрларни баён этади.

Ўқитувчилик касби улук ва шарафли, мураккаб, ўз ўрнида масъулиятли касблардан биридир. Дунёдаги барча инсонларни жойлардаги ҳамма касб-хунар, илмли, олиму-фузалолар нарса билан таққослаб бўлмайди. Ўқитувчилик касбини эгаллашга интилаётган ҳар бир инсон ўзида аввало ирода, сабр-матонат, педагогик маҳоратни, ўқитувчилик ихтисослигига хос билим, малака, кўникмаларни эгаллаши лозимдир.

Маҳоратли ўқитувчи ўзини маҳорат эгаси санаса у қуйидаги билим, кўникма, малакаларни эгаллаган бўлиши зарурдир.

1. Ўқитувчи дунёқараши кенг, ҳамма воқеа, ҳодиса устида эркин фикр юрита олиши зарурдир.

2. Мустақил Ўзбекистонимиз ўқитувчиси биринчи галда ўзи ўқитадиган фанни чуқур эгаллаган бўлгандингина ўқувчиларда умумий ва касбий таълим сифатини ошира олади ва уларда фан-техника ҳамда амалий фаолиятга қизиқиш ва истак ҳосил қила олади.

3. Ўқитувчи ҳозирги замон фан-техника талабига мувофиқ яхши дарс бериши ва унинг ҳар минутдан унумли фойдаланиши зарур.

4. Ўқитувчи яхши ўқитувчи бўлиши учун педагогика, психологияга кўшиб, ўз фанининг методикасини яхши билмоқчи лозим.

5. Ўқитувчининг умумий маданияти юқори бўлиши билан бирга бу касб адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларга эга бўлишни талаб қилади.

6. Ўқитувчи педагогик одобига риоя қилиши керак. Педагогик одоби ўқитувчилик касбига хос фазилатлардан бўлиб, у ўқитувчининг болалар билан ишлаши жараёнида унинг тажрибаси маҳорати ошади.

7. Ўқитувчи педагогик маҳоратига ва ҳар томонлама билимга эга бўлиши керак, чунки унга ўқувчилар ҳар соҳада мурожаат қилишлари мумкин.

Ва ниҳоят ўқитувчида ўқувчига хос бўлган қобилиятлар мужассам этган бўлиши лозим.

Жумладан, кейинги фикрларимиз ўқитувчилик қобилияти устидадир. Шу ўринда, аввало, қобилият нима эканлиги билишимиз мақсадга мувофиқдир.

Қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда намоён бўлса ҳам билимлар ва кўникмаларни эгаллаш билан боқланиб қолмайди.

Қобилиятлар – бу имконият у ёки бу ишда маҳоратнинг зарур даражаси эса воқеликдир. Қобилиятлар фақат фаолиятда шунда ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга ошириши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён бўлади.

Коммуникатив қобилият ҳам ана шундай қобилиятлар жумласидандир.

Коммуникация тушунчаси ижтимоий маънога эга бўлган инсонларнинг фикр ёки онгида пайдо бўлган тушунчаларни бошқа инсонларга етказиб беришдир. Бошқача қилиб айтганда юзага келган ахборотни етказиб беришдир. Бу ерда ахборотни ўзга кишига йўллаётган шахс коммуникатор, ахборотларни қабул қилаётган киши рециент деб аталади.

Биринчи навбатда перецептив, яъни идрок қилишга ҳамиша таълуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳим кузатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди. Шу ўринда ўқитувчининг коммуникатив қобилияти энг олдинги ўриндаги таъсир қилиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Коммуникатив қобилият фақат биргина ўқитувчи ёки биргина тегишли ҳодиса эмас балки, бу ҳаммада юзага келадиган жараён дир.

Коммуникация жараёни ҳаммада юзага келади-ю, аммо унинг сифат даражаси ҳар хил бўлади, яъни одамлардаги ҳаётий тажриба, билим, малака кўникмалари қобилиятларни бир-бирдан фарқлаб туради.

Ўқитувчида коммуникатив қобилиятнинг мавжудлиги, унинг маҳоратли эканлигидан далолат беради.

Коммуникатив қобилият фикрни, ёки бирор тушунча, белгини аниқлашчи психологик жараён бўлиб, унинг намоён бўлиши уч хил дир.

Улар оғзаки коммуникация, нутқ. Ёзма коммуникация ва имо-ишора, хатти ҳаркатли коммуникация турларидир.

Нутқ бу оғзаки коммуникация яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демак дир. Ижтимоий тажрибада бирон-бир моҳиятни аниқладиган сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сўзлар эшиттириб ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши ёки кар-соқов кишиларда бирон-бир моҳиятга эга бўлган имо-ишоралар билан алмаштирилиши (буни харф бармоқлар ҳаракати билан ифода этиладиган дактилология ва имо ишорали нутқ деб аталади) мумкин.

Қуйидаги нутқ турлари фарқ қилинади; ёзма ва оғзаки нутқ, ўз навбатида оғзаки нутқ диологик ва монологик нутқларга ажратилади.

Оғзаки нутқнинг энг содда тури диалог, яъни аллақандай масалаларни биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этилаётган ҳамсуҳбатлар томонидан олиб бориладиган суҳбат ҳисобланади.

Гаплашаётганларнинг бир-бирларига луқмаларни, суҳбатдошдан кейин ибораларни ва айрим сўзларни такрорлаш, саволлар бериш, қўшимчалар бериш, изоҳ бериш, фақат сўзлашаётганлар тушунадиган шамалар қилиш турли хил ёрдамчи сўзлар ва ундовлар сўзлашув нутқи учун хос хусусият дир. Бу нутқнинг ўзига хос хусусиятлари кўп жихатдан ҳамсуҳбатларнинг боғлиқ бўлади. Аксарият ҳамма жойда ҳам педагог оилавий муҳитдаги диалогни ҳеч қачон синфда ўқувчилар билан муносабатда бўлгани каби олиб бормайди. Сўзлашув чоқида

ҳиссий ҳаяжонлашиш даражаси катта аҳамиятга эга бўлади. Ийманган ҳайратланадиган, қувонган, кўрққан жаҳли чиққан киши хотиржам ҳолатдаги каби гапирмайди, ўзгача оҳангдагина гапириб қолмасдан, балки кўпинча бошқа сўзларни ибораларни ишлатади.

Оғзаки нутқнинг иккинчи бир тури монолог нутқ бўлиб уни битта киши бошқасига ёки уни тинглаётган кўплаб кишиларга қарата гапиради: бунга ўқитувчининг ҳикояси, ўқитувчининг кенгайтирилган жавоби маъруза ва шу кабилар киради. Монологик нутқ тузилиши жиҳатдан жуда ҳам мураккаб бўлиб, фикрнинг тугалланганлигини, грамматик қоидаларга анча қатъий амал қилинишини, монолог айтаётган кишини баён этмоқчи бўлган фикрда қатъий мантиқ диалогик ва изчиллик бўлишини тақозо этади. Монологик нутқни эгаллаш нутққа нисбатан катта қийинчиликлар туқдиради, унинг кенгайтирилган шакллари антогенеизада (юзага кела бошлагандан такомиллашувига қадар) кечикиброқ ривожланади, ўқитувчиларда бу нутқни шакллантириш махсус вазифа ҳисобланади ва педагоглар уни таълимнинг қатор йиллари мобайнида бажаришларига тўқри келади.

Қийналмасдан, бемалол суҳбатлаша оладиган, лекин олдиндан ёзилган матндан фойдаланмаслик манологик характерга эга бўлган оғзаки ахборот (маъруза, кенг маърузалар ва шу кабилар) билан чиқишга қийналадиган катта ёшли одамлар ҳам учраб туриш тасодифий ҳол эмас. Кўпинча бу ўқитувчиларнинг ўқувчиларда монологик нутқни шакллантириш ишига етарли эътибор бермаганликлари оқибати ҳисобланади.

Ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлди. У бир-бирларидан макон ва замон билан ажралиб турувчи одамлар ўртасида муносабат қилиш эҳтиёжини натижаси сифатида пайдо бўлди ва фикр шартли схематик суратлар ёрдамида ифода этиладиган ҳозирги замон ёзувига қадар ривожланади.

Ёзув туфайли одамлар тўпланган тажрибани авлоддан авлодга энг яхши тарзда етказиш имкони туқилади.

Негаки оғзаки нутқ ёрдамида ўтказилган тақдирда у бузилиши, ўзгариб ва ҳатто беиз йўқолиб кетиш мумкин эди.

Ёзма нутқ фанда фойдаланиладиган мураккаб умумлашмаларнинг ривожлантиришда, бадий тимсолларни етказишда муҳим роль ўйнайди.

Одамлар ўртасидаги муносабатни телеграф орқали ахборот берилганда коммуникатор билан рецепиент оғзаки муомилага киришадилар. Одамлар муносабатига алоқа боқловчиларнинг ҳис-ҳаяжони ҳам қонуний равишда жалб этилган бўлади. У муносабатга киришганларга нисбатан муайян тарзда таалуқли бўлиб, нутқий фикр-мулоҳазалар билан кўшилган ҳолда юзага чиқадиган бу ҳис-ҳаяжонли муносабатда ахборот айрибошлашнинг алоҳида, нутқсиз жиҳати, ўзгача, нутқсиз коммуникация воситаларига қўл, бармоқ ва юз харакатлари, имо-ишора, оҳанг, пуаза турқ-тароват, кулги кўз ёши қилиши ва шу кабилар кирадики, булар оғзаки коммуникация воситалари – сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар системасини ҳосил қилади.

Нутқсиз коммуникация воситалари бамисоли ўзи ҳос ҳис-туйқу тили бўлиб, сўз билан ифодаланидаган тил каби у ҳам ижтимоий тараққиёт маҳсули ҳисобланади ва турли миллий маданиятларда бир-бирларига ўхшамаслиги мумкин.

Нутқсиз коммуникацияни амалга ошириш учун турли хил ёш гуруҳларда турлича воситалар танланади. Жумладан, болалар йиқидан кўпинча катта ёшдагиларга таъсир қилиш ва уларга ўз истаклари ҳамда кайфиятини етказиш воситаси сифатида фойдаланадилар.

Оғзаки коммуникация таъсирини кучайтиришда муносабатга киришувчиларнинг фазода жойлашуви муҳим аҳамиятга эгадир.

Нутқсиз коммуникацияда қўлланилаётган воситаларнинг ахборотни сўз билан етказиш мақсадларига ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятини таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Айни пайтда нутқсиз коммуникация – имо-ишора пантомимика, нутқнинг оҳангдаги ранг-баранглик ҳам ривожланиши мумкин.

Бўлажак ўқитувчилар фақат назарий билимларни эгаллаш билан чегараланмасдан амалий малака ва кўникмаларни ҳам эгаллаш зарур, яъни булар педагогик, психологик билимлар асосида ўқувчиларни илмий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантира билиш дарс бера билиш, тарбиявий ишларни режалаштира билиш, ўқувчиларни жамоа, усулларини танлай билиш, ўқувчиларни индивидуал, жамоа ишларини ташкил қила олиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни уюштира билиш ва уларга раҳбарли қилиш, оналар, жамоатчилик ўртасидаги ишларга раҳбарлик қила олиш, спорт, саёҳат, ва бошқа тарбиявий малака ва кўникмаларни олиб боришларидан иборатдир.

Юзни ўқиш санъати – бошқа касблар сингари ўқитувчиликка ҳам хос бўлган сифатлардан биридир.

Юзни ўқиш, яъни бирор шахснинг ўз фикрини намоён (яъни оғзаки ва ёзма ҳолатда) қилмаганда унинг юз тузилиши, юзидаги аъзоларнинг баъзи бир ҳаракатларидан англаш, тушунча олишдир. Юзни ўқиш аввало психологик жиҳатдан идрок, диққат ва кузатувчанликка боғлиқдир.

Нутқ инсоннинг онгида пайдо бўлган фикрнинг нутқ товушларига тил ёрдамида кўчишдир. Нутқ таъсирли ёки таъсирсиз, тўқри ёки нотўқри бўлиши мумкин.

Нутқ орқали киши ҳолатини тушуниш – кишилар ўз нутқларида ўзларида кечаётган жараёни намоён қиладилар. Шу ҳолатини тушунишдир.

Монотон нутқ болани зериктиради, ноаниқ интонация эса яхши ўзаро яқин суҳбатнинг уюштирилгандан баланд тон болаларда ишончсизлигини келтирилиб чиқаради.

Товуш одамларда табиатан берилади, аммо бу эса жуда ҳам кўп учрайди. Ҳамда яхши товуш махсус машқларсиз йиллар ўтган сари бузилади, ўзгаради.

Педагогик нутқ қуйидагиларни таъминлаб бериши мумкин:

А) педагог ва ўқувчилар орасида ўзаро таъсир этиш ва мулоқотнинг натижаланганлиги;

Б) фаолият мотивларини, тушунчаларни тўғирлаш ва шакллантириш мақсадида ўқувчи, болалар тафаккурига, ҳис-туйқуларига ижобий таъсир этиш керак;

В) таълим бериш жараёнида билимларни тўлиқ тушунтириш ва мустаҳкамлаш, ўзлаштириб олиш;

Г) ўқувчиларнинг амалий ва ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўқитувчи нутқининг ўзига хослиги – ўқувчиларга йўналганлиги билан боғлиқдир. Кузатувчан ўқитувчи мавзунини тушунтиришда ўқувчиларга қандай таъсир этишни ҳисобга олган ҳолда иш юритади.

Ўқитувчи нутқига қўйиладиган талаблар, қуйидагилардан иборат функциялар билан белгиланади. Асосий функциялардан бири бу билимларни тўлиқ узатишни таъминлаб бериш. Янги билим беришда ўқитувчи ўз нутқи орқали фақатгина янги билимларни бериб қолмасдан, балки ҳис-туйқуларга ҳам таъсир этиши керак.

Бошқа функциялардан бири бу ўқувчиларни ўқув фаолиятини самарадорлигини таъминлаб бериш:

Педагогик кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқитишнинг муваффақиятларига асосан, ўқитишнинг мулоқотга кирилишида учрайдиган педагогик низоларни келтириб чиқармаслик, хато ва камчиликларга йўл қўймасликдир.

Бу хато ва камчиликлар болаларни тўқри, тушуна олмасликдан нутқни тўқри туза олмасликдан, муомилада ҳаммани бир назар билан кўра олмасликдан келиб чиқади.

Уларни олдини олиш йўллари турли хилдир.

Бунинг учун аввало ўқувчиларни фанга қизиқтириш шарт. Ўқитувчи ўз шогирдларидан доимо ҳеч бўлмаганда бир неча поқона юқори туриши, керак акс ҳолда болалар олдида унинг обрўси бўлмайди, чунки кутилмаган саволларга ўқитувчи жавоб беролмасдан қолиш мумкин. Ўолбуки, бола сезгир бўлади ва жуда тез фурсатда ўқитувчининг камчиликларини билиб олади. Ўқитувчилар олдида йўқотилган обрўни тиклаш жуда қийин ҳатто баъзи вақтларда мумкин ҳам эмас.

Ёш авлод тарбиялаш мураккаб ва олижаноб вазифа бўлиши билан бирга айна замонда у Қоят даражада мураккаб, масъулиятларини, бурчларини, хулқларини англаб этишлари лозим.

Хулоса қилиб, айтганда мустақил Ўзбекистонимизда ўзининг педагогик фаолиятини олиб бораётган ҳар бир ўқитувчи ўз устида тинмай ишлаши, доимий изланишда бўлиши, ўзидан олдинги педагогларнинг илқор тажрибалари билан доимий танишиб бориши ва шу йўллар билан ўз маҳоратининг тизимларини кенгайтириши педагогик маҳорат курсининг бош мақсадидир.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касб бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга оширилди.

Чунончи, узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистонда баркамол ўқитувчи-мутахасисларни баркамол авлодини тайёрлаш кўп жиҳатдан боғлиқ:

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари:

- Педагогик фаолиятга қобилиятли ижодкор, тадбиркор бўлиши;
 - Миллий ва умумий ижодий маданиятни эгаллаш;
 - Ватанга садоқатли ва уни истикболи учун виждонан меҳнат қилиши;
 - Педагогика, психология фанларни назарий асосларини эгаллаш ва педагогик маҳоратни ўзида шакллантирадиган, изланувчан бўлиши;
 - Касбга муҳаббат сабр тоқатли доимо мақсад сари интилиши шарт.
- Юқоридаги маҳорат эгаси бўлишга қаратилган талаблар бунинг жамиятмизда амалга оширилмоқда.

16 - маъруза

Тема: Ўқитувчи педагогик фаолиятнинг субъекти сифатида

Режа

1. Анъанавий таълимнинг тамойиллари, мазмуни.
2. Анъанавий таълим усулларининг хусусиятлари.
3. Анъанавий таълим шаклларининг ижобий ва салбий томонлари.

Мавзуда педагогик технологиялар тушунчаси ва унинг аспекти: илмий, жараёнли – ифодавий (ифода этиш, ўқув жараёни алгоритими), жараёнли – амалий (ўқув жараёнини амалга ошириш).

Педагогик технологиялар даражалари; умумпедагогик (умумдидактик), хусусий методик (предметли), локал (модули).

Педагогик технологияларнинг таркибий тузилиши; концептуалр асоси, мазмунли яхлит, процессуалр қисми – технологик жараён. Педагогик технологияларга қўйиладиган талаблар (технологик курсаткичлари); тизимлилик, бошқаручанлик, самаралилик, кайта такрорлаш.

Педагогик технологияларнинг илмий асослари; материалистик ва идеалистик, диалектик ва методик, илмий ва диний, инсонпарварлик ва инсонпарварликка қарши прогматик ва экстенсиялистик, эркин тарбиялаш ва мажбурлаш назариаси ва бошқалар ёритилган.

Мавзуда кўриладиган масалаларнинг қисқача мазмуни (аннотация):

Мавзуда анъанавий синф – дарс технологиясининг фарқланиш белгилари, анъанавий таълимнинг классифакцион тамойиллари, анъанавий таълимнинг принциплари, анъанавий таълим мазмуни ва методикаси хусусиятлари, таълимнинг анъанавий шаклининг ижобий ва салбий томонлари ёритиб берилган.

Мақсадлар каталоги - талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

Анъанавий синф – дарс технологияси энг аввало ўзининг авторитар характерга эга эканлиги билан ажралиб туради.

“Авторитар педагогика”нинг яроқсиз томонлари нимадан иборат эди? деган саволга Ўзбекистон Миллий Университети ҳузуридаги Олий педагогика институтининг “Олий таълим педагогикаси” кафедраси мудири,

ЎзПФИТИнинг “Янги педагогик технологиялар илмий асослари” лабораторияси раҳбари Нурали Сайидахмедов куйидагича жавоб беради:

- Шўро давлатига хизмат қилиб келган педагогикага объектив баҳо бермасдан туриб янги аср педагогикаси ҳақида фикр юритиш мутлоқо мумкин эмас. Педагогика инсон фаолияти билан шуғулланувчи соҳа сифатида ўз тузилмасида жараённинг субъект ва объектларини қамраб олади. Анъанавий “субъект-объект” педагогикасида ўқувчи объект ҳисобланиб, ўқитувчи унга тажриба узатар эди. Замонавий педагогика, кўпроқ, болага ўқув фаолиятининг субъекти сифатида, ўз-ўзини бошқарадиган ва ўзини намойиш этишга интилаётган шахс сифатида мурожаат қилмоқда. Анъанавий педагогика хусусида матбуотда, диссертацияларда баъзи бир танқидий мулоҳазалар билдирилмоқда. Бизнингча, авторитар педагогиканинг ҳақиқий “қиёфа”сини очиш уни педагогик тизим нуқтаи назардан батафсил таҳлил этиш керак бўлади. Чунки, XXI асрда таълим-тарбияни ҳаракатга келтирувчи куч ўзида аниқ дидактик масалаларни ифодалаган ва уларни ҳал этиш технологияларини бириктирган педагогик тизим ҳисобланади. Энди табиий ҳолда савол туғилади:

Педагогик тизим нима?

Педагогик тизим деганда, ўқувчи (талаба)ларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантиришга мақсадли педагогик таъсир этишни юзага келтира оладиган воситалар, методлар, жараёнларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси тушунилади. Ҳар қандай истиқболли педагогик инновацияга баҳо беришда тизимли ёндашилгандагина ўзининг объектив баҳосини олиши мумкин. Келинг, энди анъанавий педагогика фаннинг асосий масалаларини педагогик тизим ёрдамида қиёслашга киришайлик.

Биринчидан, совет педагогикасида таълим-тарбия мақсади ҳар бир ўқувчи шахсини ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш, мазмунан эса кўпроқ фан асослари бўйича билимлар тизимини шакллантиришдан иборат эди. Афсуски, “ҳар томонлама ривожлантириш”, деклорация, чақириқ эди, холос. Унинг қисқача моҳияти: техникавий тараққиёт давомида инсоннинг меҳнат фаолияти ўзгариб туради, шу боисдан, кенг умумий ва политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш зуруратга айланган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик бераяптики, техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақозо этади. Унга эришиш учун маълум меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтиришни талаб этипти, доимий ўрин алмаштиришни эмас.

Иккинчидан, таълим мазмуни анъанавий педагогикада технократик характерга эга эди, ўқувчи маънавиятини, унинг ички дунёсини шакллантиришга эътибор деярли қаратилмас эди. Таълим мазмуни режалаштирилган, марказлаштирилган, собиқ совет давлати бўйича ягона базисли ўқув режалари ишлаб чиқилар ва жорий этилар эди. ўқув предметлари мустаҳкам “хитой девори”дан қалъа қуриб олган, ўқувчи унинг ичида (фақат ичида) ҳаракатланиши мумкин эди.

Бугун таълим-тарбия мазмуни умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида қайта ишланмоғи, миллий истиқлол мафкураси сингдирилмоғи, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, техник-

технология ютуқларини мужассамлаштирмоғи лозим. Шу билан биргаликда тарбия мазмуни ижодий фаолият тажрибасидан, новатор-педагоглар томонидан яратилаётган илғор технологиялардан баҳра олиши шарт.

Учинчидан, авторитар ўқитиш жараёни ўртача ўзлаштирадиган ўқувчига йўналтирилган, ўқувчи фаолияти регламентлашган, назорат эса марказлаштирилган эди. Ўқувчиларда мустақиллик йўқ, ўқитувчи тайёр билимларни ўргатар, болалар уларни тўтидек такрорлар, ўқитувчилар ўқув меҳнати кучсиз мотивлашган. Янги асрда ўқитиш жараёни дидактик жараёнга айланмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, илғор педагогика технологиялар ёрдамида ўқувчининг ақлий заковатини, эркин фикрлашини, мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаши зарур. Бунинг учун ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда интерфаол методлардан (дидактик ўйинлар, гуруҳларда ишлаш, дарс-аукцион, дарс-суд ва бошқа.) мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш керак бўлади.

Тўртинчидан, анъанавий ўқитиш ташкилий жиҳатдан XVII асрда Я.А.Коменский томонидан шаклланган синф-дарс тизимига бўйсунди ва ҳозир ҳам таълимнинг бу шакли жаҳон мактабларида устуворлик касб этиб турибди. Унинг ўзига хос атрибутлари:

- бир хил ёшдаги болалар синфини ташкил этади, бутун синф дарс жадвалига биноан, ягона йиллик режа ва дастур бўйича ишлайди. Оқибатда ўқувчилар йил давомида олдиндан аниқланган кун соатлар бўйича мактабга келиб кетаверади;
- ягона машғулоти тури – дарс ҳисобланади;
- дарс бир ўқув предмети мавзусига бағишланганлиги сабабли синф ўқувчиларининг барчаси бир хил материал билан иш кўрадилар;
- ўқитувчи дарсда ўқувчилар фаолиятини тўлиқ бошқаради;
- ўқувчининг китобдан фойдаланиши, асосан, уй топишриқларини бажаришда амалга оширилади.

Шундай қилиб, дарс-синф тизимининг қонуниятлари махсус адабиётларда тўлиқ ёритилган: ўқув йили, ўқув куни, дарс жадвали, ўқув таътили, танаффус ёки дарслар ўртасидаги дам олиш.

Учинчи минг йилликда ўқитиш, (тарбиялаш)нинг ташкилий шакллари ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштирилиши лозим: дидактик бирликларни йириклаштириш, ўқитиш натижаларини олдиндан белгилаш, режалаштириш, таълим жараёнини психологиялаштириш, компютерлаштиришга эътибор қаратилади. Ана шу йўналишлар аниқ таълим-тарбия мақсадини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса, бу амал натижасида кучли технология вужудга келади. Бу технология интеграл технология деб аталади.

Интеграл технологиялар учун янги машғулоти шакли – семинар – практикум яратилади. Унинг мазмуни: машғулоти ўтказиш учун ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ чегараланган вақт давомида бажара оладиган топшириқлар олади. Ана шу топшириқни бажаришга киришадилар ва бунда таълим-тарбия жараёни объектини тўғри танлаш жиддий аҳамият касб этади. Объект обдон тадқиқ қилинган, натижалар бўйича кичик гуруҳлар ҳисоб берадилар, яъни машғулоти “публик ҳимоя” кўринишида ташкил этилади. қарабсизки, ўқувчилар ўз-ўзини ўқитиш, баҳс, мунозара, мавқеини

мустахкамлаш орқали мавзуни чуқур ўрганадилар ва шу тарзда якуний натижа таъминланади.

Бешинчидан, анъанавий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг тутган ўрни қуйидагича: ўқувчи-тарбиявий (таълимий) таъсирга бўйсунувчи объект, ўқувчи – етилмаган шахс, ўқувчи – бурма винт, хоҳлаганча бураш мумкин, ўқувчи – аскар. ўқитувчи – командир, ягона ташаббускор шахс, судря (ҳар доим ҳақ.) унинг қуроли – ёзма ва оғзаки нутқларга асосланган субъектив (5 балл) баҳо.

Янги минг йилликда педагогик тизим иштирокчилари – ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) фаолиятини “субъект” қонуниятлари асосида ташкил этиш таълимда кўзланган натижани кафолатлайди, яъни ҳамкорликдаги педагогика “иш”га тўлиқ тушади: таълим-тарбия мазмуни энг сўнгги инновацион жараёнлар билан таъминланиб боради. Педагогик жараён марказида ўз имкониятларини тўла намоиш эта оладиган, турлича ҳаётий вазиятларда жавобгарликни ҳис этган ҳолда онгли равишда янги тажрибаларни қўллаш оладиган яхлит шахс туради. Демак, эртага “талабалар” педагогикаси “муносабатлар” айланишига шубъа йўқ.

Тажрибали педагог ушбу келтирилган замонавий технологиялар йиғиндиси билан самарали фойдалана олади, чунки уларни қўллаш турли омилларга боғлиқ. Бундан ташқари технологияларни ўзи ҳам бир бири билан боғлиқ.

Таълим жараёнини анъанавий технологияларга асосланган ҳолда ташкиллаш	Педагогик жараён замонавий технологияларга асосланган ҳолда ташкиллаш.
Тарбия ўртасидаги горизантал тескари боғланиш.	
⇐ Кузатиш асосида	⇒ фаол иштирок этиш асосида
⇐ Тажриба асосида	концентуал асосида
Кетма-кетли касосида	блоклар асосида
Олдинлаб кетиш мослик	олдинлаб кетиш –II–
Тушунтириш намоиш этиш	муаммо асосида
Билимлилик асосида	шахсга қаратилганлик асосида
Муқобилсизлик асосида	муқобиллик асосида
Монолог асосида	диалог асосида
Академик асосида	вазият асосида

17 маъруза.

Тема: Касбий педагогик билимлар. Педагогик технология. Педагогик техника.

Режа:

1. Педагогик технологияларнинг турлари ва классификацияси
2. Ўқув мақсадларини белгилаш

Педагогика назарияси ва амалиётида таълим-тарбия жараёнида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Педагогик технологияларни характери ана шу ёндашувдан келиб чиқади. Шунга қарамасдан кўпгина педагогик технологиялар ўз мазмуни, мақсади, методлари ва воситаларига кўра бир-бирига ўхшаш. Педагогик технологияларни ана шу ўхшаш хусусиятларига қараб уларни бир неча турга ажратиш мумкин.

Қўлланилишига, қамров ҳажмига (масштабига) кўра уларни уч гуруҳга ажратилади:

1. Умумий педагогик технологиялар.
2. Хусусий педагогик технологиялар.
3. Модулли кичик универсал технологиялар

Умумий педагогик технологиялар - ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олади.

Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларига ўтиш шулар жумласига киради.

Хусусий педагогик технологиялар - эса маълум фан доирасида қўлланилиши мумкин ва қулай бўлган технологияларни ўз ичига олади. Масалан: иқтисодиёт фани учун қулай бўлган технологияларни ишлаб чиқиш.

Модулли кичик универсал технологиялар бирор рефлексни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, турли фанларни ўрганишда ишлатилиши мумкин бўлган технологиялардир. Масалан: дидактик ўйинлар, фикрлашга ўргатувчи технологиялар. Улар универсал характерда бўлиб, кўп вақт талаб этмайди. Масалан: дидактик ўйинли технологиялар.

Фалсафий дунёқараш ўз навбатида таълим–тарбия тизимига ёндашувда ҳам ўз аксини топади. Диний дунёқараш ўзига хос равишда таълим-тарбия жараёнини талқин этади, идеалистик дунёқараш ўзига хос равишда таълим-тарбиянинг мазмун моҳиятини очиқ беради. Материалистик дунёқараш таълим-тарбия ишини ташкил этишда материалистик нуқтаи назардан ёндашади (У инсон шахсини моддийлик сифатида қабул қилса, идеалистик дунёқараш инсонни жон, тан, руҳ каби қисмларини тан олган ҳолда ёндашади). Илмий дунёқараш эса илмий кашфиётларга асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини таҳлил этишга қаратилади. Демак, ҳар бир жамиятнинг қабул қилган дунёқараши ана шу жамиятда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга бевосита таъсир ўтказар экан

Ўқув мақсадларини белгилаш

Анъанавий ўқув жараёнида биз кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига суяниб самарага эришишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун эса педагог маълум тажриба орттирган бўлиши талаб этилади. Педагогик технологиянинг асоси эса проектлаштиришдир. Ана шу аниқ проектлаштирилган дастур

педагогга самарали натижага эришиш имконини туғдиради. Бундай проект асосида иш олиб бораётган педагог катта педагогик тажрибага эга бўлмасда, юқори самарага эриша олади. Биз биламизки, педагогик технология бу аввалом бор аниқликка эга бўлган ва қатъий, илмий лойиҳалаштирилган жараёндинр. Ўқув жараёнини ташкил этишдаги биринчи қадам бу ўқув мақсадларини аниқлаш ҳисобланади. Бугунги кунда биз дарснинг мақсадини қандай белгилаймиз? – деган савол албатта ҳаммани қизиқтиради. Биз бугунги кунда дарснинг мақсадини умумий ҳолда белгилаймиз ва шунинг учун ҳам эришган натижамизни баҳолашда қийналамиз. Бундай умумий мақсадни белгилаш педагогик технологияни қониктира олмайди. Педагогик технологиялар дарс мақсадини белгилашда ҳам аниқлик бўлишини талаб этади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштиради ва бу жараёнга ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам педагогик технологияларни қўллашдаги биринчи қадам бу аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқишдир деган хулосани беради. Педагогик технологияларнинг ишланишида асосий эътибор охириги натижага қаратилган бўлади ва қўйидаги изчилликда ишлаб чиқилади:

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларни гуруҳларга ажратиш.
2. Ўқув мақсадларини назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш.
3. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш.
4. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш.
5. Дастурли таълим.



Демак, педагогик технологиялар анъанавий таълимдан тубдан фарқ қилган ҳолда тузилади. У ўзаро ёпиқ цикли ва ўзаро изчил боғлиқликни тақозо этади. Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Барча этаплар бир мақсадга бўйсунди ва юқори натижани қафолатлайди.

Анъанавий таълим эса қуйидаги изчилликда ташкил этилади:

1. Умумий мақсадни аниқлаш.
2. Усулларни аниқлаш

3. Назорат ишини белгилаш.


4. Баҳолаш

Б.Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда нималарга эътибор қаратиш лозим деган саволни ёритишга ёрдам беради. Агар ўқитувчи мавҳум тушунчаларни қўллаган бўлса Б.Блум таксономиясидан фойдаланиши мумкин. Таксономия тушунчаси ўзаро изчил алгоритмик боғланган тизимни билдиради. Ушбу таксономиядан ҳам баҳолаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Б.БЛУМ таксономияси.

Тушунчалар	Характеристика
1. Билиш	Терминларни, фактларни, белгиларни билиш, классификациялаш.
2. Тушуниш	Ўз сўзлари билан тушунтира олиш.
3. Қўллаш	Билимлардан фойдалана олиш.
4. Анализ	Элементларга ажрата олиш.
5. Синтез	Умумлаштира олиш.
6. Баҳолаш	Мавзуга нисбатан ўз фикрини билдириш.


Мустақил таълимни ташкил этиш методикаси бевосита Б. Блумнинг билим олиш соҳасидаги ўқув мақсадлари таксономияси асосида қуйидаги олти тоифадаги асосий ўқув мақсадларидан иборат ҳолда қараб чиқилди:



Ўқув мақсадларнинг ушбу олти асосий категорияларини технологик жараёнларда ва техник объектларни қўллашда, мустақил таълим жараёнидаги кўринишларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

1. Технологик жараён ва техник объектлар ҳақидаги билимларни мустақил билиш - ушбу категория касб таълими йўналиши талабаларининг мустақил таълим олиш жараёнида эгалланган техник ҳамда технологик маълумотларни

хотирада сақлаб қолиш, мустақил тафаккурлаш натижасида қайта эсга тушириш, ижодий эркин фикрлаш, мустақиллик хусусиятларини намоён этиш каби ўқув мақсадларини ишлаб чиқишни назарда тутати(2.4-расм).




2.4 – расм. Технологик жараён ва техник объектлар ҳақидаги билимларни мустақил билиш

2. Технологик жараён ва техник объектларнинг амалиётга жорий этилишини тушуниш - мустақил таълим олиш турларининг бир турдан иккинчисига ўзгариши, касб таълими йўналиши талабаларининг мустақил ишларни тушунтириши, натижаларига таъсир қилувчи таклифлар киритиш, техник вазиятларнинг ўзгаришини назарда тутати(2.5-расм).




2.5 – расм. Технологик жараён ва техник объектларнинг амалиётда жорий этилишини тушуниш

3. Технологик жараён ва техник объектларни амалиётда қўллаш - мустақил таълим жараёнида амалий фаолият билан шуғулланиш, технологик жараён ҳамда техник объектларни амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш. Ушбу фаолият давомида технологик жараён ва техник объектларни қўллаш қоидалари, усуллари, шакллари назариялари синаб кўрилади(2.6-расм).




2.6 – расм. Технологик жараён ва техник объектларни амалиётда қўллаш

4. Технологик жараён ва техник объектларнинг таҳлили -технологик жараён ҳамда техник объектлар унсурларини таҳлил этиб улар орасидаги муносабатни ўрганиш. Мустақил таълимни ташкил этиш асосларини билиш. Мустақил таълим натижалари, тушуниш ва қўллашга қараганда, юқори интеллектуал даражали тавсифланганлиги сабабли мустақил билим олиш мазмунини ҳамда унинг таркибий тузилмасини билишни талаб қилади (2.7-расм).



на тавсифланганлиги сабабли мустақил билим олиш мазмунини ҳамда унинг таркибий тузилмасини билишни талаб қилади (2.7-расм). хусусиятга эга бўлишини, мустақил таълим олишнинг адекват усулларини, шаклларини кўринишларини ва тизимларини вужудга келтиришни назарда тутди(2.8-расм).




2.8 – расм. Технологик жараён ва техник объектларнинг синтези

6. Технологик жараён ва техник объектларни мустақил таълим жараёнида баҳолаш - талабалар томонидан мустақил таълим олиш жараёнида эгалланган билимлар, методларни қабул қилинган мақсадни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш(2.9-расм).

2.9 – расм. Технологик жараён ва техник объектларни мустақил таълим жараёнида баҳолаш

Ушбу параграфда касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг методлари ва воситаларига тўхталиб ўтдик. Касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак бакалавр ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда мустақил таълим олишнинг аудиторияда ва аудиториядан ташқаридаги шакллар, мустақил таълим олишнинг адекват методлари, ўқув мақсадига кўра технологик жараёнларда ва техник объектларни қўллашда, мустақил таълим жараёнидаги кўринишларини илмий асосланди. Мустақил таълим олишнинг асосий омили бўлиб, мустақил таълимни ташкил этиш методлари ҳисобланади. Бу муаммони тадқиқот ишимизнинг кейинги параграфда ёритишга ҳаракат қилдик.



Тема: Касбий педагогик фаолиятнинг концептуал асослари

Режа:

1. Таълимнинг фаол усуллари ва техникаси
2. Ўқитувчи – талабанинг мақсаддан натижага эришиши

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармон, асар ва нутқлари, вазирлар маҳкамаси ҳужжатлари, халқ таълими, олий ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимининг қатор ҳужжатлари мазмуни бу борада амалга оширилаётган барча ишларнинг қонуний ва концептуал асослари бўлиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар муҳим роль ўйнайдилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

Концептуал - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослаш.

Таълимнинг фаол усуллари ва техникаси

Таълимнинг фаоллиги – таълим олувчиларнинг фаоллигини ташкиллаштиришни таъминлаб берувчи таълим.

Таълимнинг фаол усуллари – таълим олувчиларнинг билим орттириш фаолиятини кучайтириш усуллари. Асосан у ёки бу муаммони ечиш йулларини

излашда тахминий эркин фикр алмашилиш диологи асосида қурилади. Айниқса кенг тарқалган ва узига хос хусусиятга эга булган таълимнинг фаол усулларига куйидагилар киради: суҳбат, мунозара, таълимий уйинлар, «кейс-стади», лойиҳалаш усули, муаммоли усул, мияга хужум ва бошқ.

Интерактив (Интерактиве) – диалогли.

Интерфаол таълим – таълим берувчи ва таълим олувчи уртасидаги узаро ҳаракатни амалга оширувчи диалогли таълим.

Интерфаоллик – таълим доирасида принципиал янги ходиса – шу туйфайли таълим олувчи:

(1) таълим жараёнининг ҳамма субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракатда бўлиши, фақатгина ўқитувчи билан шахсий муносабат йўлидагина эмас, балки бошқа талабалар, маъмурият билан ҳам қила олиши мумкин;

(2) мультимедиа объектларини таҳлил қилиш жараёнида уларнинг мазмунини, шаклини, ўлчам ва ранглари динамик равишда бошқаришни, турли тарафдан уларни кузатишни, бошқа шунга ухшаш манипуляцияларини қайта таъминлашни, кўпроқ аниқ кўрсатувга эришиш учун хоҳлаган жойидан тўхтатиб ва давом эттира олиш мумкин бўлади.

Интерфаоллик даражаси канчалик юқори булса, таълим жараёни ҳам шунчалик самарали булади.


Шундай қилиб, интерфаоллик фақатгина ахборотларни қабул қилиш учунгина эмас (пассив), балки ўрганилаётган объектлар ёки жараёнларда ва виртуал моделларнинг ўзаро ҳаракатларида мультимедиа моделлари хусусиятларини фаол тадқиқот қилиш учун ҳам имконият яратиб беради. Интерфаоллик даражаси канчалик юқори бўлса, таълим жараёни ҳам шунчалик самарали бўлади.

Ҳозирги давр ўқитиш шакллари талабаларни эркин, ижодий фикрлашга, ишлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўқувчи – талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари ҳулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Айнан демократик тамойиллар, инсонийлик ва шахсий сифатларни ривожлантиришга қаратилган замонавий ўқитиш шакллари давр талаби бўлиб, бунда дарс жараёнининг технологик харитасини тузиш, жараённи олдиндан лойиҳалаштириш муҳимдир.

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи – талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ушбу фикримизни чизма ҳолатда қуйидагича ифодалаш мумкин:



Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, мақсадни амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи – талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технология танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган. Бунда ўқувчи – талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балким, компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчи–талабага боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиш керак, шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчи–талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши ката аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитиладиган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи–талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий педагогика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар. Усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг–баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Технологик картани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қиралари ўз аксини топади.

Қуйида биз, ҳуқуқ фанидан “Оталикни белгилаш” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологиясини мисол тариқасида сизга ҳавола қиламиз. “Оталикни белгилаш” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Мавзу:	Оталикни белгилаш
Мақсад, вазифалар	Талабаларга оталикни белгилашнинг моҳияти, аҳамияти, асослари ва тартибини тушунтириш. Мавзуга оид тарқатилган материалларни талабалар томонидан яққа ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат–мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	Боланинг насл насабини белгилаш тушунчаси. Оталикни белгилаш зарурати қайси ҳолларда вужудга келиши. Оталикни белгилашнинг мақсади ва аҳамияти. Ота–онанинг биргаликдаги аризаси асосида оталикни белгилаш. Отанинг аризаси асосида оталикни белгилаш. Оталикни белгилаш муносабати билан туғилиш тўғрисидаги ёзувлар давтарига ўзгартиришлар киритиш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён қилиш, суҳбат–мунозара, “Бумеранг” технологияси. Форма: Амалий машғулот, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, ариза, маълумотнома, хабарнома бланкалари асосида. Назорат: Оғзаки назорат, савол–жавоблар, кузатиш, ўз ўзини назорат қилиш. Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балл система асосида.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир вақтнинг кўпчилиги талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Ўқувчи талаба: Янги билимларни эгаллайди. Яққа ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз ўзини назорат қилишини ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар	Ўқитувчи:

(таҳлил, ўзгаришлар)	<p>Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзунини ҳаётини воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.</p> <p>Ўқувчи талаба:</p> <p>Матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини раво баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш., уларни ўрганиш. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилиш.</p>
-----------------------------	--

19- март.

Тема: Узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус касб хунар таълими

Режа:

1. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими
2. Давлат таълим стандартлари

Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ни қабул қилиниши ва уни амалга оширилиши натижасида мамлакатда ягона *узлуксиз таълим тизими* вужудга келди. Бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим (6-7 ёшгача)
2. Умумий ўрта таълим (бошланғич 1-4, умумтаълим 5-9 синфлар)
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими (3 йил, академик лицей ва касб-хунар коллежлари)
4. Олий таълим (бакалаврият 4 йил, магистратура 2 йил)
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура 3 йил, докторантура 3 йил)
6. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (малака ошириш 1 ой, қайта тайёрлаш 2, 4, 6, 9 ой ва ҳ.к.)
7. Мактабдан ташқари таълим (тўғарақлар, клублар, индивидуал таълим кабилар) 8.
8. Оиладаги таълим.
9. Мустақил таълим.

1. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим тармоғига 1-3 ёшдан, 6-7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва боғча муассасалари, шунингдек оиладаги таълим-тарбия киради. Бундан кўзланган мақсад бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини таъминлашдан, маданий ахлоқий меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббатини тартиб топтиришдан иборат.

2. Умумий таълим

Узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билим, меҳнат ва бошланғич касбқор кўникма ва малакаларини,

ишбилармонлик асосларини, эгаллашларини шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

3. Мактабдан ташқари таълим.

Болалар ва ўсмирларни талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, жамоа бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари таълим муассасалари барпо этилади.

4. Ўрта махсус ва касб-хунар таълими

Ҳ.Т.Т, меҳнат ва касб-кор махорати ҳамда ишчи ва кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва малакаларни оширишни мақсад қилади. Ҳ.Т.Т таянч таълим асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта махсус ўқув юртларида, таянч урта ва касб-хунар таълими негизида амалга оширилади.

6. Олий таълим

Олий таълим танланган фаолият соҳасида чуқур умуммиллий ва махсус билимни зарур касб-кор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахасисларини шунингдек илимий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди. ОЎЮда таълим икки босқичда бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади: ОЎЮ қонунда белгиланган тартибда вақти-вақти билан аттестация акиредациядан ўтказиб туриади.

7. Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш

Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланади. Шахс ва жамият эҳтиёжларини шунингдек, жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришни таъминлайди. Илмий илмий педагог ходимларни тайёрлаш илмий даражалар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий унвонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва ҳ.) бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

8. Оиладаги таълим

Ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий камолотига ва ақл-заковатини ўстиришига маълумотли бўлишига жавобгардирлар. Оиладаги таълим ўқув юртларнинг дастурлари бўйича амалга оширилади. Кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан ўтган таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

9. Мустақил равишда таълим олиш.

Давлат фуқароларининг мустақил равишда ўз маълумотлар, маданий, касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишлари, қизиқишларини қўллаб - қувватлайди, уларга шарт-шароит яратади.

Билим ва малака даражасини мустақил равишда оширишган шахсларга экстернат тартибида имниҳон топшириш имконияти берилади.

Таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётида устивор деб эълон қилинади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари куйдагилардан иборат:

- т.-т. нинг инсонпарвар демократик ҳар-рда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.
- ДТС асосида таълим олишнинг ҳамма учун баробарлиги.
- таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашиш, билим олишга интилиш истеъдодни рағбатлантириш.
- Таълим тизимида давлат бошқарувини уйғунлаштириш.

Жиниси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида қанчй вақт яшаётганлигидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишга тенг ҳуқуқ яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Шунингдек, ушбу узлуксиз таълим тизими давлат талаблари ва давлат таълим стандартлари асосида ўқитилади. Улар қуйидагиларга бўлинади яъни:

давлат талаблари - мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари

давлат таълим стандартлари – умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий таълим

Миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ташкил этилди.

Узлуксиз таълим тизими

Мақсад: Талабаларга таълим соҳасидаги давлат сиёсати мазмуни ва принциплари, Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизими ва турлари ҳақида маълумот беринг.

Жихоз: Таълим тизими тузилишидаги қоидалар; Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими; таълим турлари каби жадваллар.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизими ва унинг қоидалари.
2. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими. (Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий)
3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Халқ таълими тизими деб муайян мамлактлар ички ва ташқи тараққиётга тавсиф берувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.


Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат қилинади. Республикамиз Конституциясида, яъни 18-41-моддаларида кўрсатилганидек, барча фуқаролар жинси, ирқи ва миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар билим олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан қафолатланади.

Ўзбекистон ҳудудида азал-азалдан таълим-тарбия соҳасига катта эътибор берилган.


Шарқ педагоглари болаларни ўқишга қизиқтириш учун китобдаги воқеаларни куш ва хайвонлар тилидан ҳимоя қилар эдилар. Масалан, «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳиний», «Камила ва Димна» каби асарларидаги нақл-ривоятларга одоб-ахлоқ қоидалари сингдириб юборилган. 1991 йилнинг 31 августида Республикамиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиклол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда, мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислоҳат ўтказиш масаласи кўтарилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизимининг янгиланишига сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишида бир қанча янги қоидалар жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайд қилинди. Бу қоидалар қуйдагилар:

1. Таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги.
2. Бунинг моҳияти шундаки, биздаги барча халқ таълими тизимига кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларнинг моддий ва маънавий камолатини, ақл-заковатининг ўсишини, ўзлигини билиш ҳақ-хуқуқлари учун курашадиган ватанпарвар бўлиб кетишларини мақсад қилиб қўяди.
3. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.
4. Мустақил Ўзбекистонимизда Халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз ўзаро боғлиқдир. Таълим жараёни ўқув режаси ва дастури асосида тизимни, изчил олиб борилади.
5. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга эга бўлиб, фан техника тараққиётининг энг янги муваффақиятлари ва инсон ақл-заковати туфайли такомиллашиб боради.
6. Таълимда умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларнинг устиворлиги.
7. Барча таълим тарбия масканларида берилаётган билим аждодларимизнинг минг йиллар мобайнида шаклланган анъаналарига таянади.
8. ДТС лари қоидасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.
9. Қонуннинг 4-моддасида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, турар жойи, республика худудида қачондан бери яшаётганлигидан қатъий назар, барчанинг таълим олиш учун тенг ҳуқуқлари кафолатланади.
10. Таянч таълимнинг мажбурийлиги.
11. Мамлакатимизда 1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йида саккиз йиллик, 1970 йилда умумий ўрта мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълимга ўтилди.


12. Таълим маънавий ва жисмоний дастурларини ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларни тасдиқлайди. Уларни бажарилишини назорат қилади. Ёш авлодни маънавий бой, рухан тетик, жисмонан бақувват, ахлоқан пок ва меҳнатсевар бўлиб вояга етиш учун барча моддий ва маънавий шароитларни ҳозирлайди.
13. Билимдонлик ва истеъдодли рағбатлантириш таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш стипендия, турли кўринишдагимақтов ёрликлари шаклида ташкил этилади.
14. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.
15. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан холи бўлиши.
16. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш.
17. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш.
18. Олдинги қабул қилинган қоидалардан фарқли ўлароқ, янги қонунда педагог шахсини унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш лозимлиги белгилаб қўйилган.
19. Амалдаги қонунлар доиларида мулкчиликнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг мустақиллиги таъминланиб, таълим муассасаси мустақил юридик шахс сифатида, қонунларга белгиланган тартибда барпо этилади.
20. Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув партия комплекслари ва ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга ҳақлидир.




Умумий ўрта таълим босқичлари



Олий уқув yurtidan keyingi таълим.




1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари.



5.

МИЛЛИЙ МОДЕЛ



20 - Маъруза

Тема: Касбий таълимнинг функциялари ва ривожлантириш тенденциялари

Режа:

1. Таълим муассасасида давлат-жамоат бошқарувининг психологик-педагогик асослари.
2. Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳақидаги Низом. Таълим муассасаси Устави.
3. Таълим муассасаси директори ва унинг ўринбосарлари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Таълим муассасасини бошқаришнинг педагогик- психологик асослари. Бошқариш фақат ишлаб чиқаришгагина хос бўлган жараён эмас. Балки ижтимоий соҳалар, шунингдек, таълим тизимида ҳам бошқаришни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим.

Ҳозирги пайтда ягона педагогик жараёни бошқаришга илмий ёндашиш ҳаракати кучайди. Бу эса интеллектуал салоҳияти юқори кадрларни шакллантириш учун ўта муҳим ҳисобланади.

Аввало, бошқаришнинг ижтимоий моҳиятини англаб олайлик. Бошқариш маълум бир объектга ташкилий, режали, тизимли таъсир кўрсатиш демакдир.

Хўш, менежмент ва менежер атамаларининг асл моҳияти нимани англатади?

Биз ушбу тушунчаларнинг моҳияти, таълим муассасида давлат-жамоа бошқарувининг педагогик-психологик асосларини тушунишимизда ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган педагог Р.Ахлиддиновнинг қарашлари алоҳида диққатга сазовор.

«Менежмент» ва «менежер» атамалари ҳозирги талқинда корхона ва муассаса эгалари ўз мулклари ва ходимларни ўзлари бошқарганларидан кўра танланган йўналиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларни жалб этиш афзал эканлигини тушуниб етганларидан сўнг пайдо бўлди. Бугунги кунда менежер ривожланган демократик мамлакатларда нуфузли касблардан бири ҳисобланади.

Мактабни бошқариш ишига мактаб инспекцияси, яъни, вазирликлар ва халқ таълими бўлимларининг мактаб инспекторлари хизмати ёрдам беради. Улар мактаб фаолиятини ўрганади, таълим-тарбия жараёнининг натижаларини таҳлил қилади, илғор тажрибаларини аниқлайди ва уларни оммалаштириш чора-тадбирларини белгилайди, камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўллариини излайди, мактаб директори ва ўқитувчиларга методик ва моддий ёрдам кўрсатади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув-таълим ва касб-хунар дастурларини бирлаштириш, педагог кадрлар

билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги (Ўрта махсус касб-хунар таълими Маркази), унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда амалга оширилади

Таълим тизимини жамоатчилик асосида бошқариш ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларидан иборат педагогик Кенгашнинг умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган фаолиятидир.

Бир йилда бир марта ўтказиладиган мактаб конференцияси ҳам жамоатчилик бошқарувига киради. Конференцияда мактаб Кенгаши, унинг раиси сайланади, мактабнинг Устави қабул қилинади.

Давлат таълим муассасалари билан бир вақтда нодавлат таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиши ҳам таълимни бошқаришнинг жамоатчилик характерини ифодалайди.

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳақидаги Низом, таълим муассасаларининг Устави – таълим муассасаларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилишнинг асосий ҳужжати. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган. Ушбу Низомда қуйидаги масалалар ёритилган:

1. Умумий қоидалар.
2. Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари.
3. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш.
4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.
5. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
6. Умумий ўрта таълимни бошқариш.
7. Маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
8. Халқаро ҳамкорлик.

Низомга асосан, умумий ўрта таълимнинг мақсади ўқувчиларни давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мазмунини ёритиш Низомнинг асосий ғояларидан бири бўлиб, мажбурий ва қўшимча компонентлар умумий ўрта таълим мазмунининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим халқаро ҳамкорлик асосида ҳам ташкил этилади. «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомнинг саккизинчи бўлимида қайд этилганидек, умумий ўрта таълимни бошқариш органлари ва уларнинг маҳаллий органлари саналган таълим муассасалари халқаро ҳамкорликни педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг тажриба ўрганиш ва малака ошириш мақсадида прогрессив халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантларини олиш соҳасидаги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар ҳамда шартномалар асосида амалга оширадилар.

Умумий қоидаларда ўрта махсус, касб-хунар таълими умумий ўрта таълим негизида ўқитиш муддати 3 йил бўлган узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури хисобланиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ амалга оширилиши, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг юридик шахс хисобланиши, қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилиши баён этилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурини бажариш;

- ўқувчиларнинг узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш, танлаган мутахассисликлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун зарур ва етарли бўлган билимлар ҳам касб тайёргарлиги даражасини чуқурлаштириш;

- республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Низомда академик лицейларнинг олий таълим муассасалари хузурида, касб-хунар коллежларининг эса худудларнинг демографик ва географик шароитлари, тегишли соҳа мутахассисликларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда ташкил этишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг асосий вазифалари сирасига ўқувчиларни қабул қилиш, умумий ва касб-хунар дастурларини амалга ошириш, назорат турларини ташкил этиш, курсдан-курса, ўрта махсус касб-хунар таълимининг бир туридан бошқасига ўтказиш ҳамда диплом бериш кабилар киради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, таълим муассасасига профессор-ўқитувчилар ва муҳандис педагогларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бериб ўтилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини бошқариш тартиби академик лицей ва касб-хунар коллежларига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ўқув таълим ва касб-хунар дастурларини бир хиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази), уларнинг худудий бошқармалари, шунингдек, таълим муассасаси директори томонидан амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини маблағ билан таъминлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ таъминланади. Таълим муассасасининг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари белгиланган тартибда хорижий шериклар билан битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлаши мумкин.

Таълим муассасаларининг фаолияти, шунингдек, меъёрий хужжатлардан бири саналган Устав ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Таълим муассасининг Устави таълим муассасаси фаолиятига раҳбарлик ва бошқариш тизимини аниқловчи хужжатдир.

Таълим муассасасининг Уставида таълим жараёнининг қуйидаги икки муҳим таркибий жихати ажратиб кўрсатилади:

1) давлат таълим стандартида белгиланган билимлар захирасини эгаллаш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш тартиби;

2) билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни ташкил этиш (саводхонлик, мустақил фикрлаш ҳамда масалаларни еча олишга ўргатиш).


Шунингдек, таълим муассасасининг Уставида муассасани бошқаришга қўйилувчи талаблар, ўқитувчи, ўқувчилар ҳамда таълим муассасаси раҳбарларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам аниқ баён этиб берилган.

Бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги. Таълим муассасасини бошқаришга нисбатан тизимли ёндашув асосида раҳбар таълим муассасасини бир бутун яхлит тизим сифатида ва унинг белгилари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Тизимнинг биринчи белгиси ягоналиги ҳамда уни бўлақлар, таркибий қисмларга ажратиш мумкинлигидадир. Иккинчи белгиси тизимнинг ички тузилишининг мавжудлигини англатади. Учинчи белгиси тизимнинг интеграциялана олишидир. Тизимнинг ҳар бир таркибий қисми ўзига хос сифатга эга бўлгани билан, ўзаро ҳаракат орқали тизимнинг янги интеграциялана олиш сифати ҳосил бўлади. Тўртинчи белгиси таълим муассасаларининг ташқи муҳит билан ҳамбарчас боғлиқлигидир. Чунки таълим муассасалари ташқи муҳитга мослашиб, ушбу таълим жараёнини қайта қуради ҳамда ўзининг мақсадларига эришиш учун ташқи муҳитни ўзига бўйсундиради. Бошқарувдаги тизимлилик ва ягоналик раҳбар билан педагогик жамоа ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва алоқани таъминлайди, бир ёқлама бошқарувнинг олдини олади.

Ахборотлар жамғармасини шакллантириш ва ундан жадал фойдаланиш бошқарув ишини илмий ташкил этишни юксалтиради.

Мактаб ички бошқарувининг ўзига хослиги қуйидаги вазифаларда аниқ кўринади:

1. Таълим-тарбия жараёнини педагогик таҳлил қилиш.
2. Мақсад қўйиш ва режалаштириш.
3. Ташкил қилиш.
4. Мактаб ички бошқарувини назорат қилиш.
5. Тартибга солиш.



Таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва ривожланишини тахлил қилмасдан, аввал эришилган натижаларни ҳозиргилари билан таққосламасдан туриб, уни бошқариб бўлмайди.

Таълим муассасасини бошқариш самарадорлиги раҳбарнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам педагогик тахлил услубиятини теран билишларига боғлиқ. Агар ўз вақтида, профессионал даражада педагогик жараён тўғри тахлил қилинмаса, жамоа орасида ўзаро бир-бирини тушунмаслик, ишончсизлик келиб чиқади. Ҳозирги пайтда педагогик тахлилнинг қуйидаги уч тури мавжуд:

- 1) кундалик тахлил;
- 2) тизимли тахлил;
- 3) якуний тахлил.

Кундалик тахлил ўқув жараёнининг бориши ва натижаси ҳақида ҳар куни маълумот йиғиб, ундаги камчиликларнинг сабабини аниқлашга қаратилади. Кундалик тахлил натижасида педагогик жараёнга ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилади. Кундалик тахлилнинг предметига ўқувчиларнинг ҳар кунги ўзлаштириш ва интизомлари даражаси, таълим муассасаси раҳбарининг дарсга ҳамда синфдан ташқари дарсларга қатнашиши, мактабнинг тозалик ҳолати, шунингдек, дарс жадвалига риоя қилиш каби ҳолатлар киради.

Тизимли тахлил дарслар ва синфдан ташқари машғулотлар тизимини ўрганишга қаратилади. Тизимли тахлил мазмуни таълим методларини тўғри уйғунлаштириш, ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш, ўқитувчиларнинг сифатли тарбиявий ишларни олиб боришлари, уларнинг педагогик маданиятини кўтариш ҳамда таълим муассасасида инновацион муҳитни ташкил қилишда педагогик жамоанинг хиссасини таъминлаш кабилардан иборат.

Якуний тахлил ўқув чораги, ярим йиллик ва ўқув йили якунида амалга оширилади ҳамда асосий натижаларга эришиш йўлларини ўрганишга қаратилади. Якуний тахлил учун маълумотлар кундалик ва тизимли тахлиллар, жорий ва оралиқ назорат якунлари, ўқувчиларнинг ва синф раҳбарларининг ҳисоботларидан олинади.

Ҳар қандай педагогик жараённи бошқаришнинг асоси мақсад қўйиш ва режалаштиришдан иборат.

Бошқарув фаолиятининг мақсади – ишнинг умумий йўналиши, мазмуни, шакли ва методларини аниқлаш. Демак, мақсад – режанинг асоси. Бошқарувда

асосий мақсад аниқланганидан кейин, унга эришиш учун қўшимча мақсад қўйилади. Таълим муассасасини бошқаришни режалаштириш педагогик таҳлил асосида белгиланган дастурий мақсадга мувофиқ қарор қабул қилишдир. Бундай қарорлар маълум бир муддат давридаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали ёки якуний ишларни бажариб бўлгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Таълим муассасасини бошқариш амалиётида режалаштиришнинг қуйидаги учта асосий шакли қўлланилади:

- 1)муддатли (перспектив);
- 2)йиллик;
- 3)якуний.

Муддатли режалаштириш қоидага мувофиқ сўнгги йилларда таълим муассасасида амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида бир неча йилга мўлжаллаб қабул қилинади.

Таълим муассасасида қабул қилиниши мумкин бўлган муддатли режа қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Режалаштирилган муддатда таълим муассасаси олдида қўйилган вазифалар.

2. Гуруҳларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг йиллик ўзлаштириш даражаси муддатлари.

3. Таълим жараёнига педагогик инновация (янгилик)ларни олиб кириш муддатлари.

4. Таълим муассасасини педагогик кадрларига қўйилган талаблар.

5. Педагог кадрлар малакасини турли шакллар (курслар, семинарлар, тренинглар) орқали ошириш.

6. Таълим муассасасини техника ҳамда ўқув-методик (қурилиш ишлари, ахборотлаштириш, кўргазмали қуроллар, кутубхона фондини бойитиш) кўламини ривожлантириш.

7. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий химоя қилиш.

Йиллик режалаштириш бутун ўқув йили ҳамда ёзги таътилни қамраб олади. Йиллик режалаштириш ўқув йили давомида амалга оширилади ва таълим жараёнини ташкил этилиши (чорак, семестр)га қараб бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Педагогик бошқарувга доир адабиётларда таълим муассасаси ички назоратининг қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши баён этилган:

1. Педагогик ташкилотчиликка доир саволларнинг қўйилиши.

2. Таълим дастурлари, ДТСнинг бажарилиш сифати.

3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг сифати.

4. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси.

5. Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларининг бажарилиш ҳолати.

6. Дарсдан ташқари тарбия ишларининг ташкил этилиш ҳолати ва сифати.

7. Педагогик кадрлар билан ишлаш.

8. Таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос самарадорлиги.

9. қабул қилинган қарорлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг бажарилиши.

Таълим муассасаси ички назоратининг турлари, шакллари ва методларини туркумлаштириш hozirги вақтда муаммоли масала бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, ички назоратнинг қуйидаги турлари ажратилиб кўрсатилади:



Чизма. Таълим муассасаси ички назоратининг асосий турлари

Мавзули назорат қандайдир аниқ масалани ўрганишда таълим муассасаси жамоаси, ўқувчилар гуруҳи ёки алохида ўқитувчининг педагогик фаолияти тизими, таълим муассасасидаги таълим даражаси, шунингдек, ўқувчиларнинг экологик ва эстетик тарбияси тизимига эътибор қаратилади.

Фронтал назорат бутун педагогик жамоа, методик кенгаш ёки алохида ўқитувчи фаолиятини ўрганишга қаратилади.

Алохида назорат бирор бир ўқитувчининг фаолияти, синф (гуруҳ) раҳбарларининг тарбиявий ишларини мавзули, фронтал текширишга асосланади.

Синф-мулоқот назорат шаклида синф жамоасининг дарс ва дарсдан ташқари жараёнида шаклланишига таъсир этувчи ўзига хос омиллар эътиборга олинади.

Тартибга солиш бошқарув фаолиятида катта аҳамият касб этади. У ўтган ўқув йилида эришилган натижаларни, йўл қўйилган камчиликларни ҳисоб қилади. Ана шу асосдан келиб чиқиб, янги ўқув йилида таълим муассасаси олдига мақсад ва асосий вазифаларни қўяди.

1. .

21 – Маъруза.

Тема: Ўрта махсус, касб хунар ўқув юртларида ўқитишнинг назарий асослари

Режа

1. Назарий таълим методлари.
2. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш

Укитиш методлари таълим жараёнида уқитувчи ва уқувчилар фаолиятининг йуналишини, уқитиш жаарёнининг кандай ташкил этилиши ва олиб борилишини ҳамда уқитувчининг иш характларини белгилайди. Бу методлар уқитувчи томонидан уқувчилар билим, куникма ва малакаларни узлаштириш учун кулланадиган усуллар йигиндисини уз ичига олади.

Таълим тизимида уқитиш методлари билан бирга «усул» ва «восита» атамалари ҳам ишлатилади.

Усул – маълум уқув материални утишда кулланаётган асосий уқитиш методи билан бирга иккинчи бир уқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш куришдир.

Восита – уқитиш методларини амалга ошириш учун зарур булган ёрдамчи уқув материаллари – асбоб, курул, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир. Таълим методлари уқитиш жараёнида ва педагогик тафаккурнинг куп асрлик ривожланиши тарихида мухим узгаришларга дуч келди. Педагогикада таълим методларини тавсифлаш ва белгилашга бир хил ёндошиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар методларини белгилашда билиш манбааларининг хусусиятларини асосий деб хисоблайдилар; чунончи, огзаки (сухбат, тушунтириш, баён килиш, уқувчиларнинг техник адабиётлар билан мустикал ишлаши ва бошкалар); кургазмали (кургазмали курул, кинофильм ва диафильмларни намойиш этиш); мехнат усулларини курсатиш уқувчиларни мустикал кузатишлари ва бошкалар); амалий (машклар, операциялар, иш усуллари, амалий лаборатория машгулотлари) ва бошкалар.

Тушунтириш – кургазмали метод. Уқитувчи хар хил воситалар ёрдамида уқувчиларга тайёр маълумот беради ва улар маълумотни кабул киладилар, англайдилар ва хотирада саклайдилар.

Эслаш методи. Уқитувчи топшириклар тизими билан уқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади. Уқувчи эса тасвирлар буйича куникма ва малакаларни эгаллайдилар. Уқувчилар билимининг хажми ортиб борган сари биринчи методдан иккинчиси билан бирга фойдаланиш купайиб боради.

Муаммоли баён. уқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради, дарс давомида уни хал килиш йулларини тушунтриб боради ва хал килади. Уқувчилар уқитувчи билан биргаликда муаммони хал килишда фаол иштирок этадилар.

Тадкикот методи уқувчиларнинг янги муаммони хал килишдаги мустикал изланиши ва ижодий фаолиятини ташкил этиш усулидир. Бунда уқитувчи уларга тайёр муаммони баён килмайди. Уни уқувчиларнинг узлари уқув материални узлаштириш жараёнида топадилар. Шундан сунг уқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради.

Анъанавий уқитиш методлари – огзаки баён килиш, тушунтириш, сухбат, маъруза, уқув адабиётини уқиш; тажрибалар утказиш, натурал объектларни

курғазмали воситаларни намоёиш этиш; машк, ёзма иш, график иш, лаборатория ишлари – баён этилган методлар тизимида восита ва усул сифатида намоён булади. Укитувчи эса улар ёрдамида у ёки бу методлардан фойдаланиб дарсини юкори савияда утказди.

Амалий укитиш методлари.

Амалий метод деганда укув материалини машклар, мустакил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида узлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялари, комплекс ишлар ва вазифаларни бажаришда мустакилликни ривожлантиришга қаратилган ишлар, тренажерларга оид машклар, лаборатория – амалий ишларга эса технологик жараёни бошқариш машклари қиради.

Машклар – куникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустахкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни қўл марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимдаги машкларга асосан қўлидаги талаблар қўйилади: машкларни укувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йусинда бажаришлари; машклар методикага асосланиши, тизимли, изчил, узлуксиз булиши ва такрорланиши; укувчиларнинг ишдаги мустакиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик куникмалар шаклланишининг дастлабки пайтларида айниқса қатта аҳамиятга эга. Укувчилар машк натижаларидан довдираб қолмасликлари учун уқитувчи, уста уларнинг қийинчиликлардан, қийинчиликларни енгил йўлларида оғохлантиради. Машклар муваффақиятли утиши учун уқитувчи укувчиларнинг тегишли натижаларга эришишдаги интилишларини қўллаб қувватлаши керак. Машкларни тобора қийинлаштириб бориш зарур. Куникмаларни ишакллантириш жараёни укув фаолиятида ҳал қилувчи рол уйнайди. Куникма ҳосил қилишнинг мувофақияти қатор шартларга боғлиқ.

Биринчи шарт – куникма нима мақсадда шакллантиришини англашдир. Ҳар қандай куникма – автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимидир. Агар укувчи материални узлаштиришда унинг аҳамиятини ташанмаса, унда бундай ҳаракатлар шаклланиши қийин булади.

Иккинчи шарт – машкларни тизимли булиши. Одатда куникмалар ҳосил қилишдаги қийинчиликларга укув машклари тизимини ташкил этиш ва уларни утказишдаги қамчиликлар сабаб булади.

Учинчи шарт – амалий ҳаракатларини онгли равишда бажариш. Укувчи уз ҳаракатларини, иш операцияларини изчиллигини яхши тушуниши зарур, уларни механик тарзда такрорлашга ва ёдлаб олишга йўл қўймаслик керак.

Туртинчи шарт – дастлаб амалий ҳаракатлар ва операцияларга пухта тайёрланиш. Операциялар онгли равишда, режа асосида бажарилса, куникма тезроқ ва мувоффақиятлироқ шаклланади. Укувчи узининг дастлабки ҳаракатларида ҳаттога йўл қўймаслиги лозим, чунки уларни қайта урганишга тугри қелмайди. Дастлабки ҳаракатлардаги ҳатто кейин такрорланиб, мустахкамланиб қолиши мумкин ва уни тузатиш қийин булади. Шу сабабли ҳаракатларни бажараётганда операциялар тартибини овоз чиқариб ёки чиқармай гапириб туриш гоёт фойдалидир. Уқитувчи шу ҳаракатлар ва операцияларни эътибор билан назорат қилиб боради.

Бешинчи шарт – машкларни мустакил бажариш ва узини узи назорат килиш. Укувчи уқувчига бундай назоратнинг усуллари ургатиши зарур.

Олтинчи шарт – бажарилган машклар, амалий ишларни таҳлил килиш ва баҳолаш. Уқув куникма ва малакаларнинг ижобий ҳамда салбий жихатлари булади. Уқувчилар типик хатоларга йул қуядилар. Дарсларда яхши ишларни намойиш килиш, ижобий намуна асосида уқитиш мақсадга мувофиқдир.

Куникмаларни шакллантиришнинг мана шу шартларига риоя қилинса, уқитишнинг амалий методлари уқув материални мувоффақиятли ушлаштиришга олиб келади.

Шаклланган куникма ва малакаларни мустахкамлаш ва такомиллаштиришни таъминлашнинг асосий омиллари:

1. Куникма ва малакаларнинг онгли, тушуниб ва мустахкам шаклланиши.
2. Уларни шакллантиришда ушлаштирилган билимларга таянилиши.
3. Хатоларнинг олдини олиш, уларни уз вақтида тузатиш. Нотугри иш усулларига йул қуймаслик.
4. Уқувчиларга ягона педагогик талаблар қуйиш.
5. Топширикларни секин-аста мураккаблаштириб бориш.
6. Машклар учун ажратилган вақтдан тугри фойдаланиш.
7. Малакалар тулик шакллангунича машкларни давом эттириш.
8. Уқувчиларнинг эътиборлиги.
9. Машкларнинг мунтазам равишда утказилиши


Уқув материални муаммоли баён этиш.

Уқув жараёни такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари – уқувчиларнинг таълимий ишларини фаоллаштириш, муастакиллигини ривожлантириш, уқитишнинг энг самарали шакл ва методларидан фойдаланишдир. Бу шакллардан бири уқув материални баён этишни муаммоли қилиб тузатишдир. Бунда уқувчи онгида муаммоли вазият ёки илмий изланишни эслатувчи вазифа шаклланади. Уқувчининг узи саволга жавоб топишга, муаммони хал қилишга интилади. Одатда, у тугри жавобни уқитувчи ёрдамида топади. Аммо узи қидириб топишга интилиши ва ечим вариантларини топиши унда билиш фаоллигини, мустакил фикрлашни вужудга келтиради, унинг билиш фаолиятига ижодий тус беради.

Уқитишда тафаккур янги ҳаракат усуллари ва ушлаштирилиши лозим бўлган янги билимларни “қашф этиш”ларига хизмат қилади ва шунда уқитувчиларда руй берадиган психик ҳолатни кетириб чиқарадиган муайян вазиятлар ҳамда уларга мос вазифалар муаммоли вазият ва вазифалар деб аталади. Шундай вазиятни яратиш ва уша муаммони хал қилишда уқитувчининг тутган йули, усули муаммоли баён қилиш дейилади.

Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони хал қилиш асосида ташкил этилган уқув жараёни муаммоли уқитишдир.

Муаммоли вазифалар ва вазиятлар қуйидаги ҳолларда вужудга келиши мумкин: Мана шуларнинг ҳаммаси билиш ва қизиқиш фаоллигини келтириб чиқаради. Уқувчилар узларида ечимни топиш учун зарур билимлар борлигини тушунадилар ва муаммо жавобнинг тугри вариантини топишдан иборат булади



1-расм. Укитиш методларининг таснифи

Таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланишда материални узлаштириш укувчи тафаккурининг натижаси булади. Аммо уқитувчилар шунини эсда тутишлари керакки, укувчилар узларича ҳамма нарсани «кашф этиш»га ва урганиб олишга кодир эмаслар. Улар уқитувчи раҳбарлигида хулоса чиқаради, коидаларни таърифлайди. Шу сабабли таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланишда ҳам уқитувчининг тушунтириши уз аҳамиятини йукотмайди.

Шу билан бирга уқитиш методларининг куйидаги таснифи ҳам мавжуд (1-расм). Унда методлар икки гуруҳга: билимларни дастлабки урганиш методлари ва билимларни мустахкамлаш ҳамда такомиллаштириш ва малакаларни шакллантириш методларига булинган. Уқиш жараёнида укувчиларнинг фаоллик даражасига қараб биринчи гуруҳдаги методлар яна иккига булинади, булар маълумотли – ривожлантирувчи, муаммоли изланишли методлардир.

Анъанавий таълимда маълумотли – ривожлантирувчи методларнинг салмоғи анча катта. Бундай дарсда укувчига нисбатан уқитувчи фаолроқ катнашади.

Билимларни мустахкамлаш ва қуникмаларни шакллантириш учун қўпинча репродуктив методдан фойдаланилади. Бу метод укув материални айтиб

бериш ва эсда саклашга, ижодий тафаккурнинг ривожланишига, мустакил билиш фаолиятини кучайтиришга қаратилган булади.

Лекин уқитиш методлари тургун, доимий эмас, улар кейинги пайтларда ривожланиб фаол уқитиш методлари шаклида намоён булмоқда.

Фаол уқитиш методлари уқув материални эгаллаш жараёнида уқувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундайди.

Фаол уқитиш методидан куйидаги фойдаланилади:

А). Уқитувчи уқув материални қайта гапириб бериш ва эсда саклаш учун тайёр билимларни намоёиш этмайди;

Б). У уқув материални шундай баён қиладики, уқувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустакил билим ҳамда қуникмаларни эгаллайди (2-расм).

Фаол уқитиш методларининг хусусияти, улар асосида амалий ва фикрлаш фаолиятига интилиш ётишидир. Бу методлардан дарснинг ҳар хил босқичларида: билимларни дастлабки урганишда, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда, қуникма, малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Лекин уқув жараёнида фақат фаол уқитиш методларидан фойдаланмаслик, балки у билан анъанавий уқитиш методларидан ҳам фойдаланиш керак.

22 – Маъруза.

Тема: Ўқитиш жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари, унинг таркибий қисмлари

Режа:

1. Билимларнинг ўзлаштиришнинг моҳияти.
2. Билим фаолиятининг умумий тавсифномаси.
3. Билим ва қуникмаларни эгаллашга ундовчи куч.
4. Ўқиш фаолиятининг манбаалари.

Билим кишиларнинг объектив борлиқдаги нарса ва ходисаларни, табиат ва жамиятнинг қонунларини билиб олишидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам билим билиш маъсулидир. Киши ҳаётда таркиб топган билими тарихий тараққиёт давомида ўзгариб боради, янги билимлар билан тўлдирилади, кишининг нарса ва ходисалар тўғрисидаги билимлари тобора чуқур, аниқ, равшан бўлиб ўсиб бораверади.

Барча билимлар оғзаки ва ёзма нутқ орқали авлоддан авлодга ўтиб, кишилар томонидан ўзлаштирилиб борилади. Шу ўринда “Ўқувчиларнинг билимлари қандай бўлмоғи керак?”, деган савол туъилади. Мактаб томонидан бериладиган муайян мақсадга қаратилган билимлар қатоиян илмий, яъни ҳақиқий текширилган бўлмоғи лозим. Ўқувчиларнинг фикри ходисаларга, уларнинг моҳиятига йўналтирилиши, нарсаларни пайдо бўлиши, уларнинг ўзгариши ва ривожланишини кўрсатиш, энг муҳими ходисалар ўртасидаги ички ўзаро боғланишларни кўрсатиб бериш лозим. Билимлар мазмунининг илмий бўлиши ўқувчиларнинг умумий ўсишига таосир кўрсатади. Уларнинг билим

доирасини кенгайтиради, ёшларни келгусидаги ғаёти профессионал таолим учун олий ўқув ютларида билимларни чуқурроқ ўзлаштириш учун шароит яратади.

Хозирги кунда фан жуда тез ўсмоқда ва унинг янги тармоқлари вужудга келмоқда, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлар, тушунчалар пайдо бўлмоқда. Буларнинг хаммаси ўқувчиларнинг илмий билимларида акс этмоғи керак, албатта;

Ўқувчиларнинг билимларига қўйиладиган муҳим талаблардан бири билимларнинг системалилигидир. Ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар ўзаро боғланган, аниқ мантиқий тузилишга ва изчилликка эга бўлиши лозим;

Ўқувчиларнинг билими тушунарли, маълум маонога эга бўлмоғи лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг маонодорлиги шундан иборатки, бу билимлар биринчи навбатда конкрет мазмун ўргатилаётган нарса, ғодиса ва уларнинг қонуниятлари тўғрисида аниқ тасаввур ва тушунчалар билан бойитилган бўлиши керак. Ўрганилаётган материалнинг моҳиятига тушуниш, улар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларни топиш, ўзлаштирилаётган қонуниятларни асослаб бериш ҳамда тўғри хулоса чиқаришни билиш демакдир.

Ўқувчининг билими чуқур ва ғар томонлама бўлиши лозим. Мактаб таълими шароитида билимнинг чуқурлиги муайян фаннинг тараққиёти даражасига, шу билан бирга мактаб таълимининг мақсад ва вазифаларига ҳамда ўқувчининг ўсишига қараб турлича бўлади. Билимнинг чуқурлиги ўқитиш усулига, ўқувчиларнинг хусусиятларига, ақлий тараққиётига боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг билими ғаёт тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим.

Ўзлаштириш муайян билим, кўникма ва малакаларини эгаллашга қаратилган, муайян мақсадга таянган билиш фаолиятидир. Ўзлаштириш, муайян мақсадга педагогик таъсир тариқасида ўқувчилар онгида, уларнинг ўқиш ва амалий фаолиятида ўз ифодасини топади.

Ўқиш фаолияти шахс камолотида катта роль ўйнайди ва муҳим маъно касб этади.

Бу шундай фаоллики, унинг жараёнида билимлар малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади. Болаларнинг онгли мақсадга йўналтирилган ўқиш фаолияти уларнинг мактабга кириб, таълим олишга киришилганидан кейин бошланади.

Ўқиш фаолияти жараёнида юқори фаоллик уй вазифаларини системали ва мустақил бажариб боришига одатлантириш, ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини мувоффақиятли ташкил қилишнинг муҳим шартидир.

Билимларни эгаллаш жараёни ўқитувчиларнинг раъбарлигидаги билиш фаолиятининг асосий формасидир. Ўқитувчи ўқувчиларга янги ўқиш материалларини тушунтирибгина қолмай, балки уларнинг максимал даражасини мустақил билим эгаллашга ундаш керак. Ўзлаштириш жараёни билиш фаолияти тариқасида инсон психик тараққиётини барча томонларини ўз ичига олади. Ўзлаштириш идрок, хотира, тафаккур, хис-туйғу, ирода ва шахснинг бошқа бир қатор хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Билимларни ўзлаштириш ўқувчининг ўқишга бўлган тайёрлиги, илгари ғосил қилган кўникмалари ақлий тараққиётига, ёш ва индивидуал хусусиятларига боғлиқдир.

Юқоридаги фикрларга қисқача изоъ бериб кетамиз.

Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши, материални идрок қилишдан бошланади. Идрок нарса ва ходисаларнинг сезги органларига бевосита таъсир этганда яхлит акс эттирилишидар. Ўқиш фаолиятида идрок кўпинча кузатишга ўтиб кетади. Ўқувчи ўзи ўрганаётган нарсаларни, ўодисаларни уларнинг хусусиятларини борлиқдаги обоектларни идрок қилган ва кузатган ўолда билиб олади. Бундан ташқари, ўқув материалларини ўзлаштиришда хиссий билишнинг роли катта. хиссий билиш предмет ва ходисаларнинг бизнинг сезги органларимизга бевосита таъсир этиши натижасида пайдо бўладиган психик жараёнларни бирлаштиради.

Хиссий билишнинг бошланғич пайти сезгидан иборат бўлиб, сезги предмет ва ходисаларни бир бутун ўолда ўзида акс эттирувчи идрокда, унинг барча хилма-хил хусусиятларида иштирок этади. Олдин идрок қилинган нарса ва ўодисалар тасаввур шаклида эсга туширилади. Ўқувчи ўқитувчининг айтганларини идрок қилиш билан бирга кўрғазмали куролларни ҳам кўрса, амалий машқларни бажарса ўқув материалларни ўзлаштириш анча уенгиллашади ва материал мустаъкам эсда қолади.

Маълумки, тафаккур киши ақлий фаолиятининг юксак формаси бўлиб, реал борлиқнинг билвосита ва умумлашган иноикоси, борлиқдаги буюмлар ҳамда ўодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг акс этиш жараёнидир. Шунинг учун тафаккур ўқувчиларнинг ўқув материални онгли ўзлаштиришда ва уни амалий ишга тўъри тадбиқ этишни асосий фаолиятидир. Билимни ўзлаштиришда тафаккурнинг турли операцияларини умумлаштириш, таълил ва синтез, конкретлаштириш, системалаштириш, абстракциялаш кабилар иштирок этади.

Одамниг ўар қандай ақлий фаолияти диққатсиз амалга ошмайди. Ўқувчиларнинг диққати ўқув ишига жиддий қаратилгандагина ўқув материални тўла англаб ва мустаъкам ўзлаштирилиб олинади. Шу билан бирга, ана шу ўзлаштирилиш жараёнида диққатнинг ўзи ҳам ўсиб барқарорлашиб боради.

Ўқиш фаолиятида диққатнинг барқарорлик, марказланиш, тақсимланиш ва бошқа хусусиятлари ривожланади, диққатнинг хажми кенгаяди. Олдин ташқи диққат, яони ташқи объект ташқи ахборотларга қаратилган диққат ўсиб боради. Ўқувчиларнинг ўсиши ва уларда билимларнинг кўпайиб бориши билан ички диққат ўқувчининг ўз психик ўаётига қаратадиган диққат ҳам ривожланиб боради. Маолумки, диққатнинг 3 тури - ихтиёрсиз, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатлардир.

Хотира инсон тажрибасида нима бўлса ўшани эслаб, сақлаб қолиш кейинчалик яна эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Психология фани ўқув материални эслаб қолиш тезлиги, аниқлиги ва мустаъкамлигининг муайян шартлари аниқлади. Аввало, ўқув материалининг қандай эслаб қолиши мухим аҳамият касб этади. Эслаб қолишда сезги органлари қанчалик кўпроқ иштирок этса, унинг шунчалик пухта эсда қолдириш аниқланган.

Дарсда эсда олиб қолган материални хотирада мустаъкам сақлаб қолишда, такрорлаш мухим ролр ўйнайди. Такрорлашнинг самарали бўлиши унинг миқдорига эмас, балки бу такрорлашнинг йўли материални фаол такрорлашдир.

Фаол такрорлаш идрок қилинган материални бир неча марта эсга тушириш, ўқиган нарсани қайта сўзлаб бериш демакдир. Бундай такрорлашда тафаккур ва нутқ фаолияти фаоллашади ва текстнинг мазмунини тўла тушунишга эришилади.

“Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак, бу дастур: умум таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий раъбатлантириш, махсус синф хоналари барпо этиш, олий ўқув юртларини, мактабларни оталиққа олишни йўлга қўйиш ва шулар кабиларни);

энг истеододли болалар учун мактаблар очишни;

корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиъатидан янги муносабатларни жорий этишни;

Хунар-техника билим юртларида хўжалик хисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларни тайёрлаш сифатини кескин оширишни; олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта кўришни ўз ичига олиши керак (Маорифат газетаси 1992 йил 7 январ).

“Таълим тўғрисидаги” янги қонун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинганга қадар ҳам, биз мактабгача тарбия тўғрисида фикр юритиб келганмиз.

Бугун эса масалага чуқурроқ янгича ёндашмоқдамиз. Дастуримиз талабларига асосан мактабгача таълим тури болани мактабга тайёрлаш билан бирга уни соълом бўлиб ўсишини таоминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш хисси уйьонади.

Мактабгача тарбия ёшидаги ўқиш-ўрганиш хали системали ьарактерда бўлмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болани бирор нарсани системали равишда ўқиб-ўрганиш камдан-кам учрайди. Болалар боъчаларида махсус ўқув машъулотлари жорий қилинган, ьар бир ёш учун мос муайян программа талаблари мавжуд.

Мактаб ўқитиш фаолиятининг манбаидир. Боланинг мактабга кириши унинг ьаётида бурилиш чоъидир. Бола мактабга кириб ўқиши биланоқ унинг ьаётида ўқиш асосий фаолият бўлиб қолади. Ўқиш ўқувчининг вазифаси, ижтимоий бурчидир. Мактабда бола системали равишда янгиликлар олади. Бу ўқувчининг кундан-кунга ортиб бораётган манбаидир.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган, “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” нутқида бошқа таълим турлари катори, умум ўрта таълим мактаблари фаолиятини ҳам жиддий танқид остига олган эди. Жумладан, нутқда бошланьич таълимга иккинчи даражали деб қаралиб келинаётганлиги, ўқувчиларда мустақил, эркин фикр юритиш кўникмалари хосил қилинмаётганлиги 11 йиллик ўқув тизими илмий жиъатдан асосланмаганлиги ва бошқа камчиликлар айтилган.

Олий таълим муассасаларида, шу давргача олинган билимлар, кўникма ва малакалар янада чуқур , кенг ва аниқ бир соъалар бўйича ўзлаштирилади.

ьозирги кунда Ўзбекистон Республикасида қандай даражадаги олий таълим муассасалари бор?

Улар қуйидагилар:

Университет – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соъалари бўйича олий ва олий ўқув юртлиридан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон беради.

Академия – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соъалари бўйича олий ва ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Институт – билимларнинг битта соъаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олиш ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Ўқитувчи – мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидир. Ўқитувчилик – инсон жамияти тарихи бошланишидан то ўзирги кунгача ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эотиборга лойиқ эозланиб келинган касбдир. Ўқувчиларга замонавий билимларни бериш учун ўқитувчининг ўзи шундай билимга эга бўлмоъи лозим.

Ўқитувчи ўз ўқув фанини ўзи ўқитаётган фан қонуниятларини билибгина қолмай, балки таълим ва тарбиянинг қонуниятларини ҳам яхши билиши (билим бера олиш, уни ўргата олиши, тарбиялашни билиши), билимни ўзлаштириш жараёнининг қандай бораётганлигини, ўқувчининг қандай ўқиётганлигини ҳам яхши билиши керак.

Кузатишларнинг кўрсатишича, ўқитувчининг асл муддаоси андишалилик оқибатида шахсларо муносабат, муомала, мулоқот маромининг бузилиши ва нозик мисолларни англашда ва хоказоларнинг бирига айланиб қолади. Чунончи ўқувчи ўзлаштириши ахлоқи, келажаги тўғрисида ахборот ижтимоий муаммо – оилавий муъит иқтисодий масала, жамоаниннг турмуш тарзи мулоъазаларидан кейин (ўқувчи жинсига хос равишда ўзлаштириш даражаси ёки хулқ-одоби ётиъи билан пардали қилиб) муъокама қилади. Андишалилик ҳам ўқитувчининг ўзига хос фазилатидир.

23 - Маъруза

Тема: Ўқитишнинг психологик асослари. Ўқитувчининг ўқув фаолияти

Режа:

1. Ўқишнинг моҳияти ва унинг қонуниятлари.
2. Таълим жараёнини бошқариш муаммоси.
3. Таълимни интенсивлаштириш ва актив, мустақил, ижодий тафаккурни таркиб топтириш.
4. Таълимни индивидуаллаштириш ва қобилиятларни ривожлантириш

1997 йилда қабулқилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида" шахс камолоти асосий масала сифатида эътироф этилган. Президентимиз И.А.Каримов: "Иқтисодий ва сиёсий сохалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир.

Рус психологи А.Н.Леонтъев инсон фаолиятининг психик ва амалий шакллари мавжудлигини, бола онги айнан ўқув фаолиятида ўсишини таъкидлайди.

Д.Б.Элфконин эса ўқув фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб, уни моҳиятига, мазмунига ва ўзини намоён бўлиш шаклига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди.

Ўқув фаолияти бу шундай фаолиятки, унинг натижасида аввало ўқувчида ўзгариш юз беради. Унинг маҳсули турли мотивлар асосида, қурилган бўлиши даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўқиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир.

Ўқиш ва ўргатиш тушунчалари ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга, ўргатишга хизмат қилади.

Ўқув фаолиятининг беш элементи мавжуд:

1. Ўқув мотивлари.
2. Ўқув топшириқлари.
3. Ўқув ҳаракатлари.
4. Ўқитувчининг назорати.
5. Ўқитувчининг баҳолаши.

Д.Б.Элфкониннинг таъкидлашича, ўқув фаолиятининг шакллантирилиши бу фаолият айрим кишиларбажарилишини аста -секинлик билан ўқувчининг ўзигаўқитувчининг иштирокисиз мустақил бажариш учун ўтказилишидир.

Таълим жараёни беш элементдан иборат:

1. Таълимнинг мақсади - нима учун ўқитиш керак?
2. Таълимнинг мазмуни - нимага ўқитиш керак?
3. Таълимнинг методлари, усуллари ва педагогик мулоқот йўллари.
4. Таълим берувчи.
5. Ўқувчи.

Таълим жараёнини ташкил этиш: идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши:

- фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топган усуллари ва жараёнларининг ўзлаштирилишига;
- мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ва фойдаланишга боғлиқ.

Таълим жараёнининг муваффақияти:

1. Мотивация.
2. Маълумот усуллари.
3. Маълумотнинг тушунарлилиги.
4. Хотира.
5. Маълумотни қўллаш.

Таълим ва ривожланиш муаммосига доир қатор назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири:

1. Ақлий ҳатти-ҳаракатлар, билимлар, малака ва кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси (П.Я.Галфперин).

П.Я.Галфперин назарияси бўйича билимларни ўзлаштириш жараёни олти босқични бошидан кечириб, уларга:

1. Мотивация.

2. Тушунтириш.
3. Моддий формадаги хатти-ҳаракатларни бажариш.
4. Баланд овозда хатти-ҳаракатлар ва вазифаларни бажариш.
5. Бажариладиган хатти-ҳаракатларни ички режада овоз чиқармай бажариш.
6. Фаолиятни фикран бажаришқиради.

Ушбу назарияда таълимнинг учта асосий турлари ажратилади:

- биринчи турда -хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш хатолар билан кечади, берилаётган материал етарли даражада англанилмайди, таълим олувчи таълимнинг асл моҳиятини тушуниб етмайди;
- иккинчи турда - материални нисбатан дадил ва тўла тушунилиши ва материал билан боғлиқ тушунчаларни ажратилиши билан характерланади;
- учинчи тур - тез, самарадор ва беҳато хатти-ҳаракатларни ўзлаштирилишини таъминлаб беради.

В.В.Давидов назарияси. Ушбу назария кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни илмий тушунчаларни ўзлаштирилишини тарғиб қилади. Бунда ўқувчилар томонидан таълим жараёнида назарий тушунчалар тизимини ўзлаштирилиши лозим бўлиб, бу ўз ўрнида хусусийдан умумий билимларга ўтилишни таъминлайди.

Қатор назариялар муаммоли таълим билан боғлиқ бўлиб, Л.В.Занков ва А.М.Матюшкин томонидан олиб борилган тадқиқотлар таълимда муаммоли дарсларни ташкил этишга қаратилгандир.

Таълим жараёни аввало ўқувчилар диққатини йўлга солишни талаб этади. Дарсларда кўргазмалар куруллардан, техник ва ЭХМ воситаларидан фойдаланиш таълим олувчида ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Таълимжараёнида таълим берувчининг вазифаси дарсда ишлаш ҳолатини юзага келтиришигина эмас, балки ўқувчиларнинг дарсда ўтиладиган материални идрок этишга тайёр туришларини кўзатиш ҳамдир. Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жихатдан ўқитувчи томонидан бериладиган кўрсатмаларга ҳам боғлиқ. Ўқитувчининг роли шундан иборатки, у ўқувчиларга тегишли установакани ҳосилқилиши, нимани вақтинча, нимани умрбод эсда олиб қолиши кераклигини, нимани бутунлай эсда олиб қолмасдан, фақат тушуниб олиш кифоя қилишини, нимани сўзма-сўз эсда олиб қолишни, ниманинг маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш учун эсда олиб қолиш зарурлигини кўрсатиб ўтиши лозим. Кузатишлар кўрсатадики, бундай кўрсатмалар берилмаганда, ўқувчиларда кўпинча нотўғри тасаввурлар вужудга келади.

Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг мувоффақиятлилигини таъминловчи омиллардан биридир. Таълим бериш жараёни эмоционал жараён. Агар ўқувчиларга берилаётган ахборот уларда ҳечқандайҳис-туйғу уйғотмаса, уни ўқувчилар яхшилаб эсда олиб қолмайдилар. Ўтказилган тажрибалар ўқувчилар ҳечқандайҳис-туйғу уйғотмайдиган материалга қараганда, эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишларини кўрсатади. Ўқитувчиўқув жараёнининг эмоционал томони ҳақидағамхўрликқилиши керак. Бу муаммо жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, таълимнинг мазмуни ниҳоятда мураккаблашиб, хажми эса ғоят катталашиб кетган. Унинг муваффақиятли ўзлаштирилишига эришиш учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини кучайтириши лозим. Ижобий туйғулар ўқув меҳнатининг самарадорлигига кучли таъсир этади. Ҳафсала билан бажарилган

беғараз мунозара пайдо бўлади, бахслашилади, бефарқ қараган ёки ундан ҳам бешбаттар, салбий муносабатда бўлишган ишга эса ҳечқандайхафсала бўлмайди.

Жамиятимиздаги меҳнат - ижод, қувонч манбаи. Ўқув маскани ўқувчиларида ўқув меҳнатига ижодий муносабат уйғотиб, меҳнатнинг ҳақиқий ижодга, қувонч манбаига айланишига кўмаклашиши керак.

Қадимда греклар жуда ажойиб иборани қўллайдилар: "Талаба -тўлдирилиб турилиши керак бўлган идиш эмас, балки ёқиб турилиши лозим бўлган машҳалдир". Бу фикрнинг тагида чуқур маъно бор. Зеро, ўқитувчи биз юқорида таъкидлаб ўтган таълим методлари муаммоли таълим, қисман изланиш методи ва тадқиқот методларидан кенг қўлланиши керак. Таълимжараёнини бугунги кундаги асосий талабларидан бири эркин фикрловчи, мустақил тафаккурга эга бўлган шахсни шакллантириш бўлиб, юқорида айтиб ўтган методлардан фойдаланиш учқунлардан катта машҳаллар пайдо бўлишини таъминлаб беради.

Маълумки, психологияда қизиқининг икки тури ўқувчиларнинг таълим жараёнида аниқланади. Биринчиси, *бевосита* қизиқиш, иккинчиси *билвосита* қизиқиш. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида ўз фанига нисбатан билвосита қизиқишни таркиб топтиришга ҳаракат қилади. қизиқишлар орқали ўқувчиларда таълимга актив муносабат намоён бўлади. Қизиқишлар ўқувчилар ҳаётида катта рол ўйнайди. Улар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи асосий турткилар - мотивларидир. Ўқувчиларнинг муайян мақсадни кўзлаб иш тутишида, қийинчиликларни енга олишида, ишдан чалғитадиган нарсалар билан шуғулланишдан ўзини тия олишида, унда ўқишга иштиёқ таркиб топтиришда намоён бўладиган ирода таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида ўқув материалига бўлган диққатнинг барқарор бўлишида иродавий зур беришнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Таълимда ирода ўқувчида ўқув маскани ва уйда ўтказиладиган машғулотларга тайёр туришда намоён бўлади. Ўқув материални ўрганиш -эслаб қолиш ва ўқувчининг иродавий зўр беришганига боғлиқ. Психологлар олиб борган тадқиқотларда ўқувчилар томонидан берилган материалнинг ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан ироданинг тарбияланишига боғлиқдир. Иродавий активлик таълимнинг зарур шартидир. Таълим муассасасидаги таълим жараёнининг ўзи ўқувчилардан иродавий ўстириш омилларидан биридир. Бунда ўқувчиларнинг кундалик режими, ўқиш ва оқилона дам олишни бир-бири билан тўғри алмаштириб туриш катта рол ўйнайди.

Таълим жараёнида билиш жараёнларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро билиш жараёнлари жуда мураккаб фаолият бўлиб, унда жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, абстракт тафаккурдан амалиётга ўтилади, ана шундан сўнг объектив ҳақиқат билиб олинади. Бинобарин, биз биринчи навбатда кўриб чиқишимиз лозим бўлган нарса ўқув материални идрок қилиш жараёнидир. Умумий психология курсидан маълумки, идрок бу нарса ва ҳодисаларни сезги органларига таъсир этиши натижасида уларнинг киши психикасида яхлит образини пайдо бўлиши бўлиб, идрок этиш жараёни таълимда турли формаларда ўқитувчининг оғзаки хикоя қилишида, сухбат ўтказишда, лекция ўқишида, кўргазмали қуроллар кўрсатиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот ва педагогик технологияларидан фойдаланиш, ўқувчининг ўзига дарсликлар ҳамда бошқа қўлланмаларни ўқитиш тарзида ўтиши мумкин. Таълим олиш жараёни инсондаги

мотивлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг моҳияти - инсон хулқ-атворининг ички барқарорлиги, ҳаракатга ундовчи тушунчада ифодаланади.

Таълим жараёнида ўқиш мотивлари "нима учун?", "нимага?", "қандай мақсад билан?" каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан, ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан, мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради. Ўқув фаолиятида ўқув мотивлар ўқувчилар томонидан танланиб, улар ўқувчининг мақсади, қизиқиши, келажак режалари билан бевосита боғлиқ бўлади. Ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув мотивлари турли ёш даврларида турлича бўлади.

Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Ички манбалар. Улар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Улардан энг муҳими туғма информацияга бўлган эҳтиёждир. Орттирилган эҳтиёжлар эса гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади.

2. Ташқи манбалар. Улар шахснинг ижтимоий ҳаёт шарт-шароитлари билан белгиланади.

Талабалар уларнинг биринчиси бўлиб, жамиятнинг шахсдан талаб қиладиган доимий хулқ-атвор билдиради. Боғча, ўқув маскани, оила боладан жуда кўп ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Ижтимоий кутиш ҳар биримиздан маълум билимлар, кўникмалар даражасини бўлиши, зарурлигини жамият кутишини билдиради. Масалан, бир ёшли бола юриши керак, 7 ёшдан у ўқиши керак, 15 ёшдан у касб танлаши керак деб ҳисоблаймиз. Имкониятлар - шахс фаолиятини белгиловчи объектив шарт-шароитлардир. Масалан, боланинг ундан бой кутубхона уни китоб ўқишга ундайди.

3. Шахсий манбалар: бу шахснинг қадриятлари системаси установакалари ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятнинг кетишига таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади. В.А.Крутецкий ўспиринларда учрайдиган мотивларнинг қуйидагиларни алоҳида ифодалайди:

- а) Бирор ўқув фанига қизиқиш;
- б) Ватанга фойда келтириш истаги;
- в) Шахсий қобилиятини рўқач қилиш;
- г) Оилавий анҳаналарга риоя қилиш;
- д) Дўст-биродарларга эргашиш;
- е) Моддий таъминлаш ва ҳоказолар.

Бошқарув бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларни юзага чиқаришни мақсад қилибқўяди. Шундай экан, ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқара олиши ўқувчи шахси камолотида ниҳоятда каттадир.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг:

- биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш;

- иккинчи вазифаси - бевосита ўқувчининг қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифадир. Бошқарувнинг

иккинчи вазифаси бу ижтимоий-психологикдир. Бу вазифа ўқувчиларда самарали фаолият учун зарур бўлган ижтимоий-психологик ҳолат ва хусусиятларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Бу ҳолат ва хусусиятлар ўқувчиларни ўзаро жипслаштириш, назорат, ўз-ўзини бошқариш, шунингдек, мустақил таълим олишларини ривожлантиришдан иборатдир.

Ўқув жараёнини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллашлари лозим:

1. Берилган ўқув топширигини ечиш учун воситалар танлаш.
2. Топшириқларни ечиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини баҳолаш.
4. Ўқув топшириқларини бажарилганлигини текшириш.
5. Ўз олдига мақсад куя олиш.

6. Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатлари мувофиқлигини кура олиш.

Ўқитишнинг иккита усули мавжуд. Бири анъанавий ўқитиш усули - бунда ўқитувчи муаммони белгилайди, вазифаларни аниқланади ва муаммони ечиб беради. Ўқувчи эса масалани ечиш йўллари эслаб қолади ва уни ечишни машқ қилади. Бунда ўқувчиларда репродуктив тафаккур шаклланади.

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидагиларга таяниши лозим:

1. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак.

2. Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак.

3. Ўргатилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айти шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак.

4. Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.

5. Хаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим.

24-Маъруза.

Тема: Ўқув фаолиятининг тузилиши, ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш

Режа:

1. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
2. Ўқитувчи шахсининг характер хусусиятлари.(профессиограммаси)
3. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири.
4. Ўқитувчи фаолиятида индивидуал услуб.
5. Ўқитувчи шахси ва миллий истиқлол ғояси.

1. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эотибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади.

Маълумки, ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилаган энг муҳим хислатлари қуйидагилар:

Ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили ўз халқини тарихи ва унинг маданиятини севиш, давлатнинг мустақиллик ғоясида яшашидан иборатдир;

ижтимоий жавобгарликни юксак даражада хис этиш;

ўзини қўлга ола билиш, сабр-тоқатли, бардош, матонатлийлиги;

Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асоси талаблари қуйидагилар:

шахсини маънавий ва маърифий томонидан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоннинг бойликларининг мохиятини билиш, болаларни мустақиллик, ғояларига содиқ руҳда тарбиялаш, ўз ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

кенг билимга эга бўлиш, турли билимлардан хабардор бўлиш;

ёш педагогик психология ижтимоий психология ва педагогик, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

болаларни билиш, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш;

ўзи дарс берётган фан бўйича мустақкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соъаси бўйича жаъон фанларидан эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

таълим ва тарбия методикасини эгаллаш;

ўз ишига ижодий ёндашиши;

педагогик техника мантқиқ,(нутқ, таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактикага эга бўлиши;

ўз билими ва педагогик маъоратини доимий равишда ошириб бориш;

ъар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишга интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида теварак атрофидаги кишилар, мактаб маомурияти, ҳамкасблари,

Ўқитувчилар ва уларнинг ота- оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

2. Ўқитувчи шахсининг характер хусусиятлари.

Кўпчилик психологлар, шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Бунда гап ўқитувчилик касбининг профессиограмма (маолум тизимга келтирилган, меънат психологик томонидан ўрганишни ва ундан келгуси амалий фаолиятида фойдаланишга қаратилган қисқа ва ёр томонлама батафсил кўрсатиб берилган хужжатга профессиограмма дейилади.) Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

ёар бир мутахасислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган ёарактеристикасини назарда тутган профессиограмма тузилади.

Ўқитувчининг шахсий хислатлари.

Касбига хос бўлиши.

Ўз касбига хос хислатлари.

Шахсий – педагогик уддабуронлиги.

Ташкилотчилар малакалари.

Коммуникатив малакалари.

Гностик малакалари.

Ижодий хислатлари.

Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

болаларни яхши кўриш, уларни севиш;

амалий – психологик ақл-фаросатлик;

меънатсеварлик;

жамоат ишларида фаоллик;

меҳрибонлик, камтарлик;

одамийлик, дилкашлик;

уддабуронлик, мустаъкам ёарактерга эга бўлиши;

ўз билимини оширишга интилиш.

3. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири.

Биз психология кафедраси ўқитувчилари мингга яқин ўқувчини ўрганиб улардан ўқитувчининг кайфиятини била оласизми ва унинг кайфияти сизга қандай таъсир қилади деган саволга ёзма жавоб олдик. Ўқувчиларнинг 94,2 %, ўқитувчининг кайфиятини била олишни, 89,8 % ўқитувчи кайфияти уларга қаттиқ таъсир қилишини билдиришган. Шунингдек қуйидаги санаб ўтилган сабаблардан (шахсан унинг ўзига қўйилган ёмон баёо, ўртоғига қўйилган ёмон баёо: ўқитувчининг кайфияти ёмонлиги ; дарс материални ёмон ўзлаштирганини англаш; дарсга ёмон тайёргарлик кўрганини англаши) қайси бири ўқувчининг кайфиятига кўпроқ ёмон таъсир этишини кўрсатиш сўралган. Кўпчилик ўқувчилар ўқитувчининг кайфияти ёмонлигини таокидлаб ўтганлар. “Ўқитувчининг кайфияти сенга қандай таъсир қилади?” деган саволга олинган жавоб ҳам жуда маоноли бўлди. Жавоб: Агар ўқувчининг кайфияти яхши бўлса ўз муваффақиятсизликларингдан унча қийналмайсан, “Дарс унча зерикарли бўлиб

туюлмайд”, “Қийин нарса осон бўлиб қолади”, “Дарсда вақт ўтганини билмай қоласан”, ва ʔаказолар, жавоблар. Айниқса ёмон бўлса? “Қўл ишга бормайди”, “Ўзингга бўлган ишончни йўқотасан”, “Дарсдан қочиб кетгинг келади” ва хатто “Миянг қотиб қолади” деган жавоблар олинган. Ўқитувчи фаолиятида индивидуал услуб. Таълим - тарбия ишининг муваффақияти кўп жиъатдан ўқитувчининг педагогик қобилиятига ва қизиқишига боғлиқдир. М.Г.Давлетшин таокидлашича, ўқитувчининг баози психик жараёнлари ва хусусиятлари унда ўқитувчи шахсига хос сифатлари шундан комплексини ташкил қиладики, уни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Педагогик қобилият ўқитувчи шахсига хос бўлган бир қанча сифатларни – унинг ақл – заковати, иродаси, хиссиётлари, ʔарактерига хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Таълим – тарбия ишига бўлган қобилият туъма қобилият эмас, одам табиатдан шу қобилият куртакларини олади. Қобилият шахсига онги, фаолияти жараёнида ривожланади. Ўқитувчидан таълим – тарбия ишида катта диққат ва кузатувчанликни талаб қилади. Ўқитувчи чинакам педагогларга хос сезгирлик, кузатувчанлик қобилиятига эга бўлиши керак. ʔар қандай кузатиш яхшилаб диққат қилиш асосида содир бўлади. Ўқитувчиларни ёзма ишларини эотибор билан текшириш ўқитувчидан диққатни ниҳоятда кучли ва чуқур бўлишини талаб қилади. Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари. Ўқувчилар билимларни энг биринчи навбатда ўқитувчининг жонли нутқи орқали олади. Ўқитувчининг нутқи лексика, фонетика, талаффуз, гапларни тўъри тузиш, сўзларда урьуларни ўз жойига қўйиб гапириш ва ʔоказолар жиъатидан тўъри бўлиши керак. Нутқда фикрлар изчил, мантиқли, асосли ва ишончли бўлиши лозим.

Ўқитувчи тафаккурининг хусусиятлари. Ўқитувчининг тафаккури асосан ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва системали баён этишда намоён бўлади.

Ўқитувчи ўқув материалларини индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланиб тушунтириш керак. Шу билан бирга, ўқитувчи ўқувчиларни фактлардан мустақил равишда хулосалар чиқаришга ва умумий берилган қонун – қоида ва тушунчаларга асосланиб, айрим факт, хулосаларни тушуна олишга ўрганиши зарур. Ўқитувчи абстракт тушунчаларини конкрет тушунчалар билан боълай олиши.

Ўқитувчи тафаккурининг мазмунлиги, тезлиги, кенглиги, каби сифатлари болаларга ўз билимларини аниқ, мазмунли, тушунарли қилиб сўзлаб беришда ҳам намоён бўлади. Ўқитувчининг иродавий сифатлари. Педагогик фаолияти таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтиришга ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади.

VI. Миллий истиқлол мафқурасини ёшлар қалбига ва онгига сингдириш таълим – тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

Таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафқурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик, психологик дастурини яратиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи – талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурсини шакллантириш ишларини узлуксиз олиб бориш;

Ўқув дастурлари дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;

Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларида мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;

Педагог кадрларни мафкура борасидаги билимини чуқурлаштириш;

25 – маъруза

Тема: Мақсадлар таксономияси. Касбий таълим мазмуни.

Режа:

1. Ўқитиш жараёнида таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни

2. Ўқитишнинг умумтаълим мақсадлари

Ўқитиш жараёнида таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни ажратиш, билимларни ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради. Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади.

Ўқитишнинг таълимий функцияси мазмунининг бошқа бир жиҳати далили ўқув материални ўзлаштиришдир. Ўқитишнинг таълимий мақсадини амалга ошириш ўқувчиларга бериладиган билимларнинг характериға боғлиқ. Таълимий мақсад қанчалик аниқ белгиланса ва у дарсда олинган ўқув материалға қанчалик мувофиқ бўлса, дарсда ўқитиш методини танлаш шунчалик осон бўлади.

Ўқитишнинг таълимий мақсади мажмуи ҳам берилган билимлар асосида шаклланадиган кўникмадан иборат бўлиб, билимларнинг характери тегишли кўникмалар билан белгиланади.

Ўқитишнинг тарбиявий мақсади ўқувчиларда ижобий қараш ва эътиқодларни, ахлоқийлик, иродалик ва ҳиссиётларни шакллантиришдан иборатдир. Ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқув материални ўргатиш жараёнида тарбиявий вазифанинг маълум томонини амалга оширади. Дунёқараш, шахснинг ахлоқий фазилатлари, ҳиссиётлар, иродалик ва бошқаларни таркиб топтириш узлуксиз жараён бўлиб, уни аниқ чекланган қисмларға ажратиш мумкин эмас. Тарбиявий мақсаднинг натижалари таълимий мақсаднинг натижалари каби муайян ва аниқ бўлмайди. Тарбиявий мақсад турли ўқувчида турлича амалга ошади. Дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчи шахсида муайён ахлоқий, эстетик, эмоционал ва иродавий сифатларни шакллантиради.

Ҳар қандай ўқув материални ўрганиш ўқувчининг камол топишиға, ундаги фикрлаш мантиқининг, билиш кучлари ва ўқиш мотивининг ривожланишиға таъсир кўрсатади. Ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсадини амалга ошириш тарбиявий мақсадни амалга ошириш билан ўхшайди. Тарбиявий мақсадни амалга

оширишдаги сингари камол топтириш вазифасини амалга оширишда энг муҳими ўқувчининг камол топишга интилишини шакллантиришдир. Битта дарсда анализ, синтезнинг мантиқий усулларини, мавҳум фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, фаол ва мустақил фикрларни шакллантириш вазифасини қўйиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Дарснинг камол топтириш мақсадини амалга ошириш доимий равишда маълум ғояларни режалаштириш ва фикрлаш мантиқини, фаоллик ва билишга қизиқишни ривожлантиришдан иборатдир.

Умумтаълим мақсадлари:

1. Ўқувчиларга маълум тизимдаги билимлар, кўникма ва малакалар бериш.
2. Ўқувчиларни оғзаки ёки ёзма нутқини барча керакли сифатлари билан ривожлантириш.
3. Ўқувчиларни реал борликни тўғри тушунишлари учун мазкур фан мазмунидан унумли фойдаланиш. Ўқув материалини қўллаш.
4. Келажакда ўқувчи мустақил узлуксиз таълимни давом эттириши (тўлдиришлари) учун керакли билим, маълумот, кўникма ва маҳоратни таъминлаш.
5. Ўқув мазмунини танлаш ва унинг структурасини тузиш. Янги ўқув материалини қайта кўриб чиқиш ва режалаштириш (қайта структуралаш) таянч тушунчаларни аниқлаш.
6. Ўқув материалидаги умумий масалалардан конкрет масалаларни ечишга ўтиш.

Таянч иборалар ёки таянч тушунчалар (асосий тушунчалар) деганда ўқув материалидаги асосий маълумотлар тушунилади. Таянч иборалар ўрганилаётган мавзунини режалаштиришда ёки қайта структуралаштиришдан (тузишда) ҳам келиб чиқади ва фойдаланилади. Ўқув материалини ўзлаштириш асосан таянч ибораларни (асосий тушунчалар) ўзлаштирилишига ҳам боғлиқ. Таянч иборалар ўқув материалининг бошқа мавзуларида ҳам тез – тез учраши мумкин. Шунинг учун, ўқув материалини таянч ибораларга асосланиб ўрганиш қулай.

Тарбиявий мақсадлар:

1. Диалектик материалистик дунёқарашни тарбиялаш.
2. Назарияни амалиёт билан боғлаш.
3. Фанга ўрганишни қизиқтириш.
4. Тўғри фикрлаш маданиятини тарбиялаш.
5. Ақлий, жисмоний, ахлоқий, нафосат, меҳнат, касб тарбияси, ғоявий, ватанпарварлик каби инсоний хислатларни тарбиялаш.
6. Фандан мустақил билим олишни давом эттира олиш.
Ривожлантирувчи мақсадлар (ўқувчи шахсини шакллантириш).
7. Фандаги назарий билимларни ўқувчининг ўзлаштириш даражаси. Ўқувчининг илмий – назарий фикрлашини ривожлантириш.
8. Ўқувчиларга индивидуал ва дифференциал ёндашиш натижасидан келиб чиқувчи, инсоннинг фикрлаши, иродаси, хиссиёти, эҳтиёжи, қобилиятларининг ривожланиши.
9. Фанни ўрганишда илмий методлардан фойдаланиш.
10. Фандаги хусусий методларни қўллаш олиш.

26 – Маъруза.

Тема: Ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари. таълим ва ўқитиш мазмунига қўйиладиган талаблар.

Режа:

1. Касб хунар коллежлари, уларда таълим шакли ҳамда ўқитиш услублари.
2. Информатика фанини ўқитиш мезонлари, ДТС даги намуналари ҳамда уни таълим жараёнига тадбиқи.
3. Информатика фанини ўқитиш мезонлари, ДЦ даги намуналари ҳамда уни таълим жараёнига тадбиқи.

- Ҳозирги замонда бирор — бир соҳада ишни бошлаш ва уни бошқаришни компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. ХХ агр саводхон кишиси бўлиш учун аввало компьютер саводхон бўлиш, ахборот технологияларини пухга эгалламоқ лозим. Ҳар бир мутахассис, у қайси соҳада ишлашидан қатъий назар. ўз вазифасини замон талаби даражасида бажариши учун ахборотга ишлов берувчи воситаларни, уларни ишлатиш услубиётини билиши ва уларда ишлаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Шу сабабли бугунги кунда мустақил Республикамизда таълим еоҳасида амалга оширилаётган туб ислохатларнинг мазмун — моҳияти, мақсади ва вазнфалари аниқ белгилаб олинган. Жумладаи, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида "Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини ма.млакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларининг замонавий ютуқ — ларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш назарда тутилади» деб белгилаб қўйилган.

Таълим тизими бутунлай яъни мазмун касб этаётган ҳозирги даврда ҳар бир фаннинг мазмунини қайта таҳлилдан ўтказиш, таълим босқичлари бўйча унинг узвийлиги ва узлуксизлигини тахминлаш асосида тубдан ислох қилиш ва ҳаёт билан боғлаш нуқтаи назаридан ёндашув зарур бўлади. Академик лицей ва касб — хунар коллежлари ўқув режасида умумтаълим предмети сифатида киритилган «Информатика» предмети ҳам бундан мустасно эмас.

«Информатика» фанининг асосий мақсади ўрта махсус, касб — хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларга информатиканинг амалий жиҳатлари ҳақида билим бериш, замонавий компьютерларнинг дастурий таъминоти, шу жумладан, амалий ва хизмат кўрсатувчи дастурлар билан ишлаш малакасини ҳосил қилиш, замонавий ахборот технологиялари ҳақида умумий маълумот беришдан иборат.

Мазкур фаннинг **вазифаси** амалий информатикани фойдаланувчи даражасида ўргатишдан иборат бўлиб, унда дастур ўрта умумтаълим мактабларидаги "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» ва олий таълимдаги «Информатика, ахборот технологиялари» фанлари билан узвий боғлиқ равишда тузиб чиқилганлиги билан бир қаторда ўрта махсус маълумотли мутахассисларга шу соҳада мукамал тўлиқ билим беришини тахминлайди.

Дастурни тузишда мавзуларнига узвий кетма — хетлиги ва таълимининг ушбу босқичида «Ахборот технологиялари» курсининг ўқитилиши ҳам эхтиёрга олинган. Шунинг учун дастурда ахборот технологиялари ҳақида асосий тугагунчаларгина берилиб, унинг техник воситалари билан тўлиқ таништириш ва уларда ишлаш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилмаган.

Дастурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўқувчиларнинг ёш ва физиологик рухий хусусиятларини, уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда информатика фанининг асосларини амалиётга тадбиқ этиш нуқтай назаридан ўрганишни таъминлайди. Унда айрим мавзулар умумий ўрта таълимдаги «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фанидаги мавзуларнинг такрорланиши бўлсада, бу ерда улар чуқурроқ ва амалий фаолиятда фойдаланишга йўналтирилган ҳолда ўрганилади.

Дастурга мувофиқ ўқув жараёнини ташкил этишда, машғулотлар «оддийдан мураккабга, назарий билимлардан амалий фойдаланишга» тамойиларига амал қилинади. Амалий-лаборатория машғулотларини ўтказишда йўналиш ва касбнинг хусусиятларидан келиб чиқиб вазифалар бажариш мақсадга мувофиқдир. Бу нарса ишчи ўқув режаларида ўз аксини топиши лозим. Шунинг учун дастурни бажаришда асосий эҳтибор амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилиши лозим.

Ҳозирги даврда деярли барча ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини замонавий компьютерлар билан жиҳозланганлигини ҳисобга олиб, дастурнинг бажарилишини тахминлайдиган техник тахминотни етарли даражада деб ҳисоблаш мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаларини техник ва дастурий тахминланганлиги даражаларига мувофиқ равишда дастурдаги мавзуларни ўқиш кетма-кетлигини ўзгартириш, кўрсатилган амалий дастурларни мавжуд компьютерларни имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли турдош дастурлар билан алмаштириш имконияти кўзда тутилади. Дарсларни ташкил қилиш жараёнида иедагогик талаблар меҳёрларига амал қилиш, амалиётда шаклланган услубларда фойдаланиш билан бир қаторда нахмуанавий машғулот турларидан фойдаланиш лозим. Шунингдек, мавзуларни Республикамиз давлат тили талабларига риоя этган ҳолда баён қилишга атамаларнинг бир хилигига, кўп маҳноли сўзлардан, ғализ жумлалардан фойдаланмасликка интилиш лозим.

Ўқувчиларининг билим ва кўникмаларига талаблар:

Ўқувчилар:

- Ахборот, унинг ўлчов бирликлари, хусусиятлари, ватанимизда информатика фанининг таракқиёти; Ахборий жараёнлар, ахборотлашган жамият, **унинг** хусусиятлари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- Ахборот тизимлари ва уларнинг турлари, ахборот тизимлари тахминоти, ахборот технологияларини қўллаш соҳаларини тасаввур қилиши;
- ЭҲМ умумий тузилиши, ЭҲМ таснифи, компьютер архитектураси, унинг дастурий тахминоти, асосий ва атроф қурилмалари, компьютерларда маълумотларда ташкил этиш ва сақлай олиши;
- MS DOS операцион тизими, файл тушунчаси, файлларининг турлари ва

номланиши, каталоглар, амалий дастурлар ва уларнинг асосий турлари. дастурлаш технологиясини ускунавий воситаларини билиши;

- Windows операцион тизими, унинг афзалликлари ва ўзига хос хусусиятларини билиши;
- Компьютер графикаси тушунчаси, график муҳаррирларнинг матн муҳаррирларидан фарқи ва ўхшашликларини билиши, график муҳаррирларида ишлаш олиши;
- Матн муҳаррирлари, уларнинг турлари, матнларни киритиш ва хотирада сақлаш, хотирадан ўқиш, уларни таҳрир қилиш усулари, босмага чиқариш усуллари билиши ва матн муҳарририда ишлаш олиши;
- Электрон жадвал, уларнинг турлари. Электрон жадвал тузиш, уларга ўзгартиришлар киритиш. Ячейкалар устида амаллар бажариш, формулалар, функция ва диаграммалар билан ишлашни билиши; Power Point дастури билан ишлаш олиши зарур.

Дастурнинг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат:

1— боб. Ахборот ва жамият.

2— боб. Ахборот тизимлари ва технологиялари.

3— боб. Шахсий компьютерлар.

4— боб. Шахсий компьютерларнинг дастурий тахминоти.

5— боб. Windows операцион тизими.

6— боб. Компьютерда график объектлар билан ишлаш асослари.

7- боб. Матн муҳаррирлари.

8— боб. Электрон жадваллар.

9— боб. Компьютерда тақдимот яратиш асослари.

Амалий лаборатория машғулотида маҳрузаларда олинган назарий билимларни ўзлаштириш ва мустақамлашга қаратилган бўлиб, замонавий компьютерлар ва ахборот технологиялар воситалари билан жиҳозланган хоналарда ўтказилади. Уларнинг сони мавзуларнинг назарий ёки амалий жиҳатларига қараб аниқланади. И — ИИИ бобларда лаборатория машғулотида ўтказилмайди. Қолган боблар бўйича уларнинг сони 2 та даа 6 та гача бўлиши мумкин. Дастурнинг бажарилишини кафолатлайдиган муҳим омилларидан бири ўқувчилар билимини назорат қилишни изчил ва тизимли равишда ўз вақтида амалга ошириб боришдир. Бу ўринда жорий назоратни ўқувчиларнинг лаборатория ишларини бажаришлари, уй вазифасини текшириш, қисқа муддатли мустақил ишларни уюштириш ёки тест орқали амалга ошириш тавсия этилади. Бунинг учун лаборатория ишлари тўпланиши тузиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Оралиқ ва якуний назорат эса, асосан махсус вазифаларни бажариш ёки тест топшириқлари орқали амалга оширилади. Оралиқ назорат ҳар бир бўлим бўйича 1 марта, якуний назорат эса, ҳар ярим йил охирида ўтказилади.

Информатика фанини ўқитиш услублари ва асосий таълим принциплари.

Фанни ўрганишда замонавий шахсий компьютерлардан ахборот технологиялари воситаларидан, локал ва глобал компьютер

тармоқларидан, ИНТЭРНЭТ, электрон почта, АССЕСС махлмотлар омборини бошқариш тизими, WORD, ЕХСЕЛ, Power Point каби амалий дастурлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

1-боб. Ахборот ва жамият

Ахборот ҳақида тушунча. Ахборотнинг сифат кўрсаткичлари. Ахборий жараёнлар. Информатика предмети ва вазифалари. Ахборотлашган жамият ҳақида тушунча. Ахборотлашган жамиятнинг моддий ва технологик негизлари. Ватанимизда информатиканинг тараққиёти ва истиқболлари.

2-боб. Ахборот тизимлари ва технологиялари

Ахборот тизимлари ҳақида тушунча. Ахборот тизимларининг турлари. Бошқарув тизими. Ахборот тизимларининг тахминоти. Ахборот тахминоти. Техник тахминот. Дастурий тахминоти. Ташкилий тахминот. Математик тахминот. Ҳуқуқий ва лингвистик тахминот, Ахборот технологиялари ҳақида тушунча. Махлумотлар омбори, уни яратиш ва фойдаланиш усуллари ҳақида тушунча.

3-боб. Шахсий компьютерлар

ЭҲМлар архитектураси. Универсал ЭҲМларнинг ривожланиш тарихи. Шахсий компютер. Шахсий компьютерларнинг асосий қурилмалари. Марказий процессорлар. Оператив хотира. Қаттиқ диск ва диск юритувчилар. Монитор. Клавиатура. Шахсий компьютерлар таснифи. Компютернинг атроф қурилмалари. Сичқонча. Принтерлар. Дискли жамлагичлар. Сканерлар. Модемлар ва факсмодемлар. Компютерда махлумотлари ташкил этиш ва сақлаш. Ахборот ўлчов бирликлари. Ячейкалар. Файллар. Каталоглар.

4-боб. Шахсий компьютерларнинг дастурий тахминоти

Шахсий компьютерларнинг дастурий тахминоти ва унинг турлари. Тизимли дастурий тахминот. Операцон тизими. Драйверлар. MS DOS операцион тизими. MS DOS да файллар ва каталоглар билан ишлаш. Тармоқ операцион тизими. Амалий дастурий тахминот (АДТ). Умумий мақсадли АДТ. Офис АДТ. Дастурлаш технологиясининг ускунавий воситалари. САЕС-технологиялар.

5-боб. WINDOWC операцон тизими

Операцион тизими ҳақида махлумот, операцион тизимининг иш столи. Масалалар панели ойналари ва уларнинг турлари. Бош меню ва унинг бўлимлари. “Мой компьютер” иловаси. Ускуналар панели ва ундан фойдаланиш. Жилдлар ва уларни ташкил этиш. “Провайдер” иловаси ва у билан ишлаш.

6-боб. Компютерда график обхектлар билан ишлаш асослари

График обхектлар ҳақида махлумотлар. Компютерда график обхектларни тасвирлаш усуллари. Компютер графикаси тушунчаси. Паинт график муҳаррири ҳақида махлумот; Паинт муҳаррири бош менюсининг бўлимлари. График

тасвирлар ҳосил қилиш. График тасвирлар устида амаллар. Паинт график муҳаррирининг қўшимча имкониятлари.

7-боб. WORD матн муҳаррирлари

WORD матн муҳаррири ва унинг имкониятлари. WORD матн муҳаррири интерфейси ойнасининг тузилиши. Хужжалар яратиш. Хужжатларни сақлаш. Хужжатларни чоп этиш. Хужжатларни тахрирлаш. Матнни форматлаш. Матнга қўшимча маълумотлар киритиш. Жадваллар яратиш.

8—боб. Электрон жадваллар

Электрон жадваллар ҳақида умумий маълумотлар. EXCEL жадвал процессори. Электрон жадвалнинг асосий элементлари. Иловалар ойнасининг асосий элементлари. Ишчи хужжатлар билан ишлаш. Маълумотлар билан ишлаш. Формулалар билан ишлаш. Маълумотларни ўтказиш. Функциялар билан ишлаш. Диаграммалар билан ишлаш.

9-боб. Компьютерда тақдимот яратиш асослари

Тақдимот(презентация) тушунчаси. Тақдимот яратиш дастурлари. Power Point дастури ҳақида умумий маълумотлар. Дастурнинг асосий ойнаси элементлари, Дастурнинг иш режимлари. Power Pointда тақдимот яратиш. Слайдлар яратиш. Тақдимот устида ишлаш. Махсус эффектлар ва уларни ўрнатиш. Анимация ва анимацион эффектлар. Power Point дастурининг қўшимча имкониятлари.

27 маъруза.

Тема: Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш машғулотлари.

Режа:

- 1.Билимларни шакллантириш усуллари.
- 2.Мустақил ўқитишни ўқув хонасида ташкил этиш.
- 3.Мустақил ўқишни уйда ташкил этиш.

Ўқитувчининг талабаларга танлаган ўқув материали ўқув хонасида ўтказилса, у ҳолда бу машғулот ўқитувчиларнинг маслаҳати билан ўтказилади. Ўқитувчи мазкур мустақил ўқишга қуйидагича ёндашиши мақсадга мувофиқдир:

- талаба ўқиб чиқилган материал маъносини тушуниши ва ундаги асосий мақсадни ажрата билиши. Бунда талабаларнинг адабиётлар билан мустақил ишлаши бўйича таълимнинг бошланғич пайтларида ўқитувчининг талабаларга олдиндан ўйланган бир нечта саволларни тузиши ва уларни талабаларга бериши лозим. Талабалар мазкур савол-ларга белгиланган адабиётлардан жавоб топишга интиладилар. Вақт ўтиши билан ўқиб чиқилган материалдаги асосий мақсадни, яъни саволга жавобни талабалар мустақил аниқлаб оладилар;

- ўқитувчи талабаларнинг матнни тўғри ўқишга ўргатиш зарурлиги (бунда ўқитувчининг мазкур материал устида хотиржам мулоҳаза юритиши, матнни тавсифловчи чизмалар, расмлар, графиклар, схемалар таҳлил қилиши назарда тутилган);

- адабиётлардаги мураккаб тушунарсииз жойларни иш дафтарига белгилаши ва уларни тушунтиришга ҳаракат қилиши;

- талабалар қўлда қалам билан адабиётлар ўқишига, ундаги асосий қоидаларни ажратиб олишга ва уларни дафтарга кўчириб ёзишга ўргатиши;

- талабаларни билдиргичлар, каталоглар, андоза (ГОСТ) ва ҳ.к.лардан мустақил фойдаланишга ўргатиш кабилар.

Мустақил ўқишни уйда ташкил этиш. Мазкур методик усул–талабанинг билими, малакаси ва маҳоратини чуқурлаш-тиришга, талабанинг уйдаги ҳатти-ҳаракатларидир. Бунга талабанинг мустақил равишда ўқув материални ўзгаларнинг ёрдамисиз ўрганиши, унинг моҳиятини англаши; масалаларни, курс лойиҳасини, битирув ишларини ижодий йўл билан бажариши киради.

Техникани яратишда (лойиҳалашда) олиб бориладиган мустақил машғулотлар асосига техникани яратишга ижодий ёндашиш ёки техникани такомиллаштиришга қаратилган техник фикр қўйилиши мумкин.

Маълумки техниканинг турли қисмларини такомиллаштириш жараёни техник вазифаларнинг оқилона ечимини таркибан излашга қаратилган бўлиб, унинг асосида эвристик усул (савол-жавоб методи) ётади. Техника қисмларини яратишда эвристик усул шахснинг изланишига бўлган интилишини рағбатлантириши мумкин. Шунинг учун айтадилар, изланганга толе ёр.

Ҳозирги вақтда янги техник вазифалар ечимини топишда жуда ҳам кўп усуллар мавжуд. Улар Б.Б.Трунин ва бошқаларнинг «Методические основы научно-технического познания и поиска», В.И.Половинкиннинг «С позиции

мирового уровня» (Вестник высшей школы № 9 с.7-9) ўқув қўлланмасида ва мақолаларида ўз аксини топган.

Якка, хусусий, мустақил машғулотларнинг асосий мақсади машина қисмларини лойиҳалашда, талабани ижодий меҳнат фаолиятига тайёрлашдан иборатдир. Техника соҳаси бўйича тайёрланаётган бакалавр конструкторларни етиштириш босқичида ўқитиш ва ижодий фикрлаш психо-логиясини назарда тутиб конструкторликка оид ишларни бажаришдаги ижодий изланиш-қидирувлар йўлини била туриб конструкторликка оид ишларни бажаришга ўргатиш, ҳозирги замон мутахассисларни тайёрлашдаги ўзига хос муаммо-ларидан бири ҳисобланади. Конструкторликка оид ишларни бажаришда кўчирмакашликка барҳам бериш ва лойиҳалаш ишларини олиб боришда жамият ва табиат қонунларига таяниш олий техника ўқув юртлари олдида турган вазифалардан биридир. Лойиҳалашда ижодий конструкторлик принципига ўтиш учун, мазкур маърузанинг муаллифи, машина қисмларини лойиҳалашда иккита методикани қўллади. Биринчи методикада талабаларга компьютер қисмларининг микросхемаси берилади ва унинг асосида берилган қисмнинг тузилмасини чизиш талаб этилади. Иккинчи усулда талабаларга компьютер тузилмасининг бирон-бир қисм тузилмаси берилади ва унинг кинематик схемасини чизиш талаб этилади. Ўз-ўзидан маълумки, мазкур ишни талаба тайёрланмасдан бажариши амри маҳол. Шунинг учун талаба ўз устида мустақил равишда ишлай бошлайди.

Билим, кўникма, малака, ўқув режа, усул

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ҳамда малакаларини текшириш оғзаки, ёзма ва амалий булиши мумкин. ёзма текшириш ва мустақил ишлар билимларни текширишнинг асосий шакллари ҳисобланади.

Ёзма текшириш ўқувчиларнинг билимлари сифатини: тўғрилиги, аниқлиги, англаб олингани, амалга тадбиқ этилиши тўғрисида бир фикрга келиш ва қисқа вақт ичида гуруҳдаги барча ўқувчилар билимини текшириб куришга имкон беради. Ёзма текшириш, асосан ёзма график ишларни бажартириш билан амалга оширилади. Ёзма текшириш ишлари икки хил булиши мумкин: мавзу бўйича ва якуний текшириш ишлари гуруҳ мавзуни урганиб булгандан кейин, якуний текшириш бир неча мавзу утиб булингандан кейин утказилади.

Ўқувчилардан якка тартибда ва фронтал сураш билимларни жорий, мавзу бўйича, якуний текширишнинг кенг тарқалган шакллари дир. Савол ҳам ўқувчиларга берилади.

Якка тартибда сураш чогида ўқувчи доска олдида жавоб беради. Унинг жавобини бутун гуруҳ эшитиб туради. Ўқувчилар йул куйилган хатоларни тўғрилайдилар, кушимчалар ва изоҳларни киритадилар. Якка тартибда сурашда дарснинг ҳам куп вақти кетади. Бунда гуруҳдаги ўқувчиларнинг билиш фаоллиги сусаяди. Аммо ундан бутунлай воз кечиш ярамайди, якка тартибда сурашнинг аҳамияти ўқувчиларнинг нутқини, хотирасини ва тафаккурини ривожлантиришдадир. Якка тартибда сураш вақтида барча ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш керак.

Якка тартибда сурашдан ташқари, оғзаки текшириш ҳам ўқитувчининг гуруҳ билан суҳбати шаклида амалга оширилади. Бу холда ўқитувчининг саволларига

қисқа жавоблар қайтарилиши лозим, шунда суҳбатда купрок ўқувчи иштирок этади. Бундай сураш, якка тартибда деб аталади. У утилган материални такрорлаш билан узвий кушиб олиб борилади, натижада билимлар эсдан чиқиб қолишининг олди олинади ва улар мустаҳкамланади.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини амалда текшириш ўқувчилар олган билимларини тегишли шароитда қандай тадбиқ эта билишларини аниқлаш мақсадида утказилади. Бундай текширишда ўқувчилар уз билимларининг тўғрилигига ва уларни мустаҳкамлашни давом эттириш зарурлигига ишонч хосил қиладилар.

Кейинги йилларда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини амалда текширишнинг методлари, шакллари ҳамда воситаларини такомиллаштириш бўйича педагогика амалиётида анча ишлар қилинди. Бу борада янги тадбирларни излаш натижасида катор ўқув юртларида махсус назорат қилувчи курилмалар ёрдамида сураш усули куллана бошланди. Шулардан бири тест ёрдамида текширишдир.

Ўқувчилар билимини текширишдан мақсад – уларнинг узлаштириш даражасини аниқлашдир. Тестларнинг узлаштириш даражаси бўйича таснифи 3-расмда берилган. Унда узлаштиришнинг даражаси, тестларнинг тури ва хар хил курунишлари акс эттирилган.


1 даражали узлаштириш тестлари қуйидагиларни уз ичига олади:

1. Аниқлаш тестлари. Ўқувчиларга саволлар берилади. Улар “ХА” ёки “ЙУК” деб жавоб беришлари керак бўлса, альтернатив топшириқлардан фойдаланилади.

2. Фарқлаш тестлари. Бу тестда куп танлаб олинадиган топшириқлардан бир неча жавоблардан битта танлаш таклиф этилади.

3. Ухшаш (солиштириш) тестлари. Бунда урганилаётган объектнинг умумийлигини ёки тафовутларини топиш керак бўлади, солиштириладиган хусусият ва параметрлар албатта топшириқда берилади.

Ухшатиш тестларини тузиш кийинчиликлар тугдирмайди ва машинага осон киритилади. Бунда жавоблар куплиги учун ўқувчилар уйлашга, фикрлашга мажбур бўладилар. Шу билан бирга, 1 даражали узлаштиришга жавобларни танлаш бўйича тест-масалалар ҳам киритилади. Уларда жавоблар бир неча вариантда харф ёки ракамлар билан берилади. Ўқувчи масалани ечиб қайси жавоблар тўғрилигини аниқлаши керак.



3-расм. Тестларнинг таснифи.

Тестларни бажаришда ўқувчи фаолиятининг характери бўйича танлаш тестларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

7. Суз, харф ва сонлар билан белгиланган жавобларни танлаш.
8. График шаклда берилган жавобларни танлаш.
9. Кетма-кетликни танлаш.
10. Берилган улчамлардаги аниқ факторларнинг таъсири характерини танлаш.
11. Предметни танлаш.
12. Масалани ишлаш натижалари бўйича сон ёки харфларни танлаш.

Тестлардаги топширқларни хилма хил булишига карамай, уларни структураси жихатидан иккита асосий қисмга: танланадиган ва жавоби конструкцияланадиган топширқларга бирлаштириш мумкин.

Тестли назорат билимларни аниқлашда яхши натижа беради, лекин тафаккур жараёнини кузатишга монелик қилади, бунинг учун бошқа усуллардан – ёзма иш, мунозаралар, ишлаб чиқариш вазиятларини тахлил қилиш ҳамда мулокотлардан фойдаланиш керак. Лекин шу билан бирга билимларни тестли назорат қилиш таълим жараёнини бошқариш имконини кенгайтиради. Тестларин куллаш ўқувчиларнинг амалий қобилияти ва хотирасини ривожлантиради.

Касб – ҳунар коллежларида фанлардан назарий дарсларни утишда

1. Перспектив мавзулар режаси
2. Кундалик дарс режаси
3. Дарс конспекти

4. Назарий дарсларни ҳисобга олиб бориш журналларидан мунтазам фойдаланилади.

Перспектив мавзулар режаси ўқув материалини тўғри таксимлашда айти фанни бошқа фанлар ва ишлаб чиқариш таълими билан боғлашда, дарсга керакли ўқув материаллари ва жихозларни тайёрлашда ёрдам беради, укиш жараёнининг самарадорлигини ошириш шароитини яратиш имконини беради.

Перспектив мавзулар режасининг асосини мавзулар бўйича дарслар тизими ташкил этади. Мазкур режани ўқитувчи фаннинг ўқув режаси ва дастурига асосан дарслар бошлангунича тузади ва унда қуйидагилар кузда тутилади:

машғулот ўқув ишларини бажариш учун ташкилий қисм;

дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши;

фанлараро ва фан ичидаги боғланишларни белгилаш;

тарбиявий ишни перспектив режа билан боғлаб олиб бориш;

ишлаб чиқариш таълими билан боғланиш;

курғазмали қўлланмалар, дидактик материаллар ва таълимнинг техник воситаларини белгилаш;

уйга топиширк;

маълумотнома ва методик адабиётлар.

Режанинг компонентлари ўқув фани ва мавзу материалининг мазмуни, билим юртининг ўқув моддий базаси, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига караб аниқланади. Перспектив мавзулар режаси методика кенгашида куриб чиқилади.

Перспектив мавзалар режаси такроран фойдаланадиган хужжат бўлиб, унга мунтазам равишда узгартиш ва кушимчалар киритиб борилади.

Н. М. Белоусова 1-жадвалдаги перспектив мавзулар режасини тавсия этади (1-жадвал).

Режанинг булимлари қуйидагича тулдирилади:

1. Дарснинг тартиб номери каср сифатида – суратга дарсларнинг мавзу бўйича ва махражга фан бўйича тартиб номерлари ёзилади. Масалан, 3/20, бунда 3-мавзу бўйича ва 20-фан бўйича тартиби.
2. Мавзу, дарснинг асосий масалалари. Мавзу ёзилгандан кейин, дарснинг асосий саволлари ёзилади, лекин дастурнинг хаммасини ёзиш шарт эмас.
3. Ўқув ишини ташкил этиш шакли. Таълимнинг ташкилий шаклини ўқув-тарбия мақсадларига караб ва ўқитиш методлари ҳамда ўқув материалининг мазмунига боғлиқ бўлади.
4. Ўқувчиларнинг мустақил иши. Бунда уларнинг китоб, жадвал, топшириқ, кинофильм, диафильм плакат ва хоказолар билан шугулланиши ифодаланади.
5. Касб-хунар коллежининг тарбиявий иш режаси билан боғланиши. Бу булимни тулдиришда касб-хунар коллежининг тарбиявий иш режасидан фойдаланилади ҳамда боғланиш хар бир дарс учун эмас, балки бир мавзу учун ёзилади.
6. Фанлараро ва фан ичидаги боғланишлар. Бу булимда урганилаётган фаннинг умумтаълимий, умумтехник ва бошқа махсус фанлар билан боғланишлари курсатилади.
7. Ўқитишнинг техник воситалари, курғазмали қурол ва қулланмалар.

8. Амалий ишлаб чиқариш таълими билан боғланиши. Бу булимда урганилаётган ўқув материални ишлаб чиқариш таълимида бажариладиган топишириклар билан боғланиши курсатилади.
9. Уйга топшириқ. Мустақил ишлашда фойдаланиладиган адабиётларнинг номлари, нашриётлари, чиккан йиллари, қайси бетларидан фойдаланиш кераклиги ифодаланади.

Дарснинг мақсади учта: таълимий (ўқитиш), тарбиявий ва ривожлантириш мақсадларига булинади.

Таълимий мақсадга умуман қуйидагилар киради:

- янги тушунчаларни шакллантириш;
- янги қонун, қонуният, хусусият ва белгиларни узлаштиришни таъминлаш;
- янги ҳаракат усуллари ўргатиш;
- билимлардаги етишмовчиликларни бартараф этиш;
- билимларни умумлаштириш ва тизимга солиш;
- малакаларни шакллантириш;
- маълум ҳаракат усуллари мутахкамлаш;
- тушунчалар орасидаги боғланишларни аниқлаш бўйича ўқувчиларда бирор нарса тўғрисида тушунчаларни шакллантириш;
- дунёқараш гоялари ва муаммоларини аниқлаш;
- ўқувчиларда у ёки бу ҳаракатни, воқеаларни баҳолаш бўйича билимларни шакллантириш;
- хулоса чиқаришга тайёрлаш, узлаштиришга эришиш.
- Тарбиявий мақсад ўқувчиларда қуйидаги муайян шахс сифатлари ва характерини таркиб топтиришдан иборатдир;
- дунёқарашни ва касбга кизиқишни;
- уз-узини текшириш ва узаро ёрдамни;
- воқеликлар орасидаги боғланишларни аниқлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини;
- бир соҳадан иккинчи соҳага билимларни кучириш кўникмаларини;
- фанлараро боғланишларни амалга ошириш кўникмаларини;
- нутқ маданиятини;
- ватанпарварликни;
- меҳнатга онгли муносабатни;
- онгли интизом ва яхши хулқни;
- таълим олишга ижобий муносабатни;
- эстетик қарашларни;
- иш урнини ташкил этиш ва уз фаолиятини текширишни;

Таълимнинг мазмуни ҳаёт ва замон билан узвий боғланса, у тарбиялаш хусусиятига эга бўлади.

Ривожлантириш мақсади – дарс жараёнида ўқитувчиларнинг психологик сифатларини диккат, хотира, тафаккур ва билиш қобилиятларини шакллантиришдир.

Психологик адабиётларни таҳлил қилиш ўқувчиларда тафаккурни, политехник, меҳнат, билиш ва ақлий кўникмаларни, ирода ва мустақилликни ривожлантириш, уларни келгуси дарсларга тайрлаш зарурлигини курсатади.

Агар билимларни шакллантириш ва мақсадли тарбиялаш ўқувчиларнинг билиш қобилиятини такомиллаштиради, буни ривожлантирувчи таълим деб тан олинади.

Энди намуна сифатида айрим фанлар бўйича дарс режаларини куриб чиқамиз.

Кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш.

Ўқитувчи дарсни ўқувчилар урганилаётган материални равшан англабгина қолмай, уни аниқ такрорлаб ҳам бера оладиган, билимларни келгуси ўқув ишларида ва амалда қўлай оладиган йусинда ташкил этиши керак.

Билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда ўқувчилар уларни дастлаб қандай узлаштирган бўлсалар, худди шундай айтиб беришлари, уларга аниқлик мукамаллик киритишлари лозим. Таълимий ишнинг ана шу босқичида янги ўқув материали билан илгари узлаштирилган материалларни узаро чамбарчас, ўқувчилар яққол тушунадиган йусинда боғлаш уларнинг фандан олган билим ва кўникмаларини бойитади, кенгайтиради ва янада шакллантиради.

Ўқитиш даврига, урганилаётган материал мазмунига қараб билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш ҳар хил дидактик мақсадларга эга бўлиши мумкин. Ўқитишнинг дастлабки босқичларида, шунингдек, тасвирий материални ўрганишда билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш репродуктив характерга эга бўлиши мумкин. Бунда ўқувчилар топшириқни ўқитувчи берган намуна асосида бажарадилар, билимларни дастлаб қандай идрок этган бўлсалар, ана шу ҳолда татбиқ қиладилар. Шундан кейин ўқувчилар топшириқларга ижодий ёндошадилар ва узига хос йуллар билан бажарадилар, муаммоларни ҳал қилишнинг янги усуллари топадилар. Лекин бундай билиш фаолияти уларда муайян билимлар ва уларни қўллаш тажрибаси бўлишини, сабаб-натига боғланишларини чуқур тушунишни талаб қилади. Ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш, асосан, уларнинг мустақил ишлари орқали амалга оширилади. Ўқувчилар мақсадга онгли ва фаол интиладилар, пайдо бўладиган кийинчиликларни бирор кишининг ёрдамсиз енгадилар. Ўқитувчи мустақил ишлаш учун топшириқлар тузади, уларни бажариш тартибини режалаштиради, вақти-вақти билан топшириқларнинг мураккиблик ва кийинлик даражасини узгартириб туради, иш вақтида ўқувчиларни қўзғатиб, зарур ҳолларда уларга ёрдам беради.

Билим кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришни тўғри йулга қўйиш ўқувчиларда меҳнат маданиятини, дарсга маъсулиятли муносабатни таркиб топтиради, фикрлашни, хусусан техник фикрлашни ривожлантиради.

Техник фикрлашнинг хусусиятлари ўқув ишининг методик усулларини, хусусан билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш тизимини белгилайди.

Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш тизими хар хил машқларни бажариш, урганилган материални ўқув машғулотларида такрорлаш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдан иборатдир.

Хорижий адабиётлар

1. Морева И.А. Педагогика среднего профессионального образования. Практикум –М. «Академия»-2008.
2. Подласый М.Л. Педагогика Новый курс учебник для студентов пед.вузов. В 2 кн К Т: Общие основы процесса обучения. – М.: ВЛАДОС, 1999. 124 с.
3. Кузнецов В.В. Введение в профессионально-педагогическую специальность: учеб. Пособие для студ. Высш. Учеб. Заведений / В.В. Кузнецов: ред. Л.Я.Петрунина.-М.: Изд.центр “Академия”, 2007 – 176 с
4. Рогинский В.М. Азбука педагогического труда: -М.: Высш. Шк. 1990
- 3.И.Ф.Харламов. Педагогика. Минск, 2002.
5. В.И.Загвязинский. Теория обучения. Современная интерпретация. Москва. АСADEMIА, 2001.